

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ  
МУХОФАЗАЛАШ ГИГИЕНАСИДА  
ИННОВАЦИЯ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ**

**МАЖМУА**

**Тошкент 2019**

*Мазқур үқув-услубий мажмұа Олий ва үрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 наябрдаги 1023-сонлы буйруги билан тасдиқланған үқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:** Тошкент тиббиёт академияси, Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири, т.ф.д., доцент Н.Ж.Эрматов

**Тақризчилар:** Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудири профессори, т.ф.д. Ш.Т.Искандарова

Тошкент тиббиёт академияси, Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори т.ф.д. Г.И.Шайхова

*Үқув-услубий мажмұа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 201\_\_ ыйл  
— — — — — -сонлы қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. Ишчи дастур .....	4
II. Модулни ўқитища фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	13
III. Назарий материаллар .....	27
IV. Амалий машғулот материаллари.....	60
V. Кейслар банки.....	108
VI. Глоссарий.....	115
VII. Адабиётлар рўйхати .....	121

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратди. Республикаимиз Президентининг ташаббуси билан МДҲ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида ислоҳотлар амалга оширила бошланди. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу мақсадга эришиш учун Президентимиз раҳнамолигида янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг “Ўзбек модели” ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Таълим соҳасига тегишли қонун ва норматив - меъёрий хужжатларнинг барчасида республикамизда олий ва ўрта-маҳсус таълим тизимини жаҳон стандартларига мос равишда ривожлантириш, таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига жавоб берадиган ҳолатга келтириш кўзда тутилган.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган қатъий ислоҳотлар мазмунини очиб беришни мақсад қиласи.

Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларида тингловчиларга сабоқ берадиган профессор-ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишга зарур шарт-шароит яратади, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ривожлантириб боришини талаб этади. Негаки, бугун вояга етадиган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тибиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг тиббий профилактика иши йўналиши фанлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

Тиббий профилактика иши йўналиши (гигиена) фанлари - одам организмига атроф-муҳитдаги омилларнинг таъсирини ўрганиб, олинган натижалар асосида аҳоли учун энг мувофиқ яшаш, меҳнат қилиш шароитларини, овқатланиш тартибларини, сув таъминоти, туарар-жойлар билан таъминлаш масалаларини ишлаб чиқади. Бу мақсадларга эришиш учун гигиена ўз олдига қуйидаги вазифаларни кўяди: атроф муҳит омилларини ўрганиш ва уларни одам организмига таъсир этиш хусусиятларни аниқлаш; олинган натижаларга асосланиб одам организми учун бефарқ бўлган ва узоқ муддат давомида таъсир этганда ҳам зарарли таъсир қўрсатмайдиган гигиеник меъёrlар ва регламентларни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқилган меъёrlар ва регламентларни ҳаётга тадбик қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулни ўқитишдан мақсад** - Соғлиқни сақлаш тизимида юқори малакали етук мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондира оладиган, билим, малака ва амалий кўникмаларни керакли ҳажмда эгаллаган педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

Барча тингловчилар ўз амалий ва илмий фаолиятларида тиббий профилактика иши йўналиши (гигиена) фанлари асосий тамойиллари ва компонентларидан кенг фойдаланадилар.

#### **Модулнинг асосий вазифалари:**

- тингловчиларда “Тиббий профилактика иши” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- тингловчиларда замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- тингловчиларда “Тиббий профилактика иши” йўналишида педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий адабиёт материалларини самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- тингловчиларда “Тиббий профилактика иши” йўналишида ўқитишининг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Тиббий профилактика иши” йўналишида ўқув жараёнини фан ва амалиёт билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Тиббий профилактика иши” йўналишидаги фанларини ўзлаштириш жараёнида

### **Тингловчи:**

- тиббий профилактика иши фанларининг замонавий йўналишлари, соҳалар бўйича эришилган ютуқлар, долзарб муаммолар ва ривожланиш истиқболини;
- олий тиббий таълимдаги, жумладан тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги ислоҳатлар, амалдаги қонуний-меърий ҳужжатларни;
- тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги санитария ва эпидемиология назорати асосларининг қонуний асосларини;
- тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги мутахассисларга қўйиладиган замонавий талабларни;
- тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги инновацияларни, ҳорижий тажрибани ва таълим технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг назарий ва амалий асосларини;
- атроф-муҳит ва инсон саломатлиги назарияси асосларини, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг яшаш, меҳнат ва турмуш шароитларига боғлиқлик қонунлар, тушунчалар, категорияларни, табиий ва тиббий жараёнларнинг хусусиятларини **билиши** керак;

### **Тингловчи:**

- тиббий профилактика иши йўналиши бўйича эришилган ютуқларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;
- тиббий профилактика иши йўналиши фанларини ўқитишида илғор таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;
- атроф-муҳит ҳамда унга боғлиқ равишда аҳоли саломатлигига кузатиладиган табиий жараёнларни таҳлил қилиш усусларини қўллаш, экологик ва аҳоли саломатлигига оид муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш;
- тиббий профилактик иши йўналиши бўйича касалликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф килиш, санитария маорифи ишларини тарғибот этиш ҳамда назорат қилиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- атроф муҳитни санитар муҳофазалаш бўйича билимларни қўллашни, атроф-муҳит омилларини (ҳаво, сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва б.) объектив ва лаборатор текшириш усусларини, ифлосланиш даражасини аниқлашни ҳамда гигиеник меъёрларга қиёсий таққослаш, экологик мониторингни олиб бориш;
- тиббий профилактика иши йўналишидаги фанларни ўқитишида муаммоли педагогик ва инновацион ёндашиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Тиббиётда санитария эпидемиология назорати тизими ва унинг аҳамияти” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилсада, бунда вазиятли машқлар, слайдларни қўрсатиш, алоҳида педагогик вазиятларни шарҳлаш кабилардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс ва тест сўровлари, ақлий хужум, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Тиббиётда санитария эпидемиология назорати тизими ва унинг аҳамияти” модули мазмунан ўқув режадаги “Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот- коммуникация технологияларини қўллаш” каби ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, педагогик фаолиятни самарали кечишини таъминлаш учун хизмат қиласди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларни таълимтарбия жараёнига тадбик этиб, мақбул қарор қабул қилишга доир қасбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
НАЗАРИЙ ҚИСМ (маъruzалар)								
1	Инсон организмига атроф муҳит омилларининг таъсири, гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаштириш асослари.	2		2				
2	Аҳоли орасида соғлом овқатланиш мезонларини амалиётга тадбиқ қилиш	1		1				
3	Турли таълим муассасаларини санитар –гигиеник меъёрлар асосида баҳолаш.	1		1				
	<b>Жами</b>	<b>4</b>		<b>4</b>				
<b>Кўчма машғулот</b>								
1	Давлат санитария назоратини ташкиллаштириш долзарб масалалари	4				4		
2	Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини ташкиллаштириш масалалари	4				4		
	<b>Жами</b>	<b>8</b>				<b>8</b>		
<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР</b>								

1	<b>Атроф мухит омилларининг гигиеник меъёрлаштириш мезонлари. Хоналарнинг микроиклим кўрсаткичларини текшириш усуллари.</b>	2			2		
2	<b>Аҳолининг тўғри овқатланиш баҳолашда инновацион технологиялар.</b>	2			2		
3	<b>Болалар ва ўсмиirlар гигиенасининг ўзига хос муаммолари. Болалар ва ўсмиirlарнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолашнинг методологик асослари.</b>	2			2		
4	<b>Эпидемик жараён. Юқумли ва соматик касалликлар эпидемиологияси.</b>	4			4		
	<b>Жами:</b>	<b>10</b>			<b>10</b>		

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Инсон организмига атроф мухит омилларининг таъсири, гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаштириш асослари.**

Инсон организмига атроф мухит омилларининг (хаво, сув, тупрок) таъсири Гигиеник меъёр ва регламентларнинг аҳамияти. Физикавий, кимёвий, биологик омилларни гигиеник меъёрлаштириш ва гигиеник регламентлаштиришларни ишлаб чиқишнинг асослари. Санитария Қоидалари ва Меъёрлари (СанҚ ваМ) ҳамда бошқа турдаги гигиеник меъёрий хужжатлар ҳақида тушунча. Атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ омилларини гигиеник регламентлаштиришга бўлган умумий ёндошувлар.

**2-мавзу: Аҳоли орасида соғлом овқатланиш мезонларини амалиётга тадбиқ қилиш.**

Соғлом турмуш тарзининг асосий кўрсаткичларида бири- соғлом овқатланиш мезонлари, аҳолини хақиқий овқатланиш холатига баҳо беришни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш услублари, Аҳолини озиқ-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун тўлақонли сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашнинг асосий кўрсаткичлари.

**3-мавзу: Турли таълим муассасаларини санитар –гигиеник меъёрлар асосида баҳолаш.**

Мамлакатимизда фаолият юритаётган турли таълим муассасаларини санитар-гигиеник меъёрлар асосида баҳолаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Атроф мұхит омылларининг гигиеник меъёрлаштириш мезонлари.** Хоналарнинг микроиқлим кўрсаткичларини текшириш усуллари.

Ҳаво мұхитига гигиеник таъриф. Ҳаво мұхитининг физикавий хоссалари (ҳарорат, намлик, ҳаво ҳаракатининг тезлиги ва йўналиши, унинг атмосфера босими ва электр ҳолати) текшириш усуллари. Хоналарнинг микроиқлим кўрсаткичларига бўлган гигиеник талаблар. Хоналарнинг табиий ва сунъий ёритилганлик кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш усуллари.

### **2-амалий машғулот: Аҳолининг тўғри овқатланиш баҳолашда инновацион технологиялар**

Овқат маҳсулотларининг тўла сифатлилигини баҳолаш хақида тушунча. Овқат маҳсулотларидан намуналар олиш ҳақида умумий тушунча. Овқат маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш тартиби. Овқат маҳсулотларининг сифатини текшириш усуллари ҳақида тушунча, тез бузилувчи овқат маҳсулотларининг тўла сифатлилигини аниқлаш.

### **3-амалий машғулот: Болалар ва ўсмиirlар гигиенасининг ўзиға хос муаммолари. Болалар ва ўсмиirlарнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолашнинг методологик асослари.**

Болалар ва ўсмиirlарнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, уларни текшириш усуллари, ЎзРда яшайдиган болалар ва ўсмиirlар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда уларнинг амалиётда тутган ўрнини тушунтириш, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларга баҳо бериш кўнималарини шакллантириш.

### **4 машғулот. Эпидемик жараён. Юқумли ва соматик касалликлар эпидемиологияси.**

Эпидемик жараён. Эпидемиологик текшириш усуллари. Юқумли ва соматик касалликларнинг эпидемиологик тарқалишини олдини олиш ва монитрингида Давлат санитария эпидемиология назоратининг тутган ўрни. Ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш. Вакцина профилактика.

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ:**

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришинг интерфаол шаклларидан: бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, сұхбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиши шакллари сифатида қуидагилардан фойдаланиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гурухли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

Кўчма машғулот ТТА туман ДСЭНМ ўқув модули ҳамда ЎзР ССВ СГКК ИТИ лабораторияларида ўтказилади.


Кўчма машғулот мобайнида туман ДСЭНМ ўқув модули мисолида Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари структураси билан таниширилиб, Давлат санитария назоратини ўтказишнинг умумий принциплари билан таниширилади. Шунингдек ЎзР ССВ СГКК ИТИ лабораторияларида ўтказиладиган текширувларни тахлил қилинади.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Таълим технологияси аниқ педагогик гоя асосида ишлаб чиқилиб, унинг негизини қуидагилар ташкил этади: муаллифнинг аниқланган методологик, фалсафий йўналиши; педагогик, психологик ва ижтимоий фанлар ҳамда педагогик амалиёт-концептуал асослари.

Таълим тизими бошқа барча ҳорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги принциплар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиладиган жиҳати шундаки, бунда таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлашини онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, уларнинг хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳар бир таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятига эътиборида ҳисобланади.

### Замонавий таълим технологиясининг асослари



**Интерфаол таълим** (Interactive) - сұхбатли. **Интерфаол таълим** бериш - сұхбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим воситаларининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Модулни ўқитишида қуидаги интерфаол усуллардан фойдаланилади.

### **Муаммоли вазиятлар усули**

**Муаммоли вазиятлар усули** – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишига ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган. Усулнинг етакчи вазифалари қуидагилардан иборат:

- ✓ Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- ✓ Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- ✓ Тарбияловчи – фикр алмашиниш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қиласи.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуидагилардан иборат бўлади:

- ❖ номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- ❖ номаълумни топиш йўналишида қидиувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо З таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (янги билимларни шаклланишига олиб келади).
- Номаълумни топиш йўналишида қидиувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидиувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидиуви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифани мураккаблиги (вазият «ўқув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма ахборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишилардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиши катта меҳнат ва педагогик

маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

### **Муаммоли вазиятлар усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
Тайёргарлик	➤ Таълим берувчи мавзуу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди,
1 – босқич Муаммога Кириш	➤ Тингловчилар гурухларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2 - босқич Муаммога кириш	➤ Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гурухларда мухокама қиласадилар, уларни таҳлил қиласадилар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикри ифодалайдилар.
3 - босқич. Натижаларни тақдим этиш	➤ Натижаларни маълум қиласади, бошқа гуруҳ вариантиларини мухокама қиласадилар
4 - босқич Умумлаштириш, якун ясаш	➤ Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади

## **Лойиҳалар усули**

**Лойиҳалар усули** билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим олувчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар. Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

## **Лойиҳа усулининг амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
Тайёргарлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи лойиҳа мавзулари ва мақсадини аниқлайди. Таълим олувчиларни лойиҳалаш ёндашуви моҳияти билан таништиради. Бир қанча мавзулар таклиф этади, лойиҳа мазмуни тӯғрисида маълумот беради, улар доирасини шакллантиради, иш турлари, уларнинг натижалари ва баҳолаш мезонларини санаб ўтади.</li> </ul>
1 - босқич Режалаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи ғояларни таклиф этади, таклифларни айтади.</li> <li>➤ Ахборот манбай ва унинг йиғиш усуллари ва таҳлилини тавсия этади.</li> <li>➤ Иш тартиби ва оралиқ босқичларни баҳолаш мезонлари ва умуман жараённи белгилайди.</li> </ul>
2 - босқич Тадқиқ қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Тингловчилар тадқиқотни бажарадилар. Ахборот тўплайдилар, оралиқ вазифаларни ечадилар.</li> </ul>
3 - босқич Ахборот таҳлили. Хуносаларни шакллантириш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Тингловчилар олинган ахборотни таҳлил қиласидилар, хуносаларни шакллантирадилар</li> </ul>
4 - босқич Тақдимот босқичи	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Тингловчилар олинган натижалар бўйича тақдимотга тайёрланадилар. Иш натижаларини намойиш тадилар.</li> </ul>
5 - босқич Жараён ва натижаларни баҳолаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Тингловчилар жамоавий муҳокама орқали иш натижалари ва унинг бориши, шу жумладан муаммони ечишнинг тўлиқлик даражаси ва ҳаракат стратегиясини химоя қиласидилар, ўқитувчи уларни баҳолайди</li> </ul>

## “Кейс-стади” усули

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

Шунингдек, модулни ўқитишида ҳамкорликдаги ўқиши ташкил этиш усулларидан «Арра» ёки илон изи, «Биргаликда ўқиймиз», техникаларидан фойдаланамиз.




### **Ҳамкорликда ўзаро ўқиши: тамойил ва қоидалари**

- 1) гурухга битта топшириқ;
- 2) битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йифиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурух (команда) муваффакияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- 3) ҳар бирининг ўз муваффакияти ва гурухнинг бошқа аъзолари муваффакияти учун шахсий масъулиятлиги;
- 4) ҳамкорликдаги фаолият: гурухий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- 5) муваффакиятга эришишда teng имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилияларидан келиб чиқсан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан teng баҳоланади.

## “Илон изи” (“appa”) техникасини ўтказиш босқичлари

<b>Иш босқич-лар</b>	<b>Фаолият шакли</b>
1 –босқич Кириш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи лавҳаларнинг мураккаблиги ва ҳажми бўйича тенг бўлинган ўқув материали устида ишлаш учун 3-4 кишидан иборат бўлган гурухларни шакллантиради.</li> </ul>
2 Гурухларда ишлаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ҳар бир гурух аъзоси эксперт варағига мос равиша ўқув материалидан керакли маълумотни топади.</li> <li>➤ Мутахисслир учрашуви-ҳар хил гурухларда фақат бир материални ўрганаётганлар билан учрашадилар ва экспертлар сифатида ахборотлар билан алмашиладилар, ўзларининг саволларини ишлайдилар, дастлабки ўзларининг гурух аъзоларига ушбу ахборотни самаралироқ баён этишини биргаликда режалаштирадилар.</li> <li>➤ Мутахисслир ўзларининг дастлабки гурухларига қайтадилар ва бошқаларга ўзлари билиб олган барча янгиликларни ўргатадилар: ҳар бири ўзининг топширигининг қисми тўғрисида маъруза қиласи(худди арранинг бир тишидай).</li> <li>➤ Умумий мавзу бўйича бир-бирларига саволлар берадилар ва билимларни баҳолайдилар ёки таълим берувчи томонидан барча мавзулар бўйича тестларни бажарадилар.</li> </ul>
3- Якуний босқич.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи иш якунидан сўнг гурухлардаги ҳоҳлаган таълим олувчига мавзу бўйича ҳоҳлаган саволга жавоб беришиши таклиф этади. Тингловчилар саволларга жавоб берадилар</li> </ul>

# “Илон изи”, “Арпа” техникаси



## “Биргаликда ўрганамиз” (“кооп-кооп”) усули ва унинг босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли</b>
1. Гуруҳларни шакллантиш	➤ Ўқитувчи ўқиганлик даражаси бўйича 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил гуруҳларни шакллантиради
2. Гуруҳли иш босқичига кириш	➤ Ҳар бир гуруҳга умумий мавзунинг қисмини - бир топшириқ беради, бу бўйича барча ўкув гуруҳлари ишлайди. ➤ Гуруҳ ичидаги умумий топшириқ бўлинади.
3. Гуруҳларда ишлаш.	➤ Ўқитувчи топшириқни бажариш муваффақиятини, муомала маданиятини назорат қиласди. ➤ Ҳамма алоҳида топшириқни бажарадилар ва барча мавзулар бўйича мустақил ишлайдилар. ➤ Гуруҳ аъзоларини кичик-маърузаларни тинглайдилар. Умумий маърузани ифодалайдилар.
4. Тақдимот ўтказиш	➤ Гуруҳ сардорлари ёки ҳамма гуруҳ иш якуни тақдимотини ўтказадилар.
5. Баҳолаш.	➤ Ўқитувчи гуруҳ натижаларининг таҳлили ва баҳолашини ўтказади, ғолиб-гуруҳни аниқлади.



**Графикли органайзерлардан** маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситаларидан “Инсерт” усули, “Блиц-ўйин” усулидан фойдаланилади.

### “Инсерт” усули

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машки вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

## **“Блиц-ўйин” усули**

**Усланинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнилмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Услани амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақика вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуийш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Графикли органайзерлардан маълумотларни таҳлил қилиш, солишириш ва таққослашнинг йўл ва воситаларидан “SWOT-таҳлил” усули, Венна диаграммаси усулидан фойдаланилади.

### “SWOT-таҳлил” усули

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.




## Венна Диаграммаси усули



**Усулнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Усулни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшистилгач, улар биргаланиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



Графикли органайзерлардан муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситаларидан Ишикава диаграмасидан фойдаланилади.



Балиқ скелети, Ишикава ёки Илдиз сабаблар таҳлили диаграммаси.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу: Инсон организмига атроф мухит омилларининг таъсири, гигиеник меъёрлаштириши ва регламентлаштириши асослари.**

**Режа:**

1. Радиацион аварияларнинг турлари ва синфлар;
2. Ходимлар ва атроф мухит учун оқибатларни келтириб чиқарииши мумкин бўлган радиацион аварияларга таъриф;
3. Радиацион авария оқибатларини текшириши ва йўқотиши бўйича бўлган тадбирлар тизимидағи гигиеник тадбирлар.

**Таянч иборалар:**

тиббий профилактика иши, врач умумий гигиенист эпидемиолог, давлат санитария назорати, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар, санитария-эпидемиологик вазият

Атроф-мухитни асраш, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилиш ва турли касалликларни олдини олиш тиббий профилактика иши йўналишидағи шифокорларнинг меҳнати туфайли Республикаизда вабо, ўлат, безгак, куйдирги, полиомиелит каби ўта оғир юқумли касалликлар бартараф этилди. Ҳозирги кунда республикаизда санитар-гигиеник, эпидемиологик ва радиацион хавфсизлик барқарор бўлиб бошқа давлатлардан ўта хавфли юқумли касалликларнинг кириб келишига йўл қўйилмаяпти.

Радиологик объектларни нормал шароитда лойихалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш шароитида, яъни радиацион хавфсизлик қоидаларига ва МКРЗ нинг тавсияларига тўлиқ амал қилинганда ахолининг харқандай тоифасини нурланиш холати кузатилмайди. Бироқ штатсиз (режалаштирилмаган, кутилмаган) вазиятлар юзага келганда радиологик объектлар, хам ходимлар учун, хам атрофдаги ахоли учун жиддий хавф туғдириши мумкин. Бундай штатсиз холатлар аварияли вазиятлар натижасида, РМ саклаш, транспортировка қилиш қоидалари бузилганда, улардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганда, табиий жараёнлар таъсири натижасида юзага келиши мумкин.

Локал радиацион авариялар, қоида бўйича ИНМ дан фойдаланиш қоидалари бузилганда, РМ жойлаштирилган идишлар ёки сифимлар шикастланганда, ИНМ йўқолган ёки ўғирланган холатларга боғлиқ бўлиб, чекланган миқдордаги шахсларнинг нурланиши ва технологик хоналаргина радиоактив ифлосланишга учраши мумкин.

Локал радиактив авариялар қуйидаги тавсифланади:

- 1 синф - авариялари, фақат ходимларнинг ташқи нурланиши билан боғлик;
- 11 синф - авариялари, ходимларнинг фақат ички нурланишлари билан боғлик;
- 111 синф - авариялари, ходимларнинг комбинациялашган ташқи ва ички нурланиши билан боғлик;
- 1У синф - авариялари, ходимларнинг ташқи ва ички нурланиши ва ишлаб чиқариш мухитининг ифлосланиши;
- У синф - авариялари, ишлаб чиқариш мухитининг ифлосланиши, ходимларнинг таш+и ва ички нурланиши, хамда ахолидан айrim шахсларнинг нурланиши.

Энг катта хавф штатсиз аварияларда ва ядервий реакторлар, жумладан АЭС ларида содир бўладиган аварияларда кузатилади. Ҳалокатли оқибатларга сабабчи бўлган радиацион аварияларга мисол қилиб, 1986 йилда Чернобыль АЭС да содир бўлган аварияни келтириш мумкин.

1990 йилда атом энергияси б°йича Халқоро агентлик (МАГАТЭ) да ядервий реакторларда юзага келиши мумкин бўлган ходисаларнинг шкаласи ишлаб чи±илган ва қабул қилинган бўлиб, унга асосан атроф мухит ва одамларнинг со<sup>2</sup>лиги учун уларнинг оқибатларига боғлик бўладиган бу ходисаларнинг синфларини аниқлаш мумкин.

Бундай ходисаларнинг барчасини 7 та синфга бўлиш мумкин.

- 1, 2, 3 синфлар турли даражадаги "ходисалар ёки воқеалар" га хос бўлиб, бунда атроф му<sup>3</sup>итга кичик хажмдаги РМ чи±арилади ва ахолининг нурланиши белгиланган даражадан ошмайдиган холатлар (мЗв ўндан бир бўлаги) кузатилади.
- 4 синф - бу объект чегарасидаги авария бўлиб, атроф мухитга РМ кичик миқдорда чиқарилади ва ахолининг нурланиши бир неча мЗв доирасида бўлади.
- 5 синф - атроф мухит учун хавфли авария бўлиб, атроф мухитга  $10^2$  дан  $10^3$  ТБк (терабеккерель) миқдорида  $^{131}\text{J}$  чиқаради.
- 6 синф - атроф мухитга  $10^3$  дан  $10^4$  ТБк миқдорида  $^{131}\text{J}$  чиқарилиб, оғир авария хисобланади.
- 7 синф - глобал авария бўлиб, атроф мухитга  $10^4$  ТБк дан ортиқ  $^{131}\text{J}$  чиқарилади

**Ходимлар ва атроф мухит учун оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган радиацион аварияларга таъриф.**

Радиацион объектлар аварияга қарши яхши ташкил этилган хавфсизлик тизимиға эга бўлиши керак, аммо бундай хавфсизликка мутлоқ кафолат бераб бўлмайди, шунинг учун авариялар содир бўлганда ва экстремал вазиятлар юзага келганда зудлик билан амалга ошириладиган тадбирлар

кўлланиши ва биринчи навбатда одамлар учун бўладиган хавфни пасайтириш лозим бўлади. Бундай хавф асасоан иккита омил билан боғлик: одамларнинг ўткир нурланиш олиш мумкинлиги ва атроф мухитнинг ифлосланиши натижасида РМ нинг инкорпорацияланиши хисобига дозавий юкламаларнинг ошиб кетиши хисобланади.

Атом реакторларида содир бўладиган авариядаги радиацион хавфни баҳолашда асосий мезонлар қуидагилар хисобланади:

- радиоактив моддаларнинг аварияга доир чиқарилиш қиймати ва метеорологик омилларни хисобга олиб, худуднинг ифлосланиши;
- авария чиқиндиси билан ифлосланиш хисобига ишлаб чиқариш майдони, реактор зали, реактор худудининг ташқи нурланиш қиймати;
- ифлосликнинг радионуклидли таркиби ва хаво, сув, озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиш даражаси.

Радиацион авария зонасида ўтказиладиган тадбирларнинг табиати авария бос±ичларига боғлик бўлади.

Бирнчи босқичда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича зудлик билан ўтказиладиган тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш, ахоли ўртасида профилактик тадбирларни амалга ошириш (зарурият бўлса), керакли соҳадаги мутахассисларни жалб қилиш ва кейинги тадбирлар режасини тузиш. Радиацион авария зонасида кўрсатилган тадбирлар хажми жуда катта куч ва воситаларнинг сарфланишини талаб қиласди. Масалан, Чернобыль АЭС даги авария оқибатларини бартараф қилишда ахолига тиббий хизмат кўрсатиш учун (профилактик ёрдамни қўшган холда) 7 мингга яқин врачлар, 13 минг ўрта тиббий ходимлар, 2 мингга яқин инженер-техник ишчилар жалб қилинган.

Радиацион хавфни бирламчи баҳолаш, авария рўй берган муассаса маълумотлари асосида ўтказилиши керак.

Авариядан кейиноқ (биринчи 10 кун давомида) энг юқори хавф ташқи нурланиш, хамда қисқа умр кўрувчи изотоплар, хусусан  $^{131}\text{J}$  хисобига келиб чиқиши мумкин. Авариядан кейинги муддатларда (10 кундан кейин) асосий хавфни узоқ умр кўрувчи изотоплар, асосан Cs (яrim парчаланиш даври -  $T_{1/2}$  - 2,3 йил),  $^{137}\text{Cs}$  ( $T_{1/2} = 30$  йил),  $^{90}\text{Sr}$  ( $T_{1/2} = 28$  йил),  $^{106}\text{Ru}$  ( $T_{1/2} = 360$  кун),  $^{144}\text{Ce}$  ( $T_{1/2} = 284$  кун) хисобига бўлиб, улар радиацион булутнинг аста-секинлик билан чўкиши натижасида атроф мухит объектлари - озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, тупроқ, хаво ифлосланиши мумкин.

Чернобыль АЭС даги авария шуни кўрсатдики, ахолига бўладиган радиацион таъсир бир қанча омилларга боғлиқ экан:

- радиоактив булутдаги ташқи бета - ва гамма нурланишлар;

- радиоактив булутдан ёғиладиган РМ билан нафас олиш хисобига ички нурланиш;
- чўккан радионуклидлардаги бета- ва гамма нурланишлар;
- организмга сув ва озиқ-овқат махсулотлари тушиши билан боғлик бўлган ички нурланиш.

Радиацион аварияларнинг оқибатлари ходимлар учун хам, ахоли учун хам хар турли - ўткир жароҳатланишдан тортиб, стохастик самара кўринишидаги узоқ муддатлардан кейинги оқибатларнинг юзага чиқиши кўринишида б°лиши мумкин.

### **Радиацион авария оқибатларини текшириш ва йўқотиш бўйича бўлган тадбирлар тизимидағи гигиеник тадбирлар**

Радиацион авария хақидаги воқеа аниқланган хамма холатларда корхона маъмурияти зудлик билан махаллий хокимият ва ички ишлар органлари, санитария-эпидемиология назоратининг Давлат департаменти, ФХВ (фавқулотда ходиса вазирлиги) га хабар бериши шарт.

Муассасанинг ўзида авариянинг ривожланмаслиги, одамларнинг нурланиши мумкинлигини минимум даражагача тушириш ва атроф му³итнинг ифлосланмаслиги учун зарурий тадбирлар қўлланиши керак.

Кейинчалик эса, асосий куч ходимлар ва ахолининг дозавий юкламасини пасайтириш бўйича тадбирларни таъминлашга қаратилади.

Ахолининг дозавий юкламасини пасайтиришга доир тадбирларнинг табиати ва хажми радиацион авариянинг синфиға ёки юзага келадиган экстремал вазиятларга боғлиқ. Аммо Чернобыль АЭС даги авария оқибатларини йўқотиш бўйича тўпланган тажриба, хамда штатсиз авариялар бўйича тўпланган бутун жаҳон тажрибаси муайян шароитларда радиацион таъсирининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиб ДСЭН фаолиятидаги мухим йўналишларни аниқлашга имкон беради.

Катта худудларнинг радиоактив ифлосланишига сабабчи бўладиган аварияларда, назорат маълумотларига ва радиацион вазиятни башорат қилишга асосланиб, "радиацион авария зonasи" ўрнатилади. Радиацион авария зonasи, худудда авариядан кейинги 1 йил ичida ташқи ва ички нурланиш йигиндинсининг эффектив дозаси 5 мЗв ошиши мумкинлигига қараб аниқланади. Радиацион авария зonasида радиацион вазият мониторинги ўtkазилади ва ахолининг нурланиш даражасини пасайтириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

Авариядан кейинги яқин муддатларда шошилинч тадбирларнинг табиати ва <sup>3</sup>ажми <sup>3</sup>a±идаги масала хал қилиниши керак. Бундай қарорни қабул қилиш учун махсус мезонлар ишлаб чиқилган. Жумладан, агар биринчи 10 кун ичida баданинг нурланиши 5 мЗв ошмаса, шошилинч тадбирларни қабул

қилишга хожат бўлмайди. Нурланиш дозаси 5 дан 500 мЗв бўлганда химояланиш тадбирларини бажарилиши хақидаги қарор муайян вазият ва махаллий шароитни хисобга олиб қабул қилинади. Нурланиш дозаси 500 мЗв дан юқори бўлган холатларда зудлик билан яшириниш жойларини ташкил қилиш, нафас органларини, бадан терисини химоя қилиш, йодли профилактика каби тадбирлар қабул қилинади. Биринчи 10 кун давомида умумий нурланиш дозаси 500 мЗв ошган тақдирда катта ёшли одамлар зудлик билан эвакуация қилинади. хомиладор аёллар ва болаларни эвакуация қилиш 10 кун ичидаги нурланиш дозаси 50 мЗв дан ошганда амалга оширилади.

Атроф мухитнинг радиоактив заарланиш даражасини хисобга олиб, ифлосланган озиқ - овқат махсулотлари ва сувни истеъмол қилишни чеклаш (башорат қилиниши бўйича нурланиш дозаси 50 мЗв ва ундан ортиқ дозада б°лганда), ёки ифлосланган зонадан ахолини олиб чиқиб кетиш хақидаги (башорат қилинадиган доза йилига 500 мЗв дан ошса) масала хал қилинади.

Радиацион вазиятни хисобга олиб, радиацион авария зонасида ўтказиладиган ишлар, З босқичга бўлиниши мумкин. Биринчи босқичдаги (авария вақтидан 24 соатгача) асосий вазифа радиацион вазиятни ва ахолини химоялаш бўйича биринчи навбатдаги ишларни режалаштириш ва бажариш учун авариянинг кутиладиган масштабини баҳолаш хисобланади. Иккинчи босқичда (7-10 кун) радиацион вазият янада аниқланади, қалқонсимон безда радиоактив йоднинг миқдори танлаб ўлчанади, сув ва озиқ-овқат махсулотларини танлаб дозиметрик назоратдан ўтказилади, хамда ахолининг нурланиш дозаси башорат қилинади, жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

Учинчи босқичда (2 ойгача) радиацион вазиятга янада аниқлик киритиш ва радиацион вазиятни назорат қилишни тартибга солиш, дозиметрик ва радиометрик текширишларни оммавий кенгайтириш, чекловчи тадбирларни ташкил қилиш ва унинг бажарилиши назорат остига олинади.

Радиацион авариялар вақтида айрим ахоли гурухи ўртасида юқори психоэмоционал зўриқишиш ва радиофабия билан боғлиқ бўлган яна бир мухим муаммо вужудга келса, аксинча айрим одамларда радиоактив моддалар хақидаги элементар билимларнинг ва РМ нинг организмга таъсир этиш мумкинлиги тўғрисида етарлича маълумотларга эга эмаслиги муаммоси юзага келади. Бу холат кенг ахоли ўртасида шунга мувофиқ билимларни тарғибот қилиш зарурлигидан далолат беради.

Авариядан кейинги биринчи босқичда кечикириб бўлмайдиган тадбирлар тутатилгандан сўнгги биринчи даврда, радиацион вазиятни назорат қилиш, озиқ - овқат махсулотлари ва сув билан радионуклидларнинг организмга

тушишини чеклаш, заарланган зонадан одамларни кўчириш, дезактивацион ишлар, тиббий текширишлар ва одамларни соғломлаштириш, тушунтириш ва санитар - оқартув ишлари давом этирилади. Бу босқич, шак-шубхасиз яна бир неча йил давом этиши керак. ЧАЭС даги авария оқибатлари шу кунгача тўлиқ йўқотилмаганлиги бунга ёрқин мисолдир.

Табиийки, юқорида таърифланган тадбирлар катта масштабли ва у тўлиқ хажмда фақат 5-6-7 синфларга оид радиацион авария холатларида давом эттирилиши мумкин. 3-4 синфга таалукли аварияларда асосий хавф-хатар фақат ходимлар учун бўлади, чунки уларда ўта нурланиш ва ўткир оқибатларнинг юзага келиш хавфи юқори.

1-2 синфдаги радиацион аварияларда одамларнинг соғлиги учун бевосита хавф-хатар бўлмайди, аммо хам ходимлар ва хам ахоли учун потенциал негатив оқибатларнинг келиб чиқиш мумкинлиги нуқтаи-назардан огох бўлиш талаб этилади.

Радиацион авария оқибатларини йўқотишида ДСЭН нинг асосий фаолияти ахолининг режалаштирилган юқори нурланишини регламентлаш хисобланади. Бу регламентлар аварияли ходисаларда ЎзР ССВ томонидан ўрнатилиди ва ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- ташқи ва ички нурланиш дозасининг таъсир этиш даражасини баҳолаш;
- ташқи ва ички нурланишнинг вақтинчалик дозавий чегаралари;
- атроф мухит обьектларида РМ нинг вақтинчалик рухсат этилган миқдор даражаси;
- ишларни бажаришдаги вақтинчалик санитар қоидалар;
- тиббий кўрикларнинг хажми ва даврлари;
- ташқи мухит обьектларини санитар ишловдан ўтказилишини назорат қилиш шароитлари.

Радиацион авария оқибатларини текшириш ва йўқотиши ишлари Давлат санитария назорати Департаменти назорати остида муассаса маъмурияти томонидан "Радиацион аварияларнинг оқибатларини текшириш ва бартараф қилиш хизмати бўйича инструктив-услубий кўрсатма" га мувофиқ бажарилади. Авария ва унинг оқибатларини бартараф қилиш учун корхона ёки муассаса рағбарияти шахсий жавобгар хисобланади, унинг келиб чиқишига сабабчи бўлган шахслар эса, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Инсоният бугунги кунда жуда катта миқдорлардаги физикавий, кимёвий, биологик ва ижтимоий-гигиеник омиллар таъсирида яшамоқда, Бу омилларнинг табиати ва таъсир этиш даражаси у ёки бу кўринишдаги патологиянинг келиб чиқишини белгилаб беради.

Мас., Бутун Дунё Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг берган маълумотига кўра 80% касалликларнинг келиб чиқиши сифатсиз ичимлик сувини истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Шунинг учун айтиш лозим-ки, кўпчилик касалликларни олдини олишда атроф мухит омиллари инсон организми учун мувофиқ ёки жуда бўлмаса бефарқ бўлиши лозим. Атроф мухитнинг шундай параметрлари гигиеник меъёрлар, қоидалар, регламентлари ҳисобланади, уларни қўпинча "гигиеник нормативлар" деб номланади.

Аммо шуни ҳисобга олиш керак-ки, келтириб ўтилган барча гигиеник нормативлар учун ўзининг хусусиятлари мавжуддир.

Гигиеник меъёрлар, қоида бўйича доимо фаолият кўрсатувчи ва инсон учун керакли омиллар ҳисобланади. Мас., овқатланишнинг гигиеник меъёрлари, микроиқлим меъёрлари, сув истеъмоли меъёрлари мавжуд (жадвалларни кўрсатиш лозим).

Гигиеник (санитар) қоидалар - табиатда бор бўлган у ёки бу омилга бўлган гигиеник талабларнинг оғзаки таърифи ҳисобланади. Мас., санитария қоидаларига сув манбани танлашга бўлган талаблар ёки сув манбаи атрофига ўрнатиладиган санитария ҳимоя зоналарини айтиш мумкин.

Санитария қоидалари қўпинча уларнинг таркибига муайян гигиеник меъёрларни ёки регламентларни киритилишини тақозо қиласди. Шундан келиб чиқиб, энг муҳим гигиеник нормативлардан бири бўлган СанҚ ва М (санитария қоидалари ва меъёрлари) номини айтиш мумкин.

Гигиеник регламентлар деганда одам организмига негатив таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ўрнатиладиган меъёрларни назарда тутади. Бу омилнинг таъсир кўрсатиш табиатига кўра улар қўйидагиларга бўлинади: РЭК (ПДК) - рухсат этиладиган концентрация (мисол , ҳаво, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бўладиган кимёвий моддаларга ўрнатилган РЭКлар), РЭД (ПДУ) - рухсат этиладиган даража (мисол, шовқин, тебраниш ва радиоактив ифлосланишларнинг РЭД лари), РЭД (ПДД) - рухсат этиладиган доза (мас., ионлантирувчи нурларнинг РЭД ). Ҳар қандай ҳолатда ҳам рухсат этиладиган деган сўз шу маънени беради-ки, шу миқдордан ошиб кетган шароитда бу омиллар шу одамнинг ўзигагина эмас, балки унинг келгуси авлоди учун ҳам ҳавфли ҳисобланади.

Гигиеник нормативлар санитария-эпидемиология назорати фаолиятининг асоси ҳисобланади, чунки ДСЭНМ нинг асосий вазифалари огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратида гигиеник нормативларнинг бажарилишини назорат қилишдир.

### **ЎзР даги гигиеник нормативлар.**

Бугунги кунда ЎзР да 100 дан ортиқ гигиеник норматив хужжатлари тасдиқланган ва амалиётда қўллаш учун тавсия қилинган бўлиб, уларнинг асосийлари СанҚвам ҳисобланади. Бу хужжатларнинг аксарият қисми олдин ўрнатилган нормативлар бўлиб, уларга айrim янгилик ва қўшимчалар киритилган бўлиб, бунда Ўзбекистоннинг географик-иқлим шароитларининг ўзига хослиги, ренспублика иқтисодиётининг хусусиятлари, ҳамда жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инобатга олингандир. Бу хужжатларнинг бир қисми қўпинча гигиеник регламент кўриниши (мас.,

атмосфера ҳавосидаги кимёвий моддаларнинг РЭК, шовқин ва тебранишнинг РЭД) табиатига эгадир, аммо бу хужжатларнинг кўпчилик қисми ўз таркибига санитария қоидалари ва меъёрларини ёки санитария қоидалари ва регламентларини олади (5,6 та СанҚ ва М намойиш этилади).

СанҚ ва М дан ташкари ЎзР да норматив хужжатлар қаторига услубий тавсияномалар, услубий кўрсатмалар, инструктив хатлар, текшириш усуллари кириб, илмий изланиш натижалари асосида тайёрланган, ҳамда кўп босқичли кўриб чиқилиши ва муҳокама қилиниши шарт бўлган шароитларда ишлаб чиқилиб, ЎзР ССВ томонидан тасдиқлангандир.

### **Гигиеник нормативларнинг ишлаб чиқишининг асосий босқичлари.**

Гигиеник нормативларнинг яратилиш жараёни -кўп босқичли мураккаб илмий изланиш натижалари ва ташкилий таркибга эгадир. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаш қўйидаги асос бўлувчи принципларга ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

1. Гигиеник нормативларнинг давлат характеристига эга эканлиги. ЎзР да санитария назорати давлат характеристига эга, шунинг учун барча гигиеник нормативлар ҳам давлат характеристига эгадир. Ишлаб чиқилган ҳар бир норматив кўп босқичли текширишлардан (экспертиза) ўтказилади, ЎзР ССВ томонидан тасдиқланади ва ЎзР даги Давлат Санитария Назорати ҳақидаги Қонун (1992) га мувофиқ қонуний кучга эгадир.

2. Текширилган омилни амалиётда қўллашдан олдин шу омилга нисбатан илмий асосланган регламент ишлаб чиқилиши шарт. Бу принципни ҳар қандай кимёвий модда учун ишлаб чиқиладиган РЭК мисолида кўрсатиш мумкин: янгидан синтезланган кимёвий модданинг ҳеч бири, инсоннинг у ёки бу турдаги фаолиятида олдиндан гигиено-токсикологик текширишларисиз ва шунга мувофиқ гигиеник норматив ишлаб чиқмасдан тадбиқ қилиниши мумкин эмас.

3. Хавфсизлик принципи (ёки омилнинг тиббий-биологик кўрсаткичлари): Гигиеник нормативларни ишлаб чиқиша биринчи навбатда шу омилнинг тирик организм учун таъсир кўрсатиш аҳамияти, ундан кейин эса унинг иқтисодий самарадорлиги, технологияларнинг янгиланиши инобатга олиниши лозим.

4. Атроф муҳит объектларни бўлиш принципи: гигиеник меъёрлаштириш ҳамма омиллар ва атроф муҳитдаги объектлар учун бир хил бўлмаслиги керак. Мас., Кимёвий модда учун ишлаб чиқиладиган РЭК ҳаво, сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида бўлиши зарур.

5. Текширилаётган омилнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган номувофиқ самараларининг мажмуасини ҳисобга олиш принципи. Мас., дисперсли моддани атмосфера ҳавоси учун меъёрлаштиришда унинг фақат одам организми учун зарарли таъсир этиши мумкинлигигина эмас, балки умумсанитар шароитларнинг ёмонлашиши, қуёш радиацияси таркибидаги ультрабионафша нурларнинг жадаллигини пасайтириш кабилар ҳисобга олиниади.

6. Зарарнинг чекловчи кўрсаткичидан фойдаланиш принципи: гигиеник регламентни ўрнатишда ўрганилаётган омилнинг таъсирига текшириш жараёнида энг сезгир бўлган кўрсаткичга асосланиш лозим.

7. "Доза-самара", "вақт-доза", "доза-вақт-самара"нинг боғликлигини ҳисобга олиш. Мазкур принцип гигиеник регламентни ишлаб чиқишига асос бўлувчи ҳисобланади, чунки омилнинг миқдорий таърифини, унинг таъсири этиш муддатини ва келтириб чиқарган самарасини ҳисобга олмай туриб, регламент ўрнатиш мумкин эмас.

8. Эксперимент шароитида омилнинг таъсирини моделлаштириш принципи. Кўп ҳолларда гигиеник меъёр ёки регламентни ишлаб чиқиши шу омилнинг таъсири кўрсатиш шароитини моделлаштирумасдан мумкин эмас. Mac., кимёвий модданинг ҳавзадаги сувнинг санитар тартибига таъсири этиши мумкинлигини аниқлаш учун шундай шароитни лаборатория шароитида сунъий яратиш орқали, кимёвий модданинг озиқ-овқат маҳсулотининг органолептик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш учун моделли шароитда дегустация текширишларини ўтказиш талаб этилади.

9. Таъсири шароитини қаттиқлаштириш принципи. Гигиеник меъёр ва регламентни ишлаб чиқишида шу омилнинг реал шароитда таъсири этиши ва шу шароитни қаттиқ назоратда бўлишини яратиш лозим. Mac., у ёки бу хонанинг ёритишга бўлган гигиеник меъёрни ишлаб чиқишида иш жараёнида фарқланадиган обьектларнинг энг кам миқдорлари, кичик контрастли фон ва ёритилганликни кўриш органига максимал узоқ муддатларда таъсири кўрсатиш шароитини яратиш керак.

10. Гигиеник регламентлаш бўйича текшириш босқичлари. Гигиеник нормативларнинг кўп қисми кўп босқичли текшириш натижалари ҳисобланади, уларнинг табиати эса меъёрлаштирумасдан омилнинг табиатига боғлиқ. Mac., кимёвий омилни гигиеник регламентлашда гигиено-токсикологик текширишлар 4-6 босқичдан иборат бўлади ва бу ҳақдаги маълумот кейинроқ баён қилинади.

11. Иқлим - географик шароитларни ҳисобга олиш. Мазкур принцип жуда кўп гигиеник нормативлар учун муҳимдир, чунки муайян худуднинг иқлим-географик шароити атроф муҳитдаги омилнинг организмга таъсири кўрсатиш даражаси ва табиатини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Mac., Россия шароитида сув истемолининг физиолого-гигиеник меъёрлари бир одам учун 2,5 л/кунни ташкил этса, ЎзР нинг иссиқ иқлими шароитида ёз кунлари бу меъёр 4-5 л/кунгача кўтарилиб кетади.

12. Меъёрлаштиришга эколого-гигиеник ёндошиш. Хозирги вақтда атроф муҳитнинг экологик шароитини ёмонлашиши билан боғлиқ ҳолда шундай савол қўйилаяптики, гигиеник нормативлар шу омилнинг инсон организмига факат негатив таъсирини олдини олишга қаратилмай, балки инсоннинг яшаш муҳитини таназзулга учрашини олдини олишга қаратилиши лозимлигини талаб қиласди.

13. Гигиеник нормативларнинг нисбийлиги. Ишлаб чиқилаётган ҳамма гигиеник нормативлар бир умрга эмас, балки вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши лозимлигини талаб қиласди. Чунки у ёки бу омилнинг организмга

таъсири ҳақидаги янги маълумотлар юзага келмоқда, текшириш усуллари такомиллашяпти, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўзгарайяпти - буларнинг ҳаммаси гигиеник нормативларда ўз аксини топмасдан иложи йўқ. Шунга боғлиқ ҳолда гигиеник меъёрлашнинг лозимлиги, гигиеник меъёрлар, қоидалар ва регламентларни янгидан аниқлаш ва такомиллаштиришни доимо амалга оширишни талаб этади.

### **Гигиеник меъёр ва регламентларни ишлаб чиқишга бўлган умумий ёндошишлар.**

Гигиеник меъёр ва регламентларни ўрнатиш тартиби муайян мисолларда кўриб чиқилиши керак.

Мас., Яшаш хоналарининг микроиқлими ёки унинг ёритилишига доир гигиеник меъёрлар табиий текширишлар асосида ишлаб чиқилиши ва текшириш жараёнида текширилаётган омилнинг турли шароитларда одам организмининг функционал ҳолатига таъсири баҳоланиши керак, мас., (микроиқлим учун - иссиқликни бошқарилиш, юрак-томир системаси, нафас олиш органлари функцияси, ёритилганлик учун - кўриш органи ва МНС функцияси). Бунда текширилаётган омилнинг шундай параметрлари гигиеник меъёр қилиб олиниши керак-ки, у организмнинг оптималь функционал ҳолатини таъминласин.

Аҳолининг энг оптималь сув истеъмоли меъёрларини ўрнатиш учун аҳолининг кўпчилик қисмидан анкета-сўровлар ўтказилиб, кейинчалик тураг-жойларнинг коммунал ободонлаштирилганлигига боғлиқ ҳолда сув сарфи қийматлари ҳисоблаб топилади.

Айрим омилларни меъёрлаштиришда табақалашган меъёрлаштириш принципи қўлланади ва бунда омилнинг юқори, оптималь ва қуи даражалари ўрнатилади. Шундай принцип бўйича, жумладан ишлаб чиқариш хоналарининг рухсат этиладиган ва оптималь микроиқлим қийматлари ва ичимлик суви таркибидаги фторнинг рухсат этиладиган миқдорий чегарали белгиланган ва б.к.

Гигиеник меъёрлардан фарқли ўлароқ, гигиеник регламентларни ўрнатиш, қоида бўйича табиий шароитда эмас, балки тажриба (эксперимент) шароитида олиб борилади.

Омилларнинг гигиеник регламентацияси атроф мухитдаги турли омилларнинг бўсағали таъсир концепциясига асосланади.

Гигиеник регламентларни ўрнатиш - бу мураккаб ва етарлича узоқ давом этиладиган жараёндир. У меъёрлаштириладиган омилнинг сифат ва миқдорий таърифлаш билан бирга физикавий, кимёвий, биологик, статистик текшириш усулларидан фойдаланишни, омилни тирик организмга таъсирини ўрганиш билан кейинчалик олинган маълумотларни математик таҳлил қилиш ва шунга мувофиқ регламент ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кўп сонли гигиеник регламентлар қаторига кимёвий моддаларга рухсат этиладиган концентрациялар (РЭК) ни киритиш мумкин.

Таҳминий гигиеник регламент бўлиб, моддаларнинг таҳминий таъсир этиш даражалари (ОБУВ), таҳминий рухсат этиладиган даражалари (ОДУ),

максимал рухсат этиладиган даражада (МДУ) лар ҳисобланиб, улар ҳисоблаш усуллари орқали аниқланади.

РЭК ишлаб чиқиш ўз олдига бир қатор вазифаларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўяди ва у атроф мухитнинг қандай объекти учун РЭК ишлаб чиқилишига боғлиқ (1, 2, 3, 4 жадваллар).

### 1 жадвал

Атмосфера хавосидаги кимёвий моддаларни регламентлаш атмосфера ҳавоси модданинг таҳминий ҳавфсиз РЭК ишлаб чиқиш даражасини ишлаб чиқиш Ҳисоблаш усуллари

Бир марталик максимал ўртача кунлик

Ўрганиш асослари:

- Резорбтив кўрсаткичлар (тажриба хайвонлари организмига заҳарли таъсири)
- Рефлектор кўрсаткичлар (хиди, ҳоҳловчиларда ўтказиш)
- Рефлектор-резорбтив кўрсаткичлар
- Санитар-гиеник кўрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан ўтказиш, РЭК ҳисоблаб топиш.

### 2 жадвал

Кимёвий моддани ҳавзалардаги сувда

регламентлаш

Сув ҳавзалари

ОДУ ишлаб чиқиш

рэқ ишлаб чиқиш

Ҳисоблаш усуллари

Ўрганиш - асослари

- Органолептик кўрсаткичлар
- Ҳавзалардаги сувнинг санитар тартиби
- Санитар-токсикологик кўрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан ўтказиш, РЭК ҳисоблаш

### 3 жадвал

Кимёвий моддаларни тупроқда регламентлаш

тупроқ

рэқ ишлаб чиқиш

Ўрганиш асослари:

- Тупроқ мухитида барқарорлиги
- Транслокацияланиш кўрсаткичлари
- Токсикологик кўрсаткичлар
- Умумсанитар кўрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан ўтказиш, РЭК ҳисоблаш

### 4 жадвал

**Кимёвий моддаларни озиқ-овқат маҳсулотларида реғламентлаш  
овқат маҳсулотлари**

**Максимал рухсат этилган**

## **д а р а ж а (мду)**

Хисоблаш усуллари

## **рэк ишлаб чиқиши**

Үрганиш асослари

- Токсикологик күрсаткичлар
  - Органолептик күрсаткичлар
  - Умумгиеник күрсаткчилар
  - Технологик күрсаткичлар
- Таҳлил, натижаларни математик ишловдан  
үтказиш, РЭК ҳисоблаш.

Гигиеник регламентлаштиришда гигиена-токсикологик текширишлар қуидаги босқичларда умумий кўринишга эга бўлади:

1. Модданинг физико-кимёвий хоссаларини ўрганиш (агрегет ҳолати, ташқи кўриниши, ранги, ҳиди. Солиштирма оғирлиги, турли мухитларда эриш хусусияти, барқарорлиги, буғланиш хусусияти ва б.)

2. Захарлилик хоссасини баҳолаш мақсадида токсикологик текширишларни ўтказиш керак, бунда организмга заҳарли таъсир кўрсатиш табиати, маҳсус таъсир хусусиятларига эга эканлиги аниқланади. Токсиколого-гигиеник текширишларнинг асосий вазифаси - ўткир ва сурункали таъсир этиш бўсағаларини -  $Lim_{ac}$  ва  $Lim_{chr}$  аниқлашдир (тушунтириб бериш). Токсикологик текширишлар лабораторияларда экспериментал ҳайвонлар организмида синаш орқали ўтказилади (оқ сичқонлар, оқ каламушлар, қуёнлар ёки бошқа ҳайвонлар) ва у бир неча вариантларда амалга оширилади:

а) ўткир тажрибалар. Асосий вазифа - қуидаги токсикологик параметрларни аниқлаш -  $LD_{50}$ ,  $LD_{16}$ ,  $LD_{84}$ ,  $CL_{50}$  (тушунтириб бериш), ҳамда ўткир заҳарланишдаги клиник белгилар аниқланади.

б) Оралиқ тажриба. Асосий мақсади - лаборатория ҳайвонлари организмига кўп марталик юборгандаги кумулятивлик хоссасини аниқлаш  $1/5-1/10 LD_{50}$   
в) сурункали токсикологик текшириш. Тажриба ёки  $Lim_{chr}$  ни ўрнатиш мақсадида, ёки модданинг маҳсус таъсир этиш хусусиятини аниқлаш мақсадида ўтказилади.  $Lim_{chr}$  ни аниқлаш  $LD_{50}$  нинг  $1/20$  -  $1/100$  марталик нисбатларида узоқ муддат таъсир эттириш (4-6 ой) орқали ўтказилади ва маълум муддатларда ҳайвонлар организмидаги функционал, морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар аниқланади. Текшириш натижасида шундай доза аниқланади-ки, у ҳайвонлар организмида физиологик меъёрлардан ташқари минимал ўзгаришларни келтириб чиқариши керак.

3. Ўтказилган текширишларнинг натижалари асосида текширилган модданинг заҳарлилик синфи ўрнатилади ва талаб этиладиган гигиеник регламентлар ҳисоблаб топилади (РЭК).

Гигиено-токсикологик текширишларнинг аниқ вазифалари билан СИЗ амалий машғулотларда танишасиз.

Ишлаб чиқилган гигиеник меъёр ва регламентларнинг самарадорлиги аҳолининг саломатлик ҳолатларини ўрганиш асосида баҳоланади ёки ишлаб чиқилган гигиеник нормативнинг вазифасига мувофиқ аҳолининг айrim гурухларида баҳоланади.

Шундай қилиб, гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаштириш атроф мухитдаги омилларнинг барчасини ўзида акс эттириши билан бирга ишлаб чиқиладиган барча профилактик ва согломлаштириш тадбирлари учун асос бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Инсон организмига атроф мухит омилларининг (ҳаво, сув, тупроқ) таъсири қандай?
2. Физикавий омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?
3. Кимёвий омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?
4. Биологик омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?

Амалдаги СанҚвамни кўрсатинг

### **Фойдаланилган адабиётлар**

Асосий:

1. Радиационная гигиена. Кириллов В.П., Коренков И.П., Книжников В.А. – М., 1989, 135 с.
2. Радиационная гигиена. Методические рекомендации для студентов медико-профилактического факультета. – Т., 2000, 68с.
3. Радиационная гигиена. Электронная версия учебника. Пономарева Л.А., Зарединов Д.А., Казаков Э.К.- Ташкент, 2005, 120с.
4. Руководство к лабораторным занятиям по радиационной гигиене. Под ред. Кроткова Ф.Г. – М., 1983, 145с.
5. СанПиН № 0029-94 Санитарные правила и нормы радиационной безопасности. Т., 1994, 230с.
6. “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
7. Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
8. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т., 2011.
9. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005, 1-2, 102, 111p
10. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

**2-мавзу: Аҳоли орасида соглом овқатланиш мезонларини амалиётга тадбиқ қилиши.**

**Режа:**

1. Соғлом турмуш тарзи тамоиллари.
2. Соғлом овқатланиш мезонларни
3. Соғлом овқатланишнинг аҳамияти.

**СЎЗ БОШИ**

*«Тўғри овқатланиш ва парҳезга амал қилиш билан кўплаб қасалликларни олдини олиш мумкин. Унинг самараси дори қабул қилгандан бир неча баробар яхшироқдир»*

**Муҳаммад Розий**

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб халқ хўжалигининг турли тармоқларида, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг қамровли босқичма - босқич ислоҳотлар ўтказиш режалаштирилди ва улар Республикализ Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан чиқарилган фармон ва қарорларга асосан амалга оширила бошланди. Натижада мамлакатимизда болалар ўлимини кескин камайиши ва аҳолини ўртacha умр кўришини сезиларли узайишига эришилди.

Ушбу фармон ва қарорларда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва унинг негизларидан бирини ташкил этувчи рационал овқатланишни кенг тарғиб қилишга давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши сифатида мунтазам эътибор берилди. Чунки истеъмол қилинаётган озиқ - овқат сифати, тури, миқдори, ўз вақтида ва маълум бир меъёрда овқатланиш, инсон ҳаётига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири хисобланади. Бинобарин, шундай экан у инсон иш қобилиятига, ҳаёт сифати ва давомийлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари «Рационал овқатланиш, нон ва нон маҳсулотларини тежамкорлик билан истеъмол қилиш тўғрисида» (1995); «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида» (1998); «Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» (2007); «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Конуни, 2007); «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлод шаклланишида қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида» (2009) каби халқимиз саломатлигини яхшилаш тўғрисидаги ҳужжатларда белгиланган. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси сиҳат - саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг жорий этиш, мамлакатимиз равнақини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан эълон қилинган ва қилинаётган: 1997 – «Инсон манфаатлари йили», 1998 – «Оила йили», 1999 – «Аёллар йили»,

2000 – «Соғлом авлод йили», 2001 – «Оналар ва болалар йили», 2002 – «Қарияларни қадрлаш йили», 2004 – «Мехр - мурувват йили», 2005 – «Сиҳат-саломатлик йили», 2006 – «Хомийлар ва шифокорлар йили», 2007 – «Ижтимоий ҳимоя йили», 2008 – «Ёшлар йили», 2009 – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2010 – «Баркамол авлод йили», 2012 – «Мустаҳкам оила йили», 2013 – «Обод турмуш йили», 2014 – «Соғлом бола йили» тадбирлари доирасида амалга оширилган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. 2015 йил эса Президентимиз томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинди ва бу борада ҳам Республикаизда кенг кўламли ижобий ишлар бошлаб юборилди.

Шу ўринда соғлом турмуш тарзи тушунчаси кенг маънога эга эканлигини, у жисмоний фаоллик, заарли одатлар, яъни гиёхвандлик, тамаки (носвой) чекиш, спиртли ичимликларни истеъмолига қарши кураш ва рационал овқатланишни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш каби ишларни ўз ичига қамраб олишини унутмаслик лозим.

Улар орасида овқатланиш айниқса, ўз вақтида ва меъёрида, зарур бўлганда эса пархезбоп таомлар истеъмол қилиш муҳим аҳамиятга эга. Овқатланиш тиббий нуқтаи назардан ёш, тана тузилиши, иқлим, мабодо касаллик бўлса унинг тури ва давридан келиб чиқиб хасталикнинг олдини олиш учун турли хил тартиб ва таркибда тавсия этилади. Лекин, кўпчилик «рационал овқатланиш» деганда, мазали, тўйимли, юқори калорияли таомларни истеъмол қилишни назарда тутадилар. Аммо, дунёдаги етакчи илмий марказларда олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, юқори сифатли ун маҳсулотлари ва ҳайвон ёғидан тайёрланган таомлар ҳамда шириналикларни меъёридан ортиқ тановул қилиш юрак қон – томир ва бошқа қатор аъзоларни касалликлари пайдо бўлишига олиб келади. Чунки мазкур таомлар тана вазни ортиши – семизлик, қонда холестерин миқдорини ошиши, қон босимини кўтарилиши, миокард инфаркти, бош мияга қон қўйилиши, қандли диабетга мойиллик туғилишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Ушбу касалликлар эса меҳнат фаолияти сусайишига, ҳаёт сифатини ёмонлашишига ва бевақт ҳаётдан кўз юмиш ҳолатлари юз беришига сабаб бўлади. Ёғли ва углеводга бой таомларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш оқсиллар, углеводлар, ёғлар ўртасидаги мувозанатни бузилишига замин яратади. Аксинча, сабзавот ва мевалар, сут маҳсулотларидан етарлича фойдаланилмаслик натижасида витаминалар, макро ва микроэлементлар етишмаслиги юзага келади. Буларни азалдан инсониятга маълум эканлигини милоддан олдинги тўрт юзинчи йилларда яшаган тиббиётнинг отаси ҳисобланмиш Гиппократни «Истеъмол қилаётган таомингиз дори вазифасини ўтасин, дорингиз таомдан иборат бўлсин» деб таъкидлагани ҳам тасдиқлайди. Лекин илм - фан ҳамда техниканинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши ва турмуш фаровонлигини тобора ошиб бориши, асосий хизматларни техника зиммасига юклатилиши аҳоли орасида касаллик келиб чиқиш эҳтимолини тобора кўпайтироқда. Шунинг учун ҳар бир инсон имкон кадар жисмоний фаол бўлишга ва рационал овқатланишга интилмоғи катта муаммога айланиб бормоқда. Холбуки, таом меъёрида

истеъмол қилинса инсон шунча кам касалликка учрайди. Ўтмишда табиблар “одам боласининг ичига касаллик оғзидан киради” деганда айнан шуни назарда тутишган. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий «Сиҳат тиласанг кам е, иззат тиласанг кам де», деб бекорга таъкидламаганлар.

Шу билан бир қаторда, юқорида қайд этганимиздек, инсон тўлақонли ҳаёт кечириши учун ўз вақтида, меъёрида ва ёшга мос равишда овқатланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки овқат, бизнинг организмимизни мўътадил даражада ушлаб турувчи манба (ёқилғи) ҳисобланади. Аммо, биз бу манбадан кўр - қўрона эмас, балки онгли ва илмий асосланган ҳолда фойдаланишимиз керак. Бу барча ёшдаги аҳоли учун жуда зарур ва муҳим.

Овқатланишни тўғри ташкил қилиш касалликларни олдини олишнинг негизларидан биридир. Бинобарин, шундай экан халқимиз саломатлигини муҳоваза қилиш қатор бошқа тадбирлар билан бирга аҳоли барча гуруҳларини тўлақонли ва рационал овқатланишини ташкил этиш ва унинг ёрдамида фарзандларимизнинг соғлом ўсиб ривожланиши, кенг аҳоли оммасининг соғлиғи ва меҳнат қобилиятини сақлаб туришни таъминлашга қаратилган. Унинг учун кундалик озиқ - овқатлар таркибида меъёр даражасида ҳаёт учун зарур бўлган оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, микроэлементлар ва қатор анорганик моддалар бўлиши зарур.

Серқуёш Республикаимиз ҳудудида турли хил дехқончилик маҳсулотлари яъни ширин – шакар мевалар, витаминларга бой полиз экинлари, кўкатлар ва бошқа ўсимликлар етиширилади. Улар йилнинг тўрт фаслида ҳам меҳмондўст халқимиз дастурхонини безаб туради. Ўзбекистонда етишириладиган қовун - тарвуз, анор, олма, шафтоли, узум, нок ва бошқа мевалар ҳамда турли – туман кўкатларнинг довруғи бутун оламга етган.

Ўзбек пазандачилигида бизнинг миллий таомимиз ҳисобланган паловнинг 100 дан ортиқроқ, кабобнинг 30 га, суюқ овқатларнинг 80 га яқин турлари мавжуд. Баҳорда дастурхонларимизга сумалак, кўк чучвара ва кўк сомса, қовурма гулкарам, ялпизли мошхўрда тортилса, ёзда уни памидор кабоб, карам ва қалампир дўлма, чалоб (айрон), гўжа ош, турли сабзавотли димламалар безайди. Кузда қовурма балиқ, лаққа кабоб, лағмон билан бир қаторда беҳили палов, ошқовоқ сомса, қовоқдан, сабзидан, қизил лавлагидан, бақлажондан тайёрланган пархез котлетлар тайёрланади. Она табиатимиз йил ўн икки ой мевалар, сабзавотлар ва турли кўкатлардан истеъмол учун фойдаланиш имкониятини берган. Бизнинг вазифамиз эса улардан ёшимиз, касбимиз, йил фасли, соғлиғимиз ҳолатидан келиб чиқиб рационал овқатланишдан иборат.

Муҳтарам ўқувчи, мазкур китоб ушбу вазифаларни ижобий хал қилишда сизга яқин ёрдамчи бўлади деган умид билан

*Академик Ш.И. Каримов*

## РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ ТАМОИЛЛАРИ

Жисмонан ва руҳан бақувват ҳамда фаол яшаш учун ҳар бир киши соғлом турмуш тарзига амал қилиши мухим аҳамиятга эга. Унга тўлиқ амал қилинса инсон қариши билан шуғилланувчи халқаро ташкилот олимлари фикрига кўра 100 - 120 йил умр кўриш имконияти мавжуд. Айрим мутахассислар эса 180 ёш ҳам ҳаёт давомийлигида чегара эмаслигини таъкидлайдилар. Соғлом турмуш тарзи тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у жисмоний фаоллик, зарарли одатлар, яъни гиёхвандлик, тамаки (носвой) чекиш, спиртли ичимликларни истеъмолига қарши кураш ва рационал овқатланиш каби тадбирларни ўз ичига қамраб олади. Шу ўринда инсон организмига таъсир этувчи минглаб омиллар ичидаги овқатланиш айниқса, ўз вақтида ва меъёрида, зарур бўлганда эса пархезбоп таомлар истеъмол қилиш етакчи аҳамиятга эга эканлигини ёдда тутиш лозим. Овқатланиш тиббий нуқтаи назардан ёш, тана тузилиши, иклим, мабодо касаллик бўлса унинг тури ва давридан келиб чиқиб хасталикнинг олдини олиш учун турли хил тартиб ва таркибда тавсия этилади. Шундагина инсон узоқ, соғлом ва фаровон умр кўриши мумкин.

Организм меъёрида фаолият кўрсатиши учун 600 дан ортиқ озуқалар керак. Улардан тахминан 90 % шифобахш таъсирга эга бўлиб, жуда кам қисми тананинг ўзида яратилади ва аксарияти ташқаридан киради. Бунга фақат рационал овқатланиш орқалигина эришиш мумкин. Лекин, кўпчилик «рационал овқатланиш» деганда, мазали, тўйимли, юқори калорияли таомларни истеъмол қилишни назарда тутадилар. Айрим кишилар тартибсиз, овқатланиш ритмига амал қилмасдан (эрта нахорда ёки кечкурун ётишдан олдин) таом истеъмол қиласидилар.

Лекин юқоридагидан фарқли ўлароқ истеъмол қилинадиган таомлар организм тикланишини таъминласа, йўқотилган энергияга бўлган талабни қондирса, таркибида зарур даражада оқсиллар, ёѓлар, углеводлар, витаминалар, микро – макроэлементлар, ўсимлик толалари сақласа ҳамда озиқ – овқатлар ва уларнинг таркиби, миқдори ошқозон – ичак тизими ферментлари фаоллиги билан мос келса рационал овқатланиш деб аталади. Ёки бир сўз билан айтганда, истеъмол қилинадиган озиқ – овқатлар инсоннинг реал эҳтиёжларига мос келиши лозим. Рационал сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “рацион” ибораси бир кунлик истеъмол қилинадиган овқат маъносини англатса, “рационал” мақсадга мувофиқ, ақл - идрок билан таом истеъмол қилиш деган фикрни билдиради.

Хозирги вақтда рационал овқатланиш назарияси негизида *таом истеъмол қилишни мувозанатлаширилган концепцияси* ишлаб чиқилган. Унга асосан истеъмол қилинаётган озиқ – овқатлар таркибида инсон учун зарур даражадаги оқсиллар, ёѓлар, углеводлар, витаминалар, минерал моддалар ва сув бўлиши керак. Бундай ёндошишнинг асосий моҳияти ҳар бир киши сарфлайдиган энергия организмга тушаётган қувватга мос келишидан, овқат таркибидаги моддаларни ўзаро мутаносиблигидан,

овқатланишни маълум сон ва оралиқда бўлишидан иборат. Ушбу концепцияни қуидаги учта қоидаси тафовут этилади:

❖ Организм томонидан қабул қилинаётган ва сарфланаётган энергияни ҳисоблаш ва у ёки бу таомнинг таркибий қисми қанча қувватга эга эканлигини билиш. Ҳар бир кишининг бир кунда сарфлаётган энергияси *асосий алмашинув, овқатнинг специфик - динамик таъсирни ва фаолият турни мажмуасидан* иборат.

*Асосий алмашинув қуввати* – бу инсоннинг жисмоний тинч ҳолатда (масалан, уйқуда) ҳаётий муҳим жараёнлари (хужайраларда модда алмашинуви, нафас олиш, қон айланиши, овқат ҳазм бўлиши, асад тизими) ва мушаклар тонусини қўллаб – қувватлаш учун зарур бўлган энергия. У инсон жинси, бўйи. тана вазни ва тузилиши, ёши, ички аъзолардаги гормонлар мувозанати ҳамда бошқа қатор омилларга боғлик. Шунингдек, асосий алмашинув учун зарур бўлган энергияга йил фасли, иқлим, ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Тинч ҳолатда организм эҳтиёжи учун зарур бўлган қувват тана мушаклари оғирлиги ва ёғ тўқималари миқдори билан ҳам узвий боғлик. Эркакларда асосий алмашинув кўрсаткичи аёлларга нисбатан 10 % кўпроқ. Шунингдек, уларда тана вазнининг бир кг га 1 соатда бир ккал энергия сарф этилса, аёлларда бу кўрсаткич 0,9 ккал га teng. Маълумки, ёш улғайиб борган сари инсонда мушаклар кичрайиши кузатилади. Бинобарин, унга мос равишда асосий алмашинув кўрсаткичи ҳам камайиб боради. Совуқ иқлим шароитларида ва юқори ҳарорат билан кечадиган айрим касалликларда асосий алмашинув кўрсаткичлари бир мунча юқори бўлишини (тана ҳароратини  $1^{\circ}$  га ошиши энергияга бўлган талабни 10 – 15 % га кўтаради) эсда тутиш лозим.

*Овқатнинг специфик - динамик таъсирни* – бу озиқ – овқатларни организмга сингиши учун сарфланадиган қувват. Унинг энг кўпи (30 – 40 %) оқсилларни ундан сўнг ёғларни (4 – 14 %) ва ниҳоят углеводларни (4 – 7 %) ўзлаштириш учун сарфланади. Турли хил озиқ – овқатлар яъни аралаш таркибли таом истеъмол қилганда асосий алмашинув кўрсаткичи 10 % ни ташкил этади. Тиббиётда бошқариладиган қувват сарфлаш ибораси мавжуд бўлиб, бу жисмоний фаоллик натижасида йўқотиладиган энергия ҳисобланади ва 40 % ни ташкил этади. Ҳар бир инсоннинг бир кеча – кундузлик сарфлайдиган энергиясидан келиб чиқиб қабул қилинаётган ва сарфланаётган энергия миқдорига қараб овқат рационини тузиш мумкин. Биз истеъмол қилаётган овқат маҳсулотлари таркибидаги бир грамм оқсил ва углеводларнинг ҳар биридан 4 ккал, ёғлардан эса 9 ккал энергия ҳосил бўлади. Ҳар бир кишининг асосий алмашинув қуввати ва овқат маҳсулотларидан ҳосил бўлган энергияни билган ҳолда қабул қилинаётган ва сарфланаётган энергияни аниқлаш ҳамда унга мос равишда овқат рационини тузиш мумкин. Бундай ёндашиш овқатланиш концепциясининг қоидасига жавоб беради.

❖ Мувозанатлаштирилган овқатланиш. Истеъмол қилинадиган озиқ – овқатлар таркибидаги оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминалар, минерал

моддалар ва сувнинг бир – бирига мутаносиб (оптимал) равишда бўлиши овқатланиш концепциясининг иккинчи қоидаси ҳисобланади.

❖ Овқатланиш тартибини мувофиқлаштириш ушбу концепциянинг учинчи қоидаси ҳисобланиб, ўз ичига қуидагиларни қамраб олади:

- Мунтазам овқатланиш;
- Овқатланишни кун давомида тақсимлаш;
- Овқатланишлар сони ва улар орасидаги вақтларн мувофиқлаштириш.

Бунинг учун қуидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

✓ Овқатни куннинг маълум вақтида истеъмол қилиш – бу шартли рефлекслар ҳосил бўлишига имкон яратади ҳамда ўз навбатида организмни овқат қабул қилишга тайёрлайди. Нонушта ва тушлик, тушлик ва кечки овқатлар оралиғидаги вақт 5 – 6 соатни ташкил этиши, мабодо уйқудан олдин овқатланиш иштиёқи бўлса камида 1,5 – 2 соат олдин таом қабул қилиш керак.

✓ Кунда 4 маротаба овқатланиш - унинг тахминан 25 % биринчи нонуштага, 15 % иккинчи нонуштага, 35 % тушликка, 25 % кечки овқатга тўғри келиши лозим.

✓ Овқатланганда унинг такрибий қисмига эътибор бериш жуда муҳим. Оқсилга бой озиқ – овқатлар асаб тизими қўзғалувчанлигини оширганлиги сабабли уларни куннинг биринчи яъни инсон фаол ҳаракатда бўлган даврда истеъмол қилиш маъқул. Акс ҳолда уйқуни қочиради ёки чуқур уйқу ҳолати юзага келишига тўқсинглик қиласди. Кечки овқат кунлик овқатланишни кўп қисмини ташкил этганда ёғларнинг оксидланиши тўлиқ кузатилмай семиришга мойилликни келтириб чиқаради.

Дунёдаги етакчи илмий марказларда олиб борилган кузатувларда ҳайвон ёғидан ва юқори сифатли ун маҳсулотларидан тайёрланган таомлар ҳамда ширинликларни меъёридан ортиқ тановвул қилиш, овқатланиш тартиби ва ритмига амал қилмаслик озиқ – овқатларнинг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги мувозанатни бузилишига ва оқибатда семизлик, юрак қон – томир ҳамда бошқа қатор аъзолар касалликлар келиб чиқишига олиб келиши тасдиқланмоқда. Чунки улар қонда холестерин (ёғсимон заррачалар) микдорини ошиши, қон босимини кўтарилиши, миокард инфаркти, бош мияга қон қуиши ёки ишемик инсульт (бош мия ва бўйин томирларида ёғлар ўтириб қолиши оқибатида унда қон айланишининг ўткир бузилиши), қандли диабетга мойиллик туғилишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда ахоли орасида тана вазни оғир яъни семиз кишиларнинг тобора қўпайиб бораётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Бу нафақат бизнинг республикамизда балки бутун дунё ахолиси орасида ҳам кузатилмоқда. Турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, ер куррасининг 25 фоиз, 40 ёшдан кейин эса 50 - 60 фоиз ахолисида ушбу жараён қайд этилмоқда. Семизлик сўнгги йилларда тобора қўпроқ ўсмирлар орасида ҳам учрамоқда. Америка Кўшма Штатларида 35 фоиз, Европада эса 20 фоиздан ортиқ ёшлар ортиқча тана вазнига эга. Илмий тадқиқотларга кўра, агар тегишли чора – тадбирлар кўрилмаса 2025 йилга бориб семизликка чалинганлар сони икки баробарга кўпайиши мумкин.

Шунинг учун ҳар бир киши имкон кадар жисмоний фаол бўлишга ва рационал овқатланишга интилмоғи лозим.

Семизликнинг саломатликка салбий таъсирини узоқ ўтмишда ҳам яхши билишган. Тиббиётнинг отаси Гиппократ томонидан “тўсатдан ўлим ориқ кишиларга нисбатан семизларга кўпроқ хос”, деган ибора милоддан олдинги тўрт юзинчи йилларда айтилган. Семизлик нафақат инсонларнинг ҳаёт сифати ва унинг давомийлигига таъсир кўрсатади, балки турли оғир касалликларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Семиз кишиларда юқори қон босими, томирларга ёғ пилакчалари ўтириб қолиши ва юрак ишемик касаллиги 2 - 4 марта кўпроқ учрайди. Қандли диабетнинг кўпроқ 40 ёшдан ошган инсонларда кузатиладиган иккинчи тури 85 - 90 фоиз ҳолларда ортиқча тана вазнига эга бўлганларда ривожланади. Семизликнинг енгил даражасида қандли диабет юзага келиш эҳтимоли 3 марта, ўрта оғирлик даражасида 5 марта, ўта семиз кишиларда эса 10 мартага ошади. Бошқача қилиб айтганда, ортиқча тана вазнига эга бўлган кишиларда қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланиш эҳтимоли жуда юқори. Бундан ташқари семизлик бўғим, жигар, руҳий ҳолатнинг ўзгариши, веналарнинг варикоз кенгайиши ва бошқа касалликларнинг асосий сабабчиларидан биридир.

Семизликнинг инсон организмига салбий таъсирини қўйидаги оддий бир ўхшатиш ёрдамида билиш мумкин. Маълумки, ҳар бир машинанинг танасига мос қувватдаги мотори бор. Жуссаси каттароқ машинага кичкина машинага мослаб чиқарилган моторни қўйиш мумкин эмас. Масалан, “нексия”га “матиз”нинг мотори қўйилса, нима бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Қолаверса, семиз инсоннинг юраги ҳам худди “нексия”га қўйилган “матиз”нинг мотори сингари зўриқиб, қийналиб, ортиқча куч ва чираниш билан ишлайди. Бу оқибатда организмнинг тез чарчашига ҳамда турли касалликларга сабаб бўлади.

Ҳазрати Навоий бобомиз ва яна бошқа кўплаб алломаларимиз кам ейиш, кам гапириш, кам кулиш каби фазилатларни кўп тарғиб этишган. Ҳатто баъзи ўринларда “Олдига келганни емак – ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демак – нодоннинг иши”, дея қаттиқроқ тегишганлар ҳам. Албатта, бу гаплар асло бежизга айтилган эмас. Чунки кўп ейиш нафақат инсонни саломатлигига салбий таъсир этади, балки ақлий ва маънавий тарафдан заифлаштиради ҳам. Тўғри, бўш қоп тик турмайди, деганларидек, ейиш, ичиш керак. Бу тириклик талаби. Аммо унинг тартиби, меъёри бор. Бу хусусида ҳаммамиз яхши биладиган, аммо кўпам амал қилмайдиган ўгитни яна бир эслайлик: нонуштани ўзинг е, тушликни дўстинг билан баҳам кўр, кечки овқатни душманингга бер деган иборани доимо ёдда сақлашимиз керак.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, истеъмол қилинаётган озиқ - овқат сифати, тури, миқдори, ўз вақтида ва маълум бир меъёрда овқатланиш, инсон тўлақонли ҳаёт кечириши учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бинобарин, шундай экан у инсон иш қобилиятига, ҳаёт сифати ва давомийлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Республикаизда илм - фан ҳамда техниканинг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши, турмуш фаровонлигини ошиб бориши, асосий хизматларни техника зиммасига юклатилиши натижасида юқорида таъкидлаганимиздек аҳоли орасида нафақат семиз, балки камҳаракат инсонлар сони ҳам тобора қўпайиб боришига олиб келмоқда. Аксарият ҳолларда семизлик, юрак қон - томир, шу жумладан, юрак ишемик касаллиги юзага келишида жисмоний фаолликнинг пастлиги ва камҳаракатлик асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Аксинча, мунтазам равишда жисмоний фаол ҳаёт кечириш саломатликка қуидагича ижобий таъсир кўрсатади:

- ❖ Юрак қон - томир фаолиятини мўътадиллаштиради ва унинг касалликлари пайдо бўлишини олдини олади;
- ❖ Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш систолик (юқори) ва диастолик (пастки) қон босимини 5 - 10 мм симоб устунига пасайтиради;
- ❖ Қонда ёғ алмашинувига ижобий таъсир этади ва юрак касалликларига олиб келувчи холестерин миқдорини камайтиради;
- ❖ Организмни энергияга бўлган талаби ва унинг сарфланишини меъёrlаштиради;
- ❖ Кайфиятни кўтаради ва умумий аҳволни яхшилайди;
- ❖ Углеводларга бўлган (қандли диабет пайдо бўлишига) чидамлиликни оширади;
- ❖ Семириш, суяқ - мушак касалликлари ва ўスマлар пайдо бўлиш хавфини камайтиради.

Ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзи ва рационал овқатланиш тамоилларига амал қилган ҳолда қатор оғир касалликларнинг олдини олиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, инсон саломатлиги ва узоқ умр кўриши 10 фоиз ҳолларда тиббиётга, 20 фоиз ҳолларда унинг наслига, 20 фоиз ҳолларда ташқи таъсирларга (экологик, иқтисодий ва бошқалар), 50 фоиз ҳолларда эса, унинг ҳаёт тарзи ва одатларига (жисмоний фаоллик, чекиш, спиртли ичимликлрни сустеъмол қилиш, ортиқча тана вазни ва бошқалар) шу жумладан овқатланиш тартибига боғлиқ.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам Республикаиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан чиқарилган фармон ва қарорларга асосан туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Қатор фармон ва қарорлар соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва унинг негизларидан бирини ташкил этувчи рационал овқатланишни кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Озиқ - овқат маҳсулотлари организмимизни мўътадил даражада ушлаб турувчи манба (ёқилғи) ҳисобланади. Аммо, биз бу манбадан кўр - кўрона эмас, балки онгли ва илмий асосланган ҳолда фойдаланишимиз керак. Бу

барча ёшдаги аҳоли учун жуда зарур. Демак, тўлақонли ҳаёт кечириши учун ҳар бир инсон рационал овқатланишга амал қилган ҳолда ўз вақтида, меъёрида ва ёшга мос равишда овқатланиши муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ёши улғайиб борган сари жисмоний ҳаракатлар, овқатланиш ва кун тартиби бир сўз билан айтганда соғлом турмуш тарзи олиб бориш ҳам унга мос равишда бир мунча ўзгариши лозим. Шу ўринда, қариш табиий жараён ва биологик қонуният эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Унинг натижасида организмдаги бир қатор физиологик ва биокимёвий реакцияларнинг сустлашиши, ташқи таъсир омилларига чидамлиликнинг пасайиши ҳамда организмнинг барча тизимларида кучсизланиш кузатилади. Бундан ташқари ёш ўтиб борган сари жағ ва тишлардаги ўзгаришлар овқат луқмасини чайнашни қийинлаштиради, касалланишга мойиллик туғилиб баъзи кишиларда бир вақтнинг ўзида бир неча аъзо ва тизимларда турли хил хасталиклар юзага келади. Шунинг учун маҳсулотларни танлаш ва таом тайёрлашда буларнинг барчасини эътиборга олиш лозим. Бинобарин, шундай экан уларнинг овқатланиш тартиби ҳамда унинг таркиби ёшларнидан бир мунча фарқ қиласи. Буларнинг баркаси тиббиёт асосчиси Гиппократнинг «Истеъмол қилаётган таомингиз дори вазифасини ўтасин, дорингиз таомдан иборат бўлсин» деб таъкидлаган сўзларига амал қилиш лозимлигини тасдиқлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек тиббий нуқтаи назардан кунда 4 маротаба ва ҳар куни бир вақтда овқатланиш мақсадга мувофиқ. Бундай тартибга амал қилиш озуқаларнинг яхши ҳазм бўлиши учун имконият яратади. Таом қабул қилиш миқдори ва сонининг кўпайиши овқат ҳазм қилиш маркази қўзғалувчанлигини камайтиради ва иштахани сусайтиради. Кунда 4 маротаба овқатланганда тахминан 600 – 700 ккал биринчи нонуштага, 300 – 400 ккал иккинчи нонуштага, 900 – 1000 ккал тушликка, 600 – 700 ккал кечки овқатга тўғри келиши лозим. Ёши 50 дан ошган кишилар истеъмол қиладиган озиқ – овқатларнинг калорияси 2500 – 2600 дан ошмаслиги ва ёғ ҳамда шакар миқдори кескин чегараланиши керак. Шу ўринда кечки овқат уйқудан камида 2 – 3 соат олдин истеъмол қилиниши кераклигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Гўшт ва балиқдан тайёрланган таомлар (шу жумладан, ёғли) асосан эрталаб ва кундузи истеъмол қилиниши лозим. Кечки овқат таркибида ош тузи кескин чегараланиши, кўпроқ сутли таомлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки улар уйқу вақтида организмнинг физиологик фаоллигини ўзгартирмайди. Улардан фарқли ўлароқ тузли ва гўштли овқатлар юрак қон – томир ҳамда нафас тизимиға салбий таъсир кўрсатиб, қон босимини, юрак уриш ва нафас сонини пасайиши эмас, аксинча кўпайишига олиб келади. Истеъмол қилинадиган озиқ – овқатларнинг толаларга (қора, қуритилган ҳамда бир кун олдин пиширилган нон ва бошқалар), витаминларга, калий ва магний тузларига бой бўлиши ҳамда таомларни ўсимлик ёғида тайёрланиши қон томирларда склероз ривожланишига тўсқинлик қилишини эсдан чиқармаслик керак. Кунлик таомномада сабзавот ва мевалардан тайёрланган салатлар, винегретлар, карам, помидор, бодринг, қовоқ, кабачка, кашнич етарли даражада бўлиши;

дуккаклилар яъни нўхот, ловия, мош шунингдек, турли қўзиқоринлар чегараланган микдорда ишатилиши лозим; пишлоқ ва творогнинг ҳам ёғсизлантирилган сутдан тайёрланганларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ичиш учун аччиқ бўлмаган чой, мева шарбатлари, ўтли дамламалар тавсия этилади. Бир сўз билан айтганда овқат рациони турли – туман бўлиши ва улар инсон организмига ижобий таъсир кўрсатиши қариллик ва касалликка олиб келувчи жараёнларни тўхтатиши ёки секинлаштириши керак.

Барчамиз ойнаи жаҳондаги эшитувларда, ўзаро мулоқотларда ва қатор бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда у ёки бу киши шахсияти тўғрисида айтилган маъданиятли ёки маъданиятсиз инсон экан деган ибораларни эшитиб турамиз. Шу ўринда маъданиятли инсон деганда нафақат, унинг одоб – ахлоқи, билими, жамики ижобий хусусиятлари шу жумладан, биз юқорида келтирган ва рационал овқатланиш деб аталган маъданият ҳам тушинилади. Ушбу маъданиятни болаларимиз ва ёшларимизга уни ёшлиқдан одоб – ахлоққа тарбиялаш билан бир қаторда мунтазам сингдириб бориш керак. Бунинг учун энг аввало, ўзимиз уларга ўrnak бўлишимиз лозим.

**Назорат саволлари:**  
**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абдуллаев Г., Мадрахимов И. Абу Али Ибн Сино ва унинг «Тиббий достон» рисоласи. «Буюк мерос ва замонавий цивилизация» II Халкаро Ибн Сино ўқишилари. Илмий – амалий анжуман илмий тўплами. Тошкент - Бухоро 2001 й. 54 - 55 б.
2. Абдулхалимов Б.А. ва муаллифлар. Абу Али Ибн Сино «Тиб конунлари». Тошкент: Муҳаррир, 2013 й. 692 б.
3. Абрамова Т.В., Гмошинская М.В., Шилина Н.М., Бекетова Н.А., Переверзева О.Г., Алешина И.В.и соавт. //Исследование эффективности применения фруктовых соков, обогащенных железом и комплексом витаминов в питании беременных женщин // Вопросы детской диетологии.2007; 5.(2): 18–20
4. Алимова Р.Р. «Тўғри овқатланиш». Овқатланиш сирлари.«Тиббиётнома»нинг махсус сони. Тошкент: 2005 й. 25 б.
5. Анна Короленко //«Анемия во время беременности. Как восполнить дефицит железа» специально для hppt://www.happymama.com.ua
6. Аршакуни В. Л. //От системы ХАССП– к системе менеджмента безопасности пищевой продукции по ИСО22000 / В. Л. Аршакуни// Стандарты и качество. – 2008. – №2. – с. 88-89.
7. Атажонов У.Ж., Маткаримов М.У., Дусчаиов Ш.Б. «Соғлом овқатланишнинг ҳазм тизими ва буйрак касалликларидаги аҳамияти». Хоразм Маъмун академияси. 2013 й. №1, 14- 15 б.
8. Бахритдинов, А.С. Худайберганов, //Нутрициология, 2000, Ибн-Сино ,Ташкент, 326 бет.
9. Борисова О.О. //Питание спортсменов: Учебно-методическое пособие/ Советский спорт, 2007. - 132с.
10. Ванханен В.Д., Лебедова Е.А. // Руководство к практическим занятиям по гигиене питания. М. 1987 г. 3-55 с.

**З-мавзу: Турли таълим муассасаларини санитар –гигиеник меъёрлар асосида баҳолаши.**

**Режа:**

**3.1.** Гигиеник меъёрларнинг аҳамияти, гигиеник меъёрлар, қоидалар ва регламентлар ҳақида тушунча

**3.2.** ЎзР даги гигиеник меъёрлар

**3.3.** Гигиеник меъёрларни ишлаб чиқишининг асосий принциплари

**3.4.** Гигиеник меъёр ва регламентларни ишлаб чиқишига бўлган умумий ёндошишлар.

**Таянч иборалар:**

Гигиеник меъёрлар, гигиеник коидалар, гигиеник регламентлар, СанКваМ

**3.1. Гигиеник меъёрларнинг аҳамияти. Гигиеник меъёрлар, қоидалар ва регламентлар ҳақида тушунча.**

Инсоният бугунги кунда жуда катта миқдорлардаги физикавий, кимёвий, биологик ва ижтимоий-гигиеник омиллар таъсирида яшамокда, Бу омилларнинг табиати ва таъсир этиш даражаси у ёки бу кўринишдаги патологиянинг келиб чикишини белгилаб беради.

Мас., Бутун Дунё Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг берган маълумотига кўра 80% касалликларнинг келиб чиқиши сифатсиз ичимлик сувини истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Шунинг учун айтиш лозим-ки, кўпчилик касалликларни олдини олишда атроф мухит омиллари инсон организми учун мувофиқ ёки жуда бўлмаса бефарқ бўлиши лозим. Атроф мухитнинг шундай параметрлари гигиеник меъёрлар, қоидалар, регламентлари ҳисобланади, уларни кўпинча "гигиеник нормативлар" деб номланади.

Аммо шуни ҳисобга олиш керак-ки, келтириб ўтилган барча гигиеник нормативлар учун ўзининг хусусиятлари мавжуддир.

Гигиеник меъёрлар, қоида бўйича доимо фаолият кўрсатувчи ва инсон учун керакли омиллар ҳисобланади. Мас., овқатланишнинг гигиеник меъёрлари, микроиқлим меъёрлари, сув истеъмоли меъёрлари мавжуд (жадвалларни кўрсатиш лозим).

Гигиеник (санитар) қоидалар - табиатда бор бўлган у ёки бу омилга бўлган гигиеник талабларнинг оғзаки таърифи ҳисобланади. Мас., санитария қоидаларига сув манбани танлашга бўлган талаблар ёки сув манбаи атрофига ўрнатиладиган санитария ҳимоя зоналарини айтиш мумкин.

Санитария қоидалари кўпинча уларнинг таркибига муайян гигиеник меъёрларни ёки регламентларни киритилишини тақозо қиласди. Шундан келиб чиқиб, энг муҳим гигиеник нормативлардан бири бўлган СанҚ ва М (санитария қоидалари ва меъёрлари) номини айтиш мумкин.

Гигиеник регламентлар деганда одам организмига негатив таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ўрнатиладиган меъёрларни назарда тутади. Бу омилнинг таъсир кўрсатиш табиатига кўра улар қўйидагиларга бўлинади: РЭК (ПДК) - рухсат этиладиган концентрация (мисол , ҳаво, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бўладиган кимёвий моддаларга ўрнатилган РЭКлар), РЭД (ПДУ) - рухсат этиладиган даража (мисол, шовқин, тебраниш ва радиоактив ифлосланишларнинг РЭД лари), РЭД (ПДД) - рухсат этиладиган доза (мас., ионлантирувчи нурларнинг РЭД ). Ҳар қандай ҳолатда ҳам рухсат этиладиган деган сўз шу маънони беради-ки, шу миқдордан ошиб кетган шароитда бу омиллар шу одамнинг ўзигагина эмас, балки унинг келгуси авлоди учун ҳам хавфли ҳисобланади.

Гигиеник нормативлар санитария-эпидемиология назорати фаолиятининг асоси ҳисобланади, чунки ДСЭНМ нинг асосий вазифалари огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратида гигиеник нормативларнинг бажарилишини назорат қилишдир.

### **ЎзР даги гигиеник нормативлар.**

Бугунги кунда ЎзР да 100 дан ортиқ гигиеник норматив хужжатлари тасдиқланган ва амалиётда қўллаш учун тавсия қилинган бўлиб, уларнинг асосийлари СанҚвам ҳисобланади. Бу хужжатларнинг аксарият қисми олдин ўрнатилган нормативлар бўлиб, уларга айрим янгилик ва қўшимчалар киритилган бўлиб, бунда Ўзбекистоннинг географик-иқлим шароитларининг ўзига хослиги, ренспублика иқтисодиётининг хусусиятлари, ҳамда жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инобатга олингандир. Бу хужжатларнинг бир қисми қўпинча гигиеник регламент кўриниши (мас., атмосфера ҳавосидаги кимёвий моддаларнинг РЭК, шовқин ва тебранишнинг РЭД) табиатига эгадир, аммо бу хужжатларнинг кўпчилик қисми ўз таркибига санитария қоидалари ва меъёрларини ёки санитария қоидалари ва регламентларини олади (5,6 та СанҚ ва М намойиш этилади).

СанҚ ва М дан ташкари ЎзР да норматив хужжатлар қаторига услубий тавсияномалар, услубий кўрсатмалар, инструктив хатлар, текшириш усуллари кириб, илмий изланиш натижалари асосида тайёрланган, ҳамда кўп босқичли кўриб чиқилиши ва муҳокама қилиниши шарт бўлган шароитларда ишлаб чиқилиб, ЎзР ССВ томонидан тасдиқлангандир.

### **Гигиеник нормативларнинг ишлаб чиқишнинг асосий босқичлари.**

Гигиеник нормативларнинг яратилиш жараёни -кўп босқичли мураккаб илмий изланиш натижалари ва ташкилий таркибга эгадир. Аммо, ҳар қандай

холатда ҳам гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаш қуйидаги асос бўлувчи принципларга ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

1. Гигиеник нормативларнинг давлат характерига эга эканлиги. ЎзР да санитария назорати давлат характерига эга, шунинг учун барча гигиеник нормативлар ҳам давлат характерига эгадир. Ишлаб чиқилган ҳар бир норматив кўп босқичли текширишлардан (экспертиза) ўтказилади, ЎзР ССВ томонидан тасдиқланади.

2. Текширилган омилни амалиётда қўллашдан олдин шу омилга нисбатан илмий асосланган регламент ишлаб чиқилиши шарт. Бу принципни ҳар қандай кимёвий модда учун ишлаб чиқиладиган РЭК мисолида кўрсатиш мумкин: янгидан синтезланган кимёвий модданинг ҳеч бири, инсоннинг у ёки бу турдаги фаолиятида олдиндан гигиено-токсикологик текширишларисиз ва шунга мувофиқ гигиеник норматив ишлаб чиқмасдан тадбик қилиниши мумкин эмас.

3. Хавфсизлик принципи (ёки омилнинг тиббий-биологик кўрсаткичлари):

Гигиеник нормативларни ишлаб чиқиша биринчи навбатда шу омилнинг тирик организм учун таъсир кўрсатиш аҳамияти, ундан кейин эса унинг иқтисодий самарадорлиги, технологияларнинг янгиланиши инобатга олиниши лозим.

4. Атроф мухит объектларни бўлиш принципи: гигиеник меъёрлаштириш ҳамма омиллар ва атроф мухитдаги объектлар учун бир хил бўлмаслиги керак. Мас., Кимёвий модда учун ишлаб чиқиладиган РЭК ҳаво, сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида бўлиши зарур.

5. Текширилаётган омилнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган номувофиқ самараларининг мажмуасини ҳисобга олиш принципи. Мас., дисперсли моддани атмосфера ҳавоси учун меъёрлаштиришда унинг фақат одам организми учун заарли таъсир этиши мумкинлигини эмас, балки умумсанитар шароитларнинг ёмонлашиши, қуёш радиацияси таркибидаги ультрабинафша нурларнинг жадаллигини пасайтириш кабилар ҳисобга олинади.

6. Заарнинг чекловчи кўрсаткичидан фойдаланиш принципи: гигиеник регламентни ўрнатишда ўрганилаётган омилнинг таъсирига текшириш жараёнида энг сезгир бўлган кўрсаткичга асосланиш лозим.

7. "Доза-самара", "вақт-доза", "доза-вақт-самара"нинг боғликлигини ҳисобга олиш. Мазкур принцип гигиеник регламентни ишлаб чиқишига асос бўлувчи ҳисобланади, чунки омилнинг миқдорий таърифини, унинг таъсир этиш муддатини ва келтириб чиқарган самарасини ҳисобга олмай туриб, регламент ўрнатиш мумкин эмас.

8. Эксперимент шароитида омилнинг таъсирини моделлаштириш принципи. Кўп ҳолларда гигиеник меъёр ёки регламентни ишлаб чиқиш шу омилнинг таъсир кўрсатиш шароитини моделлаштирумасдан мумкин эмас. Мас., кимёвий модданинг ҳавзадаги сувнинг санитар тартибига таъсир этиши мумкинлигини аниқлаш учун шундай шароитни лаборатория шароитида сунъий яратиш орқали, кимёвий модданинг озиқ-овқат маҳсулотининг органолептик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш учун моделли шароитда дегустация текширишларини ўтказиш талаб этилади.

9. Таъсир шароитини қаттиқлаштириш принципи. Гигиеник меъёр ва регламентни ишлаб чиқишида шу омилнинг реал шароитда таъсир этиши ва шу шароитни қаттиқ назоратда бўлишини яратиш лозим. Мас., у ёки бу хонанинг ёритишга бўлган гигиеник меъёрни ишлаб чиқишида иш жараённида фарқланадиган обьектларнинг энг кам микдорлари, кичик контрастли фон ва ёритилганликни кўриш органига максимал узоқ муддатларда таъсир кўрсатиш шароитини яратиш керак.

10. Гигиеник регламентлаш бўйича текшириш босқичлари. Гигиеник нормативларнинг кўп қисми кўп босқичли текшириш натижалари ҳисобланади, уларнинг табиати эса меъёрлаштирилувчи омилнинг табиатига боғлиқ. Мас., кимёвий омилни гигиеник регламентлашда гигиено-токсикологик текширишлар 4-6 босқичдан иборат бўлади ва бу ҳақдаги маълумот кейинроқ баён қилинади.

11. Иқлим - географик шароитларни ҳисобга олиш. Мазкур принцип жуда кўп гигиеник нормативлар учун муҳимдир, чунки муайян худуднинг иқлим-географик шароити атроф муҳитдаги омилнинг организмга таъсир кўрсатиш даражаси ва табиатини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Мас., Россия шароитида сув истемолининг физиолого-гигиеник меъёрлари бир одам учун 2,5 л/кунни ташкил этса, ЎзР нинг иссиқ иқлими шароитида ёз кунлари бу меъёр 4-5 л/кунгача кўтарилиб кетади.

12. Меъёрлаштиришга эколого-гигиеник ёндошиш. Хозирги вақтда атроф муҳитнинг экологик шароитини ёмонлашиши билан боғлиқ ҳолда шундай савол қўйилаяпти, гигиеник нормативлар шу омилнинг инсон организмига фақат негатив таъсирини олдини олишга қаратилмай, балки инсоннинг яшаш муҳитини таназзулга учрашини олдини олишга қаратилиши лозимлигини талаб қиласди.

13. Гигиеник нормативларнинг нисбийлиги. Ишлаб чиқилаётган ҳамма гигиеник нормативлар бир умрга эмас, балки вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши лозимлигини талаб қиласди. Чунки у ёки бу омилнинг организмга таъсири ҳақидаги янги маълумотлар юзага келмоқда, текшириш усуллари такомиллашяпти, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўзгарайяпти - буларнинг ҳаммаси гигиеник нормативларда ўз аксини топмасдан иложи йўқ. Шунга боғлиқ ҳолда гигиеник меъёрлашнинг лозимлиги, гигиеник меъёрлар,

қоидалар ва регламентларни янгидан аниқлаш ва такомиллаштиришни доимо амалга оширишни талаб этади.

### **Гигиеник меъёр ва регламентларни ишлаб чиқишга бўлган умумий ёндошишлар.**

Гигиеник меъёр ва регламентларни ўрнатиш тартиби муайян мисолларда кўриб чиқилиши керак.

Мас., Яшаш хоналарининг микроиқлими ёки унинг ёритилишига доир гигиеник меъёrlар табиий текширишлар асосида ишлаб чиқилиши ва текшириш жараёнида текширилаётган омилнинг турли шароитларда одам организмининг функционал ҳолатига таъсири баҳоланиши керак, мас., (микроиқлим учун - иссиқликни бошқарилиш, юрак-томир системаси, нафас олиш органлари функцияси, ёритилганлик учун - кўриш органи ва МНС функцияси). Бунда текширилаётган омилнинг шундай параметрлари гигиеник меъёр қилиб олиниши керак-ки, у организмнинг оптималь функционал ҳолатини таъминласин.

Аҳолининг энг оптималь сув истеъмоли меъёrlарини ўрнатиш учун аҳолининг кўпчилик қисмидан анкета-сўровлар ўтказилиб, кейинчалик турар-жойларнинг коммунал ободонлаштирилганлигига боғлиқ ҳолда сув сарфи қийматлари хисоблаб топилади.

Айрим омилларни меъёrlаштиришда табақалашган меъёrlаштириш принципи қўлланади ва бунда омилнинг юқори, оптималь ва қуи даражалари ўрнатилади. Шундай принцип бўйича, жумладан ишлаб чиқариш хоналарининг рухсат этиладиган ва оптималь микроиқлим қийматлари ва ичимлик суви таркибидаги фторнинг рухсат этиладиган миқдорий чегарали белгиланган ва б.к.

Гигиеник меъёrlардан фарқли ўлароқ, гигиеник регламентларни ўрнатиш, қоида бўйича табиий шароитда эмас, балки тажриба (эксперимент) шароитида олиб борилади.

Омилларнинг гигиеник регламентацияси атроф мухитдаги турли омилларнинг бўсағали таъсир концепциясига асосланади.

Гигиеник регламентларни ўрнатиш - бу мураккаб ва етарлича узоқ давом этадиган жараёндир. У меъёrlаштириладиган омилнинг сифат ва миқдорий таърифлаш билан бирга физиковий, кимёвий, биологик, статистик текшириш усулларидан фойдаланишни, омилни тирик организмга таъсирини ўрганиш билан кейинчалик олинган маълумотларни математик таҳлил қилиш ва шунга мувофиқ регламент ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кўп сонли гигиеник регламентлар қаторига кимёвий моддаларга рухсат этиладиган концентрациялар (РЭК) ни киритиш мумкин.

Таҳминий гигиеник регламент бўлиб, моддаларнинг таҳминий таъсир этиш даражалари (ОБУВ), таҳминий рухсат этиладиган даражалари (ОДУ), максимал рухсат этиладиган даража (МДУ) лар ҳисобланиб, улар ҳисоблаш усууллари орқали аниқланади.

РЭК ишлаб чиқиш ўз олдига бир қатор вазифаларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўяди ва у атроф муҳитнинг қандай объекти учун РЭК ишлаб чиқилишига боғлиқ (1, 2, 3, 4 жадваллар).

## 1 жадвал

Атмосфера хавосидаги кимёвий моддаларни РЭК регламентлаш атмосфера ҳавоси модданинг таҳминий хавфсиз ишлаб чиқиш даражасини ишлаб чиқиш

Ҳисоблаш усууллари

Бир марталик максимал ўртacha қунлик

Ўрганиш асослари:

- Резорбтив кўрсаткичлар (тажриба хайвонлари организмига заҳарли таъсири)
- Рефлектор кўрсаткичлар (ҳиди, ҳоҳловчиларда ўтказиш)
- Рефлектор-резорбтив кўрсаткичлар
- Санитар-гигиеник кўрсаткичлар

Тахлил, натижаларни математик ишловдан ўтказиш, РЭК ҳисоблаб топиш.

## 2 жадвал

Кимёвий моддани ҳавзалардаги сувда

регламентлаш

Сув ҳавзалари

ОДУ ишлаб чиқиш

рэқ ишлаб чиқиш

Ҳисоблаш усууллари

Ўрганиш - асослари

- Органолептик кўрсаткичлар
- Ҳавзалардаги сувнинг санитар тартиби
- Санитар-токсикологик кўрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан  
ўтказиш, РЭК ҳисоблаш  
**3 жадвал**

Кимёвий моддаларни тупроқда регламентлаш  
тупрок  
рэк ишлаб чиқиши

Ўрганиш асослари:

- Тупроқ мухитида барқарорлиги
- Транслокацияланиш кўрсаткичлари
- Токсикологик кўрсаткичлар
- Умумсанитар кўрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан ўтказиш,  
РЭК ҳисоблаш

**4 жадвал**

**Кимёвий моддаларни озиқ-овқат маҳсулотларида регламентлаш  
овқат маҳсулотлари**

**Максимал руҳсат этилган**

**д а р а ж а (мду)**

**рэк ишлаб чиқиши**

Ҳисоблаш усуллари

Ўрганиш асослари

- Токсикологик кўрсаткичлар
- Органолептик кўрсаткичлар
- Умумгиеник кўрсаткичлар
- Технологик кўрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан  
ўтказиш, РЭК ҳисоблаш.

Гигиеник регламентлаштиришда гигиена-токсикологик текширишлар  
куйидаги босқичларда умумий кўринишга эга бўлади:

1.Модданинг физико-кимёвий хоссаларини ўрганиш (агрегет ҳолати, ташқи кўриниши, ранги, ҳиди. Солиштирма оғирлиги, турли мухитларда эриш хусусияти, барқарорлиги, буғланиш хусусияти ва б.

2.Захарлилик хоссасини баҳолаш мақсадида токсикологик текширишларни ўтказиш керак, бунда организмга заҳарли таъсир кўрсатиш табиати, маҳсус таъсир хусусиятларига эга эканлиги аниқланади. Токсиколого-гиеник текширишларнинг асосий вазифаси - ўткир ва сурункали таъсир этиш бўсағаларини -  $Lim_{ac}$  ва  $Lim_{chr}$  аниқлашдир (тушунтириб бериш). Токсикологик текширишлар лабораторияларда экспериментал хайвонлар организмида синаш орқали ўтказилади (оқ сичқонлар, оқ каламушлар, қуёнлар ёки бошқа ҳайвонлар) ва у бир неча вариантларда амалга оширилади:

а) ўткир тажрибалар. Асосий вазифа - қуйидаги токсикологик параметрларни аниқлаш -  $LD_{50}$ ,  $LD_{16}$ ,  $LD_{84}$ ,  $CL_{50}$  (тушунтириб бериш), ҳамда ўткир захарланишдаги клиник белгилар аниқланади.

б) Оралиқ тажриба. Асосий мақсади - лаборатория хайвонлари организмига кўп марталик юборгандаги кумулятивлик хоссасини аниқлаш  $1/5-1/10 LD_{50}$

в) сурункали токсикологик текшириш. Тажриба ёки  $Lim_{chr}$  ни ўрнатиш мақсадида, ёки модданинг маҳсус таъсир этиш хусусиятини аниқлаш мақсадида ўтказилади.  $Lim_{chr}$  ни аниқлаш ЛД<sub>50</sub> нинг 1/20 - 1/100 марталик нисбатларида узоқ муддат таъсир эттириш (4-6 ой) орқали ўтказилади ва маълум муддатларда хайвонлар организмидаги функционал, морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар аниқланади. Текшириш натижасида шундай доза аниқланади-ки, у ҳайвонлар организмида физиологик меъёрлардан ташқари минимал ўзгаришларни келтириб чиқариши керак.

3.Ўтказилган текширишларнинг натижалари асосида текширилган модданинг заҳарлилик синфи ўрнатилади ва талаб этиладиган гигиеник регламентлар ҳисоблаб топилади (РЭК).

Гигиено-токсикологик текширишларнинг аниқ вазифалари билан СИЗ амалий машғулотларда танишасиз.

Ишлаб чиқилган гигиеник меъёр ва регламентларнинг самарадорлиги аҳолининг саломатлик ҳолатларини ўрганиш асосида баҳоланади ёки ишлаб чиқилган гигиеник нормативнинг вазифасига мувофиқ аҳолининг айrim гурухларида баҳоланади.

Шундай қилиб, гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаштириш атроф мухитдаги омилларнинг барчасини ўзида акс эттириши билан бирга ишлаб чиқиладиган барча профилактик ва согломлаштириш тадбирлари учун асос бўлади.

### **Назорат саволлари:**

5. Инсон организмига атроф мухит омилларининг (хаво, сув, тупрок) таъсири қандай?
6. Физикавий омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?
7. Кимёвий омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?
8. Биологик омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?
9. Амалдаги СанҚ вАМни кўрсатинг

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - T.,2011.
- 4.Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005, 1-2, 102, 111p
- 5.ЎзР СанҚвАМ лари (2005 - 2015 йиллар)

## IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот: Атроф мұхит омилларининг гигиеник меъёрлаштириш мезонлари. Хоналарнинг микроиқлим күрсаткичларини текшириш усуллари.**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларга хонадаги харорат тартиби, намлик ва ҳаво харакатининг йуналиши ва тезлиги, ҳамда барометрик босимни, табий өсімдіктердегі ахамияты ҳамда амалиётта тутган үрнини тушунтириш, бу күрсаткичларни улчаш ва уларга баҳо беріш күнікмаларини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган ).

Физиологик ва санитар ахамияти нұқтаи-назардан ҳавонинг асосий физикаий күрсаткичлари қўйидагилар хисобланади: харорат, намлик, ҳаво харакати ва тезлиги, атмосфера босими, электрланганлик ҳолати кабилар. Ёпиқ хоналардаги ҳаво харорати, намлиги, харакати ва тезлиги бошқарса бўладиган омиллар қаторига кириб, бу омилларнинг йифиндиси биргалиқда хоналар микроиқлими тушунчасини таърифлайди.

Айрим муаллифлар микроиқлим омиллари қаторига барометрик босимни ҳам киритадилар. Бироқ герметик (зич) ёпилмайдиган хоналардаги барометрик босим ҳудди ташқаридагидек бўлади ва уни бундай шароитда бошқаришнинг имконияти йўқ. Шунинг учун атмосфера босими қийматини метеолабил одамларга таъсир этиши мумкинлиги ва ҳавонинг мутлоқ намлиги (абсолют)ни хисоблашдаги иштироки нұқтаи-назардан инобатга олиш лозим.

Микроиқлим одам организмига доимий равишда таъсир этиб турувчи омиллар қаторига киради. Бу омиллар организмдаги терморегуляция (иссиқликнинг бошқарилиши) учун катта ахамиятга эгадир, чунки маълум даражада танада иссиқликнинг хосил бўлиши ва иссиқликни ажратилиши жараёнларини (нурланиш, терлаш, ўтказиш, конвекция) ўзгартириш хусусиятига эгадир. Бундан ташқари микроиқлим омилларининг номувофиқ параметрлари кўпгина орган ва системаларнинг функционал ҳолатларини ўзгартириш хусусиятга эга: ЮТС, МНС, ошқозон-ичак йўли, эндокрин система каби. Бундан ташқари, микроиқлимнинг ҳаво харакати каби омили катта санитар ахамиятга ҳам эгадир. Чунки хоналардаги ҳаво олмошиниш ҳаво харакатининг тезлигига боғлиқдир ва демак, хона ҳавосининг бактериологик ва кимёвий тозалигига бевосита таъсир кўрсатади.

Хоналар микроиқлимининг гигиеник меъёрлари турли обьектлар учун ишлаб чиқилган СанҚ ва М да келтирилган. Бу меъёрлар билан тингловчилар бу обьектларни текширишга мувофиқ келадиган профилли гигиена кафедраларда танишадилар.

Шуни назарда тутиш керак-ки, фақат хонадаги ҳаво хароратини хисобга олиш хонанинг харорат тартибини тўлиқ таърифлай олмайди. Бундай таъриф бериш учун хонанинг ўртacha харорати, хароратнинг вертикал ва горизонтал йўналишлар бўйича ўзгариши (перепад) ни аниқлаш керак бўлади. Мас., касалхоналарда катталар ётадиган палаталардаги ўртacha харорат полдан 1,5 м баландликда ўлчанса, болалар палатасида 0,8-1,0 м баландликда ўлчанади; ўлчашлар хонанинг диагонали бўйича 3 нуқтада амалга оширилади, сўнгра ўртacha харорат қиймати хисоблаш топилади. Вертикал бўйича харорат градиентини ўлчаш учун хароарт ўлчаш полдан 10 см баландликдан 110 см гача бўлган баландликларда ўлчаш керак бўлади; кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ харорат градиентини таърифлайди. Бу қиймат 2,5 градус С дан ошмаслиги керак, чунки бу градиент катта бўлганда хонадаги ўртacha харорат камфорт ҳолда бўлса ҳам, хона бўлган одамларнинг оёқлари совуши мумкин. Горизонтал бўйича харорат градиентини ўлчаш учун полдан 1,5 баланд бўлган икки нуқта – ташки девордан 1 м ичкарилиқда ва ички девор олдида ўлчанади. Горизонтал бўйича харорат градиенти 1,5 градус С дан ошмаслиги керак, акс ҳолда нурланиш орқали иссиқликнинг узатилиши кескин кўтарилиши хисобига дискамфорт шароити юзага келади.

Ҳаво хароратини ўлчаш симобли ва спиртли термометрлар билан амалга оширилади, зарурият туғилса ҳаво хароратини ёзиб олиш учун термографдан фойдаланиш мумкин.

Ҳавонинг намлиги ҳаводаги сув буғларининг миқдорига боғлик. Намликнинг бирнча турлари мавжуд: мутлоф, максимал, нисбий намлик. Намликнинг гигиеник меёри фоизларда берилади, яъни нисбий намлик бирлигига ифодаланади.

Ҳаво намлигини ўлчаш учун психрометрлар ва гигрометр асбобларидан фойдаланилади. Санитария амалиётида ҳавонинг намлигини ўлчаш учун (АССМАН) аспирацион психрометри қўлланади. Аспирацион психрометрдан фойдаланганда асбобнинг «Ҳўл» термометрини дистилланган сув билан хўллаш керак бўлади, сўнгра асбоб вентиляторини юргизиш лозим. Ўлчашни ўтказиш учун асбобни штативга илиб қўйилади. 7-8 дақиқадан сўнг асбобнинг кўрсатиши ёзиб олинади. Ўлчаш натижалари бўйича ҳавонинг намлиги икки усулда хисобланиши мумкин: аспирацион психрометр учун психрометрик жадвал бўйича ва хисоблаш усулида:

$$A = M_{\text{хўл}} - 0,5 (t_{\text{куруқ}} - t_{\text{хўл}}) \times (B/755) \text{ мг}\text{m}^3$$

бу ерда

$M_{\text{хўл}}$  – ҳўл термометр кўрсатиши бўйича максимал намлик, жадвал бўйича топилади

$t_{\text{куруқ}}$  – куруқ термометрнинг кўрсатиши

$t_{\text{хўл}}$  – ҳўл термометрнинг кўрсатиши

0,5 - психрометрик коэффициент

В – ўлчаш вақтидаги барометрик босим, барометр билан ўлчанади 755- ўртача барометрик босим қиймати

## 2. Нисбий намликин хисоблаш:

$$\text{Нисбий намлик} = (A : M_{\text{курук}}) \times 100\%, \text{ бу ерда}$$

Мұрурук – қурук термометрнинг харорати бўйича максимал намлик, жадвал асосида топилади

Психрометрдан қурук термометр кўрсаткичига мувофиқ келадиган харорат кўрсаткичини аниқлаш учун ҳам қўлланиши мумкин.

Ҳавонинг харакат тезлиги ўлчаш учун таҳминий ҳаво харакатининг тезлигига боғлиқ ҳолда турли асбоблардан фойдаланиш мумкин. Катта тезлиқда ҳаво харакатини ўлчаш учун (1 м/сек дан ортиқ) косачали ва қанотли анемометрлардан фойдаланилади. Бундай асбобларни қўллаш масалан, шамоллатиш тизими йўлга қўйилган обьектларда кўпроқ ишлатилади. Ишлаш тартиби иккала турдаги анемометрлар учун ҳам таҳминан бирдек: ўлчашни бошлашдан аввал, асбобнинг кўрсатиши ёзиг олинади, анемометрни керакли жойга ўрнатилади ва асбоб косачаси ёки парраги тўлиқ харакатга келгандан сўнг, хисоблагич ишга туширилади ва соат секундомерининг кўрсатиши белгилаб олинади; 3-5 дақиқадан сўнг, хисоблагич ўчирилади. Асбобнинг кўрсатиши ёзиг олинади ва бу кўрсаткичдан аввалги кўрсаткич қиймати айриб ташланади. Хосил бўлган фарқ қийматини ўлчаш вақтига (дақиқа, сек) бўлинади, натижада асбобнинг секунддаги айланиш сони топилади. Сўнгра график бўйича секунддаги айланиш сонига боғлиқ бўлган ҳавонинг харакат тезлиги топилади (одатда ҳаво харакатининг мутлоқ тезлиги = асбоб паррагининг секунддаги айланиш сони).

Ҳаво харакатининг кичик тезликлари ( $0,5\text{м/сек}$ ) ўлчаш учун кататермометр (шарсимон ёки цилиндрический) ёки термоанемометр асбобларидан фойдаланиш мумкин.

Кататермометр билан ишлаганда асбобнинг шар қисмини иссиқ сувга солиш ва юқоридаги бўшлиқнинг ярми спирт билан тўлгунча ушлаб туриш керак. Сўнгра асбобни қуригунча артилади ва уни хондаги керакли жойда штативга осиб қўйилади. Асбоб капилляри бўйлаб спиртнинг 38 дан 35 градусга тушиши учун кетган вақтни секундларда топилади (а). Керакли қийматни топиш қўйидаги формулалар бўйича хисобланади:

## 1. Ҳавонинг совитиш хусусиятини аниқлаш ( $H$ ):

$$H = F : a, \text{ бу ерда}$$

$F$  – асбобнинг орқа томонига ёзилган асбоб омили

2.Ҳавонинг харакат тезлигини аниқлаш:

$$V = / (H:Q - 0,2) : 0,4^2 \text{ м/сек, } \text{бу ерда}$$

Q – кататермометрнинг ўртача харорати (36,5 гр) ва ўлчаш вақтидаги ҳаво харорати ўртасидаги фарқ

0,2 ва 0,4 – эмпирик коэффициентлар

Хоналарнинг инсоляцияси ва оқилона ёритилиши катта аҳамиятга эга, чунки табиий ёритилиш фақат кўриш функциясини таъминлабгина қолмай, балки сезиларли даражада психофизиологик таъсирга ҳам эга. Шу билан бирга таббий ёруғлик ва айниқса хоналарга тушадиган қуёшнинг тўғри нурлари хоналар ҳавосининг бактериал тозалигини таъминлаб беради. Шунинг учун табиий ёритилганлик кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш усуслари санитария врачи томонидан турли хилдаги обьектларни гигиеник баҳолашда кўлланадиган асосий усусларидан бири хисобланади (ўқув юртлари, лойиҳалаш муассасалари, саноат корхоналари, болалар ва даволаш муассасалари ва б.к.). Шунга боғлиқ ҳолда санитар врачи табиий ёритилганлик кўрсаткичларини текшириш ва баҳолашни бажара олиши керак.

Касалхона хоналарининг оқилона инсоляцияси ва ёритилганлиги организмнинг физиологик функциялари ва хоналарнинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатувчи муҳим омил хисобланади. Хоналарга қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушиши хоналарни санация қилишнинг муҳим шарти хисобланади, чунки бактерицид таъсирга эга бўлган ультрабинафша нурлар фақат қуёш радиациясининг тўғри нурлари таркибидагина бордир. Инсоляцион тартиб максимал, ўртача ва минимал бўлиши мумкин ва у бинолар (хоналар) нинг ориентациясига боғлиқ. Жуда кўпчилик хоналари учун шарқий ва жануби-шарқий ориентация энг оптималь хисобланади, чунки бунда хоналарда ўртача ва максимал инсоляцион тартиб таъминланади ва хоналар жуда қизиб кетмайди. Ғарбий румблардаги ориентацияда ҳам максимал инсоляцион тартиб кузатилади, аммо бизнинг иқлим шароитимизда ёз кунлари ғарбий ориентацияда куннинг иккинчи ярмида хоналарнинг қизиб кетиши кузатилади, шунинг учун бундай ориентация кам мувофиқ хисобланади.

Жанубий ориентацияда хоналардаги инсоляцион тартиб ўртача эканлиги билан таърифланади, чунки қуёш нури тушадиган майдон катталиги жануби-шарқий ва ғарбий ориентациялардагидан камроқлиги билан фарқланади. Шимолий ориентацияда инсоляцион тартиб минимал бўлиб, хоналарга амалда қуёшнинг тўғри нурлари деярли тушмайди. Бундай тартиб фақат ўзига хос шароитлар учун қўлланиши мумкин, мас., жаррохлик хоналари, чунки бу хоналарда қўлланадиган никелланган жаррохлик асбобларидан қуёш нури акс бериб, ходимларнинг қўзини қамаштириши ва чалғитиши мумкин.

Инсоляцион тартибни аниқлаш учун компас ёрдамида хона (бинонинг) ориентациясини аниқлаш лозим бўлади, сўнгра жадвал бўйича инсоляцион тартибнинг характеристи, инсоляция вақти ва хонага қуёш нурининг майдони майдони аниқланади.

Касалхона хоналарининг энг мувофиқ табиий ёритилиши фақат беморлар ва тиббий ходимларнинг кўриш функциясини таъминлабгина қолмай, балки у бемор ва тиббий ходим организмига катта психологик таъсир кўрсатади.

Хоналарнинг табиий ёритилганлиги қуёш нурининг ҳам тўғри ва ҳам тарқалган нури орқали бўлади. Ёритилиш жадаллиги жуда кўп омилларга боғлиқдир: хонанинг ориентацияси, куннинг вақти, об-ҳаво ҳолати, хонанинг майдони (ўлчамлари), дераза ойналарини сони, конфигурацияси ва катталиги, соя солувчи обьектларнинг мавжудлиги, дераза ойналарининг тозалиги, хонадаги юзаларнинг нур қайтариш хусусияти кабилар.

Хоналарнинг табиий ёритилиш ҳолатини баҳолашда қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади: ёруғлик коэффициенти (ЁК) - қоида бўйича у ДПМ лойихалаштиришда жуда муҳим, табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК), ҳамда ишчи юзаларга ёруғликнинг тушиш бурчаги.

ЁК - бу деразанинг ойналанган юзасини (майдонини), пол юзасига бўлган нисбатидир, шу билан бирга дераза майдони ҳардоим "1" деб қабул қилинади, шунинг учун ЁК ҳисоблашни формула бўйича амалга оширилади:  $\text{ЁК} = 1 : (\text{S}_{\text{пол}} : \text{S}_{\text{деразанинг ойналанган кисми}})$ . Касалхона палаталари учун ЁК 1:5, 1:6 нисбатда булиши керак.

ТЁК - бу хона ичида ёритилганликнинг бир вақтнинг ўзидағи ташқаридаги ёритилганликка бўлган нисбат бўлиб, фоизларда ифодаланади (%).

**ТЁК = ( $E_{\text{иҷчи}} : E_{\text{ташқи}}$ ) x 100%.** ТЁК меъёри хоналарнинг вазифаси ва у ерда бажариладиган кўрув ишларининг табиатига боғлиқ (КМК 2.01-98)

Ёритилганлик қийматини люксметр асбоби ёрдамида ўлчанади. Люксметр икки қисмдан - қабул қилувчи ва қайд қилувчи қисмлардан иборат. Қабул қилучи қисми селенли фотоэлемент хисобланади. Фотоэлементга тушадиган ёруғлик энергияси унда электр энергиясига айланади ва қайд қилувчи қисм-галванометрга узатилади. Гальванометр шкаласи икки қисмдан ташкил топган бўлиб, юқоридаги шкала бўйича биринчи тутма (100) чани босиш билан 100 люксгача бўлган ёруғлик қийматини олиш мумкин. Иккинчи пастки шкала эса, 30 люксга даражаланган бўлиб, унинг кўрсаткичи иккинчи тутмачани (30) босиш орқали олинади.

Ёритилганликни ўлчашда фотоэлемент устига маҳсус фильтрлар кийдирилади, улар ёруғлик даражасини 10, 100, 1000 мартагача пасайтириб беради. Ёритилганлик даражасини ўлчашда қайси фильтрдан фойдаланган

бўлсак, унинг коэффициентини асбоб кўрсатишига кўпайтирилади. Одатда хоналардаги ёритилганлик даражасини ўлчаш учун 10 ва 100 фильтрлари ва ташқаридаги ёруғлик даражасини ўлчашда 1000 фильтридан фойдаланилади.

Ёруғликнинг тушиш бурчаги дераза орқали ишчи юзаларга қандай бурчак остида тушишини ифодалайди. Табиий ёруғлик энг мувофиқ бўлади қачонки, унинг қиймати  $27^0$  дан кам бўлмаса. Ёруғликнинг тушиш бурчагини аниқлаш учун тангенс бурчақдан фойдаланилади. Уни аниқлаш учун ишчи нуқтадан деразагача бўлган масофа (AB) ва В нуқтадан деразанинг юқори нуқтасигача бўлган масофа (BC) топилади. BC : AB нисбати ва изланувчи тангенс бурчакдир, унинг қиймати бўйича Брадис жадвали ёрдамида бурчакнинг қийматини топиш мумкин.

Сунъий ёритилиш кўрсаткичларини аниқлаш, санитар врачининг кундалик ишида назорат остидаги турли обьектларни санитар текширишлардан ўтказишида кўллайдиган энг муҳим текшириш усуллари қаторига киради (ўқув юртларидаги ўқув аудиторияларининг сунъий ёритилиш даражаси, лойиҳалаш муассасалари, саноат корхоналари ва айниқса нозик ва майда ишларни кўриш орқали бажариладиган корхонадаги иш жойлари). Шунинг учун санитар врачи ана шу назорат остидаги обьектлардаги сунъий ёритилганликни тавсифлаш билан бир қаторда ёритилиш даражасини, ёритилишнинг жадаллиги ва хона бўйлаб бир текис тарқалиши аниқлаши, ҳамда олинган маълумотларга асосланиб хона учун керак бўладиган ёритгичлар сонини хисоблаш усулларини қўллай олиши керак.

Сунъий ёритилиш амалда барча хоналар учун зарурдир, уни таъминлаш учун турли ҳилдаги электр чироқлари (лампа) дан фойдаланилади. Бундай чироқларнинг асосий турлари қуйидагилардир: чўғланувчи лампалар ва люминисцентли лампалар. Айтиш лозимки, даволаш муассасаларида ранг берувчи ёки рангли лампалардан умумий мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас, чунки улар рангни қабул қилиш сезгисини ўзгартириши мумкин ва у касалликка ташхис қўйишини қийинлаштиради ва bemорларнинг ҳолатини назорат қилишни мураккаблаштиради. Касалхона хоналарини ёритишида энг кўп қўланадиган лампалар ЛДС - кундузги ёруғлик рангини яратувчи лампалар хисобланади, чунки улар яратадиган ёруғлик ўзининг спектарлар таркиби бўйича қуёш нарларига яқин келади. Энг мувофиқ ёритиши шароитини таъминлаш учун турли кўринишдаги ёритгич асбларидан фойдаланиш қабул қилинган. Ёруғликнинг бир ҳилда ва текис тарқалишини таъминлаш учун ёруғликни бир ҳил тарқатувчи ва қайтган ёруғлик берувчи арматуралар қўлланади. Нозик ишларни бажариш, масалан жаррохлик хоналари учун ёруғлик нурларини бир йўналиш бўйича тарқатувчи чироқлар қўлланади.

Хоналарнинг вазифаларига ва у ерда бажариладиган ишларнинг табиатига кўра хоналарнинг ёритилиш даражаси турлича бўлиши мумкин.

Умумий ёритилишда чироқлар одатда хонанинг шипига (кам ҳолатларда - деворларда) ўррнатилади; маҳаллий ёритилишда эса, нур тутамини йўналтирувчи чироқлардан фойдаланиб, бунда тарқалувчи нурларнинг тутами бир йўналишда концентранади ва иш жойига йўналтирилади. Агар хонада бир вақтнинг ўзида ҳам табиий, ҳам сунъий ёритилганликдан фойдаланилганда, буни аралашган ёритилиш деб номланади.

Сунъий ёритилганлик бир қанча омилларга боғлиқ бўлади: хонанинг катталиги (ўлчамлари), фойдаланилдиган чироқларнинг табиати, қуввати ва сонига, уларнинг созлиги, осилиш баландлиги, тозалиги, арматураларнинг тури, хонадаги юзаларнинг нурни қайтариш хусусиятига боғлиқ бўлади. Хоналарнинг сунъий ёритилиш ҳолатини баҳолашда биринчи навбатда юқоридаги ҳамма омилларни тавсифлаш керак бўлади.

Сунъий ёритилишга бўлган муҳим талаблардан бири ишчи жойларида талаб этиладиган ёритилиш даражасини яратиш, хона бўйлаб бир текис тарқалиши ва кўзни қамаштирмайдиган даражада ёруғ бўлмаслиги хисобланади. Ёритилишнинг талаб этиладиган даражаси бажариладиган ишларнинг турига ва фарқланадиган обьектларнинг (деталларнинг катта-кичиклиги) қиймати ва ёруғлик фонининг контрасти бўйича фарқланади. Кўриш орқали бажариладиган иш жойлари учун ёритилганликнинг гигиеник меёrlари КМ ва К 2.01.05 - 98 "Табиий ва сунъий ёритилганлик" бўйича белгиланади. Мас., чўғланма лампалардан фойдаланилдиган палаталар учун умумий ёритилиш даражаси 50 люкс, операция хоналари учун эса, 200 люкс бўлиши керак. Операция майдонидаги ёритилганлик даражаси 10-15 000 люксни ташкил этиши керак.

Ёритилиш даражасини ва унинг хона бўлаб бир текис тарқалишини баҳолаш учун ўлчашлар хонада кам деганда 3-5 нуқтада амалга оширилиши керак (хонанинг катталигига боғлиқ ҳолда). Ўртача қиймат ёритилишнинг ўртача даражасини, турли нуқталардаги ёритилиш фарқларининг қиймати эса, ёритилишнинг бир текис тарқалишини таърифлайди. Ёритилганликни ўлчаш учун люксметр асбобидан фойдаланилади.

Бундан ташқари хоналардаги сунъий ёритилганлик қиймати хисоблаш усули билан ҳам аниқланиши мумкин. Аввал хонага қўйилган ва ишлаш ҳолатидаги чироқларнинг йиғинди қуввати хисобланади (А.Вт) ва йиғинди қувватни хона майдонига бўлиш орқали, солиштирма қувват хисоблаб топилади (Б, Вт/кв.м). Кейин жадвал бўйича (Амал. машғулотларга қўлланма, Г.И.Румянцев, 88 бет, 13 жадвал) 10 Вт/кв.м (100 люкс) энергия сарфлайдиган турли турдаги ёритгичлар яратадиган ёритилиш қиймати топилади. Ёритилганликнинг яқинлаштирилган қиймати (Х) кўйидаги формула ёрдамида хисобланади:

$$X = (B \times C) : 10 \text{ люкс}$$

**Хисоблаш учун мисол:** 36 м<sup>2</sup> майдонга эга бўлган хонада 3 та лампа иш ҳолатида бўлиб, улар 100 Вт ли чўғланувчи лампалардир. Лампаларнинг йифинди қуввати  $3 \times 100 = 300$  Вт ни, солиширима қувват эса  $300 : 36 = 8,3$  Вт / кв.м ташкил қиласи. 13 -чи жадвал бўйича тўғри тушувчи ёргулик учун (чўғланувчи лампалар) 10 Вт/кв.м 42 люкс га жадалликка эга бўлган ёргулик оқимини яратишини топамиз. Демак, хонадаги таҳминий ёритилиш даражаси қўйидагини ташкил қиласи:

$$X = (8,3 \times 42) : 10 = 35 \text{ люкс}$$

Турар-жой бинолари, жамоат жойлари, болалар ва даволаш муассасаларини лойиҳалашда, ҳамда касалхонадаги функционал хоналардаги ёритилиш даражаси етарлича бўлмаган ҳолатларда, ёритилганликнинг гигиеник меёрларини таъминлаш мақсадида хона учун талаб этиладиган лампалар сонини хисоблаш зарурияти юзага келади. Бундай хисоблашни бажариш учун биринчи навбатда жадвал бўйича (Пивоваров Ю.П., 110 бет, 36 жадвал) лампанинг тури, осилиш баландлиги, хонанинг катталиги ва талаб этиладиган ёритилиш даражасини хисобга олган ҳолда кера бўладиган солиширима қувват аниқланади. Топилган солиширима қувватни хона майдонига кўпайтириш орқали талаб этилган йифинди қувват топилади. Топилган қийматни битта лампанинг қуватига бўлиш орқали талаб этиган чироқлар сони топилади.

**Хисоблаш учун мисол:** Боғлов хонасининг баландлиги 3 м ва майдони 30 кв.м, ишчи юзадаги ёритилиш даражаси 100 люксни ташкил этиш учун хонани чўғланма лампалар билан ёритиш лозим (100 Вт ли лампалар). Жадвал бўйича берилган шароит учун солиширима қувват 31 Вт/кв.м эканлигини топамиз. Зарур бўлган солиширима қувват =  $31 \times 30 = 930$  Вт. Чўғланма лампаларнинг талаб этилагн сони:  $930 : 100 = 9$  лампа бўлади.

### Назорат саволлари:

- 1.Ҳавонинг қайси физикавий хоссалари энг катта гигиеник аҳамиятга эга?
- 2.Хоналар микроклими кўрсаткичларига нималар киради?
- 3.Харорат, намлик ва ҳавонинг харакати тезлигининг соғлом ва бемор одам организми учун қандай физиологик аҳамияти бор?
- 4.Атмосфера босими ва унинг организм учун аҳамияти нимада?
- 5.Ҳавонинг харакат тезлиги ва йўналишининг гигиеник аҳамияти нимада?
- 6.Гигиеник меъёрлар ҳақида тушунча беринг
- 7.Хоналарнинг харорат тартиби ҳақида тушунча, бу кўрсаткичларни текшириш усуллари ва уларни баҳолаш тартибини айтинг

8.Ҳаво намлигининг турлари, намликни ўлчаш қоидалари ва кўрсаткичларни баҳолаш тартибини айтинг

9.Хонадаги ҳаво харакати тезлигининг санитар ва физиологик аҳамияти, ҳаво харакати тезлигини ўлчаш асбоблари, ўлчаш қоидалари ва натижаларни баҳолаш тартибини айтинг

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.“Ахолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - T.,2011.
4. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)
5. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard UniversityPress Cambridge,Massachusetts London, England, 2005,1-2, 102, 111p

## **2-амалий машғулот: Аҳолининг тўғри овқатланиш баҳолашда инновацион технологиялар**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларга соғлиқни сақлаш учун овқатланиш сифатининг аҳамияти, таомнома тузиш қоидалари, соглом овқатланиш тартиби ҳамда унинг амалиётда тутган ўрнини тушунтириш, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларга баҳо бериш кўникмаларини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар групхаларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган ).

Аҳолининг тўғри овқатланишига бўлган гигиеник талабларнинг энг муҳими уларнинг одам организми учун ҳавфсизлиги хисобланади, шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва санитар ҳавфсизлигини назорат қилиш ЎзР Давлат санитария-эпидемиология назорати органлари фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Овқат маҳсулотларининг тўла сифатлилиги стандартлар тизими бўйича регламентланиб (Давлат Стандартлари, тармоқларга оид стандартлар -ОСТ лар, ТУ-техник шароитлар), уларда муайян маҳсулот турлари ва уларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларга бўлган талаблар ўз ифодасини топган. СанҚ ва М 0060-96 ««Озуқа хомашёси ва маҳсулотларнинг сифати ва ҳавсизлигига оид тиббий-биологик тингловчилар ва санитар меёrlари» шулар жумласидан хисобланади.

**Овқат маҳсулотларининг сифати** уларнинг бир қатор хусусиятлари йиғиндиси бўйича белгиланиб, бу маҳсулотлардан овқатланиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги шу хоссаларга бевосита боғлиқдир:

1. Маҳсулотнинг тўла қийматлилик кўрсаткичлари:

- а) озуқали қиймати: таом ассортименти, органолептик хоссалари, кўнгилга тегмаслиги, тез ва осон хазм бўлиши, энергетик тўла қийматлилиги
- б) биологик қийматлилиги: таркибидаги озуқли моддаларнинг микдори, уларнинг таркиби, ўзоро нисбати

2. Санитар-эпидемиологик кўрсаткичларнинг мукаммалиги (ҳавфсизлиги):

- а) тўла сифатлилиги: сасиш ва бижғиш белгилари, мўғорлаш ҳолатларининг йўқлиги ва механик аралашмалардан холи бўлиши
- б) ҳавфсизлиги (зарасизлиги): патоген микробларнинг бўлмаслиги, мўғорлар ва гельминт тухумларининг йўқлиги, захарли моддаларнинг бўлмаслиги, омборхона зааркунандалари билан ифлосланмаганлиги

Озиқ-овқат маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш ҳам огоҳлантирувчи ва ҳам жорий санитария назорати кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Хозирги кунда юзага келган сани тария назорати амалиётида овқат маҳсулотларини огоҳлантирувчи санитария назорати нуқтаи-назардан текшириш асосан шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги сертификатларни олиш мақсадида ўтказилса, жорий санитария назоратида эса, назорат қилувчи органлар ва идораларнинг маҳсус топшириқлари ёки маҳсус кўрсатмалар –холатлар бўйича (овқатдан захарланиш ходисалари, шубҳали маҳсулотларни истеъмол қилишга боғлик бўлган касалликлар қайд қилинган шароитлар) амалга оширилиши мумкин.

Текширишни ўтказишдаги асосий вазифани хисобга олиб, экспертизани қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- Тўла қийматлилик кўрсаткичларини баҳолаш
- Тўла сифатлилигини баҳолаш
- Зарарсизлигини баҳолаш
- Касалликни узатилишида узатувчи омил бўлиши мумкинлигини аниқлаш
- Маҳсулотни корхонада ишлаб чиқариш, уни ташиб, сақлаш жараёнларида гигиеник қоидаларнинг бузилиши билан боғлик бўлган ҳолда маҳсулот сифатининг ўзгарганлигини аниқлаш.

Овқат маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш “Санитария-эпидемиология хизматига доир муассасаларда озиқ-овқат маҳсулотларини гигиеник экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги №2255-80-чи Кўрсатмага мувофиқ амалга оширилади

Сифатсиз маҳсулотларни милиция органлари томонидан олдиндан олиб қўйилган ҳолатларда бу маҳсулотни экспертизадан ўтказиш амалга оширилмайди. Қолган ҳолатларда экспертизаларни ўтказиш қуйидаги босқичларда бажарилиши мумкин:

- маҳсулот ҳақидаги хужжатлар билан танишиш
- маҳсулотнинг сақланиш ва сотилиш жойида унинг органолептик хоссалари ва умумий текширишдан ўтказиш
- лаборатория текширишлари учун овқат маҳсулотларидан намуналар олиш
- олинган овқат маҳсулотларини лаборатория текширишларидан ўтказиш
- олинган натижаларни умумлаштириш ва санитария экспертиза баённомасини расмийлаштириш

Маҳсулот ҳақида умумий маълумот олиш учун шу маҳсулотларга таалуқли бўлган ҳамма хужжатлар билан танишиб чиқиш талаб этилади (накладнойлар, ветеринар хизматининг гувоҳномаси, сертификатлар ва б.к.), ҳамда маҳсулот кимнинг корхонасида бўлса, шу обьектга таалуқли бўлган мансабдор шахсларни сўровдан ўтказиш. Агар маҳсулот учун керакли хужжатлар бўлмаса, у ҳолда маҳсулот экспертизадан ўтказилмайди, чунки бу ҳолатда маҳсулотни сотиш ёки ундан фойдаланиш қонунга хилоф хисобланади.

Текширишнинг кейинги босқичи жойнинг ўзида маҳсулот партиясини кўздан кечириш ва унинг органолептик хоссаларини аниқлаш хисобланади. Бунда маҳсулотнинг сақланиш тартиби ва шароитига эътибиор қаратилади, маҳсулот идишларининг холати кўздан кечирилади (эзилиши, сиқилиши, деформацияланиши, ифлосланиши, идишнинг очилганлиги белгилари). Сўнгра маҳсулот идишидаги ёрликлар ва огоҳлантирувчи ёзувлар ўрганилади (қачон чиқарилган ва сақланиш муддатлари, қандай корхона томонидан ишлаб чиқарилган, қачон, чиқарилган саналар).

Идишлар кўздан кечирилгандан сўнг, ўралган маҳсулотлар очиб кўрилади. Агар маҳсулот партияси 2-5 ўрамдан иборат бўлса, у ҳолда ҳамма ўрамлар очиб кўрилади, Катта партиядаги маҳсулотларнинг эса, 5-10% даги ўрамлари очилади, ўрам ёки идишлар жароҳатланган ҳолатларда улар албатта очилиши ва текширишдан ўткалиши шарт.

Жойнинг ўзида идиш очилгандан сўнг маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичлари текширишдан ўтказилади: ташқи кўриниши, омборхона зараркундаларининг бор-йўқлиги, ранги, ҳиди. Маҳсулотнинг таъми агар унинг ҳавфсизлигига ишонч бўлса ва сифатсизлигига шубҳа туғилмаган ҳоллардагина текшириб кўрилиши мумкин. Агар текшириш жойнинг ўзида маҳсулотнинг сифати ҳақида якуний хулоса чиқариш мумкин бўлмаса, лаборатория текширишлари учун шу маҳсулотдан намуналар олинади.

Лаборатория текширишлари учун намуналар шундай олиниши керак-ки, олинган намуна маҳсулотнинг ҳамма партиясининг сифатини акс эттираолсин, шунинг учун ҳарбир маҳсулот учун ўзининг намуна олиш қоидаси мавжуд ва улар маҳсулот турига мувофиқ ДавСтандартларида ўз ифодасини топган: сутдан намуна олиш – ДавСТ (ГОСТ) - 26809-86, гўштдан намуна олиш – 4288-76, балиқдан намуна олиш – 7631-85 ва б.к.

Маҳсулот партиясини кўздан кечириш ва лаборатория текширишлари учун намуналар олиш натижалари ҳақида баённома тузилади ва унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши керак:

- баённома тузилган жойи ва вақти
- экспертнинг ва экспертизада иштирок этган бошқа шахсларнинг Ф.И.Ш
- гигиеник экспертиза ўтказиш учун нима сабаб

- хужжатлар бўйича маҳсулот ҳақидаги маълумотлар
- жойнинг ўзида ўрамларни ва маҳсулотни кўздан кечириш ҳақидаги маълумотлар
- жойнинг ўзида маҳсулотнинг органолептик текшириш маълумотлари
- намуна олиш тўғрисидаги маълумотлар (намуналар сони, массаси, ўрамлар)

Агар маҳсулот сифатига лаборатория текширишларисиз хulosса чиқариш мумкин бўлса, бу ҳақда баённомада тегишли хulosалар бўлиши керак.

Олинган намуналарни лаборатория текширишидан ўтказилганда маҳсулотнинг органолептик, физикавий, кимёвий, микробиологик ва биологик текшириш усулларидан фойдаланилади. Усулни танлаш маҳсулотнинг турига ва текшириш мақсадиган мувофиқ амалга оширилади. Масалан, гушт, сут, нон ва ун маҳсулотларини тула сифатлилигини куйидаги курсаткичлар бўйича аникланади:

Маҳсулот тuri	Текшириладиган кўрсаткичлар	Текшириш усуллари
Гўшт:	Ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, консистенцияси, тиниқлиги ва шўрвасининг хушбўйлиги	Органолептик
	Аммиака, водород сульфид, пероксидазларнинг борлиги	Кимёвий
	Гельминтларнинг борлиги (финналар, трихинеллалар)	Микроскопия
Сут:	Ташқи кўриниши, консистенцияси, ҳиди, ранги, таъми	Органолептик
	Зичлиги, ёғ микдори, қуруқ қолдиқ моддалари, механик аралашмалар	Физик-механик
	Нордонлиги, сода, крахмал ва пероксидазаларнинг борлиги	Кимёвий
Нон:	Ташқи кўриниши, юзаси, ранги, кесилгандаги ранги, нон ичидаги юмшоқ қисмининг холати	Органолептик
	Намлиги, ғоваклиги	Визуал ва физикавий
	Нордонлиги	Кимёвий
Ун:	Эзиб кўргандаги ғичирлаш	Органолептик
	Омборхона зааркунандалари, металли аралашмалар	Визуал (кўриш), физикавий

	Налиги, клейловчи модданинг миқдори, минерал моддалар	Физикавий
	Нордонлиги	Кимёвий

Лаборатория текширишларининг натижалари баённома кўринишида расмийлаштирилади ва унда ёзмали тавсиф, текшириш натижалари ва якуний қисм ўз аксини топиши керак

Тавсифий қисмда қуидагилар кўрсатилади: намунанинг номи ва келтирилган вақти, маҳсулот тури ва ўрами, намнуна қачон ва ким томонидан олинган, намунанинг массаси, маҳсулотнинг жойдаги органолептик хоссалари.

Натижа қисмida маҳсулотнинг физик-кимёвий хоссалари ҳақидаги маълумотлар, бактериологик, микроскопик текшириш натижалари, текширишларни ўтказган шахснинг имзоси бўлишги керак.

Баённоманинг хулоса қисмida текширилган намунанинг сифати ҳақидаги хулоса ва уни овқатланиш учун ишлатиш мумкинлиги баён қилинади.

Баённома лаборатория мудири томонидан тасдиқланади.

## Назорат саволлари

- 1.Овқатланиш гигиенаси соҳасидаги стандартлар системаси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг тўла қийматлилигини ҳақида тушунча
- 2.Овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари
- 3.Озиқ-овқат маҳсулотларини экспертиза қилиш турлари ва вазифалари
- 4.Озиқ-овқат маҳсулотларини гигиеник экспертизадан ўтказиш босқичлари
- 5.Маҳсулот партиясини кўздан кечириш қоидаси
- 6.Жойнинг ўзида овқат маҳсулотининг органолептик текширишлардан ўтказиш
- 7.Лаборатория текширишлари учун маҳсулотлардан намуналар олиш
- 8.Овқат маҳсулотларини лаборатория текшириш усулларига умумий таъриф
- 9.Овқат маҳсулотларини лаборатория текшириши натижаларини расмийлаштириш қоидалари

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)
5. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005,129-132, 142-143p
6. WHO, FOOD SAFETY, FACT SHEET №399, DECEMBER 2015

### **З-амалий машғулот: Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ўзига хос муаммолари. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолашнинг методологик асослари.**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларга болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, уларни текшириш усуллари, ЎзР да яшайдиган болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда уларнинг амалиётда тутган ўрнини тушунтириш, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларга баҳо бериш кўнимкамарини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган ).

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари кўп жиҳатдан тарбиялаш ва ўқитиш шароитларига боғлиқдир. Шунинг учун врач болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини текшириш усуллари ва баҳолаш усулларини билиши зарур. Олинган натижалар асосида тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини қандай ташкил этилганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари оиласда ва ҳамда мактабгача ва мактаб муассаларидаги тарбиялаш ва ўқитиш шароитларининг қандай яратилганлигига боғлиқдир. Бундай энг кўп аҳамиятга эга бўладиган омиллар қаторига болаларнинг овқатланиш сифати, жисмоний юкламаларнинг характеристи ва даражаси, ўқиш жойларининг ташкил этилганлиги, оқилона тузилган ва бажариладиган кун тартиби, мактабдаги дарсларнинг тартиби ва характеристи, болалар муассасаларидаги санитар-техник жиҳозларнинг созлиги, хоналарнинг ёритилиш сифати ва б.к. киради. Шунинг учун врач болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш белгиларини текшириш ва баҳолай олишни билиши ва олинган натижалар асосида уларга яратилган тарбиялаш ва ўқитиш шароитлари ҳақида фикр юритаолиши керак.

Болаларнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолаш албатта йилига бир марта ўтказилиб, олинган натижаларни ҳарбир боланинг шахсий ривожланиш картасига ёзиб борилиши шарт.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши ҳақида бир қатор белгилар (кўрсаткичлар) орқали фикр ва хулоса чиқариш мумкин бўлиб, бу кўрсаткичлар учта гурухга бўлинган:

- 1.Соматометрик кўрсаткичлар - бўй, вазн ва кўкрак қафаси айланаси (КҚА);
- 2.Физиометрик кўрсаткичлар- мушаклар кучи, ўпканинг тириклик сифими, А/Б (артериал босим) қиймати, пульс тезлиги, тери ости ёғ қаватининг қалинлиги;

3. Соматоскопик кўрсаткичлар - скелетнинг ҳолати, бадан терисининг ҳолати, доимий тишларнинг сони, жинсий ривожланиш формуласи.

Бу белгиларни текширишда айрим қоидаларга риоя қилиниши керак.

Боланинг бўйи ёғочли ёки темирли бўй ўлчагичда аниқланади. Ўлчашларнинг эрталабки соатларда ўтказилиши керак. Ўлчаш вақтида бўй ўлчагичнинг вертикал тахтасига бола танасининг қўйидаги қисмлари тегиб туриши керак: курак оралигидаги умуртқа пофонаси, думба соҳаси, товонлар; бош бироз олдинга эгилган ҳолда бўлади. Вазн тиббий тарози ёрдамида аниқланади. Боланинг ёшини хисобга олган ҳолда (бола нонушта қилган бўлиши шарт- таҳминан -0,3 кг) олинган қийматларданқ(овқат учун - 0,3 кг), кийимлардан (йил фаслларига мувофиқ -0,3-0,5 кг) ва вазндан эса -0,5 кг (ёзда) - 1 кг (қишида) олиб ташланади.

КҚА сантиметрли тасма ёрдамида аниқланади, бунинг учун тасма орқа тарафда курак бурчаклари соҳасида, олди томонда эса, ўғил болаларда - 4 қобирға соҳасида, қиз болаларда кўкрак бези айланасининг устки қисмида туриши керак.

Мушаклар кучи қўл динамометри ёрдамида (қўл мушаклари кучи) ёки оёқ динамометри (орқа курак атрофи ва умуртқа пофонаси ёнидаги мушаклар кучи).

Ўпканинг тириклик сигими спирометр асбоби ёрдамида аниқланади. Бунинг учун болага спирометрга қандай пуфлаш (тўлиқ нафас чиқариш) кераклиги ҳақида йўл-йўриқ берилади.

А/Б тонометр ёрдамида, пульс тезлиги эса - пальпатор аниқланади.

Тери ости ёғ-клетчаткасининг қалинлиги маҳсус штангенциркул ёрдамида ўлчаниб, сантиметрлар (см) да ифодаланади.

Соматоскопик белгилар тавсифлаш орқали ифодаланади, жинсий етилиш белгилари эса форма ёрдамида ифодаланади. Ўғил болалар учун бу формулага кўпинча қов ва қўлтиқ остидаги жунларнинг ўсганлик даражасини (мас.,  $P_o$ ,  $Ax_1$  кўринишида, бу демак текширилувчи болада қов соҳасида туклар ҳали чиқмаган, қўлтиқ остида эса, 1 даражали яъни битта-яримта ўсиш бор деганидир). Қиз болаларнинг жинсий ривожланишини ифодалашда кўкрак безининг ривожланганлиги, менстриуация циклининг бошланиш вақти-менархе қўшилади (мас.,  $P_2$ ,  $Ax_2$   $Ma_2$ ,  $Me_{13}$  - бу дегани, текширилувчи қиз болада қов ва қўлтиқ ости соҳасида 2 даражалик ривожланиш, сут бези кўкракдан кўтарилган, менстриуация эса, 13 ёшдан бошланган демакдир).

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш жисмоний ривожланиш стандартлари билан таққослаш орқали бажарилади.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш стандартлари болаларнинг жинси, ёши, миллати ва яшаш жойига боғлиқ бўлади. Шунинг учун жисмоний ривожланиш ҳолати ҳақида хулоса чиқариш, масалан агар шахар шароитидаги бола учун қишлоқ жойларида яшайдиган болаларнинг стандартлари билан таққосланса, олинган натижа нотўғри хисобланади. Жисмоний ривожланиш стандартларини тайёрлаш учун текширишлар ўтказилади, олинган натижаларни математик ишловдан ўтказилади. Бунинг учун текширишдан кам деганда ҳар бир жинс ва ёш, бир ҳил миллат ва бир жойда яшайдиган 100 та бола ўтиши керак бўлади. Жисмоний ривожланиш стандартларини ишлаб чиқиш учун олинган маълумотлар статистик ишловдан ўтказиш усули ва олинган стандартларнинг қийматлари ёки регрессия шкаласи, ёки центил шкаласи, ёки биологик ривожланиш стандартлари кўринишида расмийлаштирилиши мумкин.

Жисмоний ривожланиши шахсий тарзда баҳолаш учта усулда бажарилиши мумкин, аммо илгари бундай баҳолашлар 4 усулда амалга оширилар эди: регрессия шкаласи бўйича, комплекс схема бўйича, центил шкаласи бўйича (сигмали оғиш усули-4-чи усул).

Регрессия шкаласи бўйича баҳолаш. Регрессия шкаласи вазн ва КҚА қийматларининг ўзгаришини бўй кўрсаткичи 1 см га ўзгаришини хисобга олган ҳолда баҳолайди, яъни бу усулда ривожланиши белгиловчи кўрсаткич боланинг бўйи хисобланади (ЎзР даги ўқувчилар учун 1998 йилда ишлаб чиқилган регрессия шкаласини намойиш қилиш). Жисмоний ривожланиши шахсий тарзда баҳолаш тартиби:

- боланинг аниқ туғилган вақти ва текширишдан ўтказилган вақтини хисобга олиб, шунга мувофиқ регрессия шкаласи топилади;
- жинс, ёш, миллати ва яшаш жойига мувофиқ бўлган регрессия шкаласи топилади;
- бўйни хисобга олиш билан боланинг ривожланиши қайси қийматларга тўғри келиши аниқланади (ўртacha, ўртачадан юқори, ўртачадан паст ва ҳ.к.);
- шкала бўйича шу бўйда вазн ва КҚА қандай бўлиши кераклиги топилади ( $M_{-+d}$ );
- вазн ва КҚА учун  $D_d$  (сигмали оғиш) қийматини аниқлаш. Мас., боланинг амалдаги вазни 30 кг, Жадвал бўйича вазн  $32,1 + 3,1$ , демак, вазнинг сигмали оғиши  $= (32,1 - 30) : 3,1 = 0,7$ . Агар сигмали оғишнинг қиймати  $+_1$  сигма атрофига бўлса, у ҳолда жисмоний ривожланиш гармоник хисобланади; сигмали оғиш  $+_1$  дан  $+_-2$  сигмагача бўлса дисгармоник, 2 сигмадан ортиқ бўлса кескин дисгармоник деб баҳоланади.

Боланинг шахсий картасига ривожланиш даражаси ва гармониклиги ҳақидаги хулоса ёзиб қўйилади. Масалан, "ривожланиш ўртacha гармоник" ёки "ривожланиш ўртачадан паст дисгармоник бўлиб, КҚА кичиклиги

хисобига", ёки "ортиқча вазн хисобига ривожланиш ўртачадан юқори дисгармоник" каби.

Жисмоний ривожланишни комплекс схема бўйича баҳолаш" Жисмоний ривожланишни регрессия усулида баҳолаганда факат учта ривожланиш кўрсаткичидан фойдаланилди (бўй, вазн, КҚА), бундай баҳо боланинг ёшга оид биологик ривожланишига мувофиқ даражада эканлигини баҳолашга имкон бермайди. Шунинг учун боланинг жисмоний ривожланишига чукурроқ баҳо бериш керак бўлганда комплекс схемадан фойдаланилади. Бу усулда боланинг морфо-функционал ривожланиши регрессия шкаласи бўйича, биологик ривожланиш даражаси эса - амалдаги физиометрик ва соматоскопик кўрсаткичларни, шу ёш, жинс, миллат, яшаш жойи учун ишлаб чиқилган ривожланиш стандартлари билан таққослаш орқали баҳоланади. Кўпроқ қуидаги кўрсаткичлар бўйича баҳолаш қабул қилинган: бўйнинг йиллик қўшилиши, ўнга ва чап қўл мушакларининг кучи, ўпканинг тириклик сиғими, доимий тишлар сони, жинсий ривожланиш формуласи (физиометрик ва соматоскопик кўрсаткичларнинг стандартларини намойиш қилиш).

Боланинг шахсий картасига ҳам морфо-функционал ривожланиш, ҳам биологик ривожланишнинг ёшга мувофиқлик даражаси ёзиб қўйилади. Мас., морфофункционал ривожланиш ортиқча вазн хисобига дисгармоник, биологик ривожланиш мушаклар кучи ва ўпканинг тириклик сиғими хисобига орқада қолган".

Центил шкалалари. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини баҳолашдаги замонавий усуллардан бири центил шкаласи бўйича баҳолаш хисобланади.

Центил шкалалари бу жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг қайтарилиш сонини хисобга олган ҳолда тақсимланишидир (фоизларда, центил сўзи ҳам шундан келиб чиққан яъни pro centum). Бу кўрсаткичлар болаларнинг жинси, ёши, миллати ва яшаш жойларига боғлиқ ҳолда қайтариладиган қийматлар хисобланади. Кузатиладиган ҳамма қийматлар бирнечта зонага бўлинган (6 та ёки 8) . Амалдаги (фактический) маълумотларни баҳолашдан ўтказишида ўрганилаётган белгиларнинг қийматлари қайси зонага яқинроқ жойлашганлигини аниқлаш керак бўлади. Ана шу зоналарнинг рақамларига боғлиқ ҳолда жисмоний ривожланишни баҳолаш амалга оширилади. Агар текширилаётган кўрсаткичлар:

-1-чи зонага жойлашса - жисмоний ривожланиш жуда паст деб баҳоланиб, тор соҳа мутахассислари томонидан чукур текширишдан ўтказиш кераклиги ҳақида хulosса чиқарилади (эндокринологнинг текширишигача бориши мумкин);

-2-чи зона - жисмоний ривожланиш паст, бунда бола организмида сурункали касаллик борлигини аниқлаш учун чуқурлаштирилган қўриқдан ўтказиш тавсия этилади;

-3 зона - жисмоний ривожланиш ўртачадан паст - бунда боланинг тез-тез касалланиши мумкинлигига эътибор қаратиш талаб этилиб, бола организмини соғломлаштириш тадибирларини белгилаш лозим;

-4-5 - зона - боланинг ривожланиши ўртача - маҳсус кузатиш талаб этилмайди;

-6 зона - боланинг ривожланиши ўртачадан юқори - маҳсус назорат қилиш талаб этилмайди;

-7 зона - ривожланиш юқори, эътибор қаратиш керак;

-8 зона - ривожланиш жуда юқори, эндокринолог маслаҳати талаб этилади.

Центил шкалалари бўйича баҳолашда учта кўрсатгич (белги) - бўй, ваз, КҚА асосида боланинг ривожланиши соматотипи аниқланади, бунинг учун текширилаётган учта кўрсаткичнинг қийматлари қайси зонага тўғри келишига мувофиқ, шу зоналарнинг рақамлари қўшилади.. Агар олинган қиймат йиғиндиси 10 дан кам бўлса - микросоматотип, 11-16 - мезасоматотип, 16 дан кўп бўлса - макросоматотип деб баҳоланади.

Учала белги (кўрсаткич) ларнинг зона рақамлари ўртасидаги фарқ "1" дан ортиқ бўлса боланинг ривожланиши дисгармоник деб баҳоланади.

Шундай қилиб, центил шкаласи бўйича баҳолаш бир қатор устунликларга эга:

-хисоблашларни қилишга ҳожат йўқ;

-ривожланиш даражаси ва гармониклигина эмас, балки ҳарбир болага нисбатан врачнинг тактикасини ҳам белгилаш мумкин;

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ва гармониклиги уларни мактабларда ташкил қилинадиган жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилишда гурухларни аниқлаш учун зарурдир. Ўкувчиларнинг саломатлик ҳолатлари ва жисмоний ривожланиш даражаларига боғлиқ ҳолда улар уч гурухга бўлиниши мумкин:

-1 гурух - асосий гурух - жисмоний ривожланишида ҳечқандай оғиш бўлмаган амалий соғлом болалар;

-2 гурух - тайёрлов - ўткир касалликни ўтказган болалар бўлиб, жисмоний ривожланишдаги силжишларни йўқотиш мумкин; ана шу силжишларни изга солувчи машқлар билан шахсий машғулот ўтказиш (енгиллаштирилган ёки кучайтирилган машқлар). Бундай болаларни турли мусобақаларда қатнашиши фақат врач рухсати орқали амалга оширилади. Гурухда машғулотларни ўтказишнинг асосий мақсади - бу болаларни асосий гурухга ўтказиш хисобланади;

-3 гурух - маҳсус - сурункали касаллиги бор ёки жисмоний ривожланишдаги оғишларни орқага қайтариш мумкин бўлмаган ҳолатдаги болалар, Бундай болалар билан шахсий дастур бўйича машғулотлар ўтказиш режалаштирилади. Бундай болалар имконияти чекланган тенгдошлари қатори ҳудди шундай болалар билан мусобақалашishi мумкин.

### **Назорат саволлари:**

- 1.Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши учун гигиеник ўқитиши ва тарбиялаш шароитларининг аҳамияти
- 2.Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (белгилари: соматометрик, физиометрик, соматоскопик)
- 3.Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини шахсий тарзда баҳолаш усуслари ҳақида тушунча
- 4.Жисмоний ривожланиш стандартлари ҳақида тушунча
- 5.Жисмоний ривожланишни регрессия шкаласи бўйича баҳолаш
- 6.Жисмоний ривожланишнинг шахсий кўрсаткичларини гигиеник аҳамияти
- 7.Болалар жамоаларининг жисмоний ривожланиш даражаларини гигиеник аҳамияти
- 8.Болалар жамоасининг ривожаланиш даражасининг мезонлари

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 6086.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)
5. Children’s Environmental Health Units, © World Health Organization 2010, 3-4p.


## **4 машғулот. Эпидемик жараён. Юқумли ва соматик касалликлар эпидемиологияси.**

**Ишнинг мақсади:** Эпидемик жараён. Эпидемиологик текшириш усуллари. Юқумли ва соматик касалликларнинг эпидемиологик тарқалишини олдини олиш ва монитрингида Давлат санитария эпидемиология назоратининг тутган ўрни. Ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш. Вакцина профилактика.

Эпидемик жараён ривожланишининг вариантидан қатъий назар, ҳар қандай кўп сонли инфекциялар (инфекцион ҳолатлар)нинг минимал тузилмасини (элементар катакчани) акс эттиради. Келтирилган чизмалардан кўриниб турибдики, бундай элементар катакча (минимал кўплік) – бу иккита ўзаро боғлиқ инфекцион ҳолатдир. Кўрсатиб ўтилган минимал тузилма учта бир-бiri билан боғлиқ қисмлардан ташкил топган: биринчиси иккинчисининг шаклланишини чақиради, иккинчиси – учинчисининг (9.1-расм).

Биринчи звено – инфекция манбаи, яъни касаллик қўзғатувчисининг донори юқиш механизми ёрдамида (иккинчи звено) мойил одамга касаллик юқишини амалга оширади.

Элементар катакча ичидаги ҳар қандай узилиш (ҳар қандай звенонинг узилиши) муқаррар равишда эпидемик жараён тўхташига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, факат сақланиб қолган элементар катакча эпидемик жараённинг узлуксизлигини таъминлайди ва варианtlардан қатъий назар, унинг сифат хусусиятларини акс эттиради.



### **9.1-расм. Эпидемик жараён звенолари**

Эпидемик жараён ривожланишининг изчиллиги, узлуксизлиги паразитни қабул қиласиган одам организмининг инфекцион жараён вужудга келганда янги инфекция манбаига айланиши билан белгиланади.

Элементар катакча биринчи ва иккинчи звеносининг (қисмларининг) функционал хусусиятлари эпидемик жараённинг имкон борича тез, кучли ривожланишини таъминлаши зарурлигидан иборат. Элементар катакчанинг учинчи қисми, аксинча, тормоз функциясини бажаради. Афсуски, табиий шароитларда бунга ҳамиша эришиб бўлавермайди (паразит ва эпидемик

жараён мавжудлиги түғрисидаги далил шундан далолат беради). Бирок, юқумли касалликлар билан курашда қатор ҳолларда бу хусусияттан ғоят муваффақият билан фойдаланилади (эмлаш ёрдамида маңсус профилактика), масалан чинчечакда (дунё миқёсида тугатилған), қизамиқда, полиомиелитда ва б.к.

### 9.1. Инфекция манбай

Инфекция манбай (элементар катақчанинг биринчи звеноси) – бу паразит яшайдыган табиий муҳит бўлиб, бунда у озиқланади, кўпаяди ва манбадан ташқарига чиқиши амалга оширилади.


Фақат одамга хос инфекцияларда, яъни **антропонозларда** фақат одамнинг ўзи инфекция манбай ҳисобланади.

Нопатоген паразитлар чақирадиган касалликларда манба фақат соғлом одам ҳисобланади. Аксарият тахмин қилишларича, одам туғилишдан кейин (ёки туғруқ йўлларидан ўтаётганда) инфекцияни юқтириб қолиб, бутун умрга манба бўлиб қолади. Бундай ҳолларда тери ва шиллик қатламлар ёки ичак бўшлигининг доимий яшовчилари бўлади, бунда бу нопатоген паразитлар бир марта жойлашиб олгач, у ерда доимий қолиб кетадилар. “Доимий яшовчилар” атамаси маълум даражада шундан пайдо бўлган. Бу паразитлар ва хўжайнинг (одам) экологик ва тегишлича эпидемиологик ўзаро муносабатларига оид жиҳатлари батафсил ўрганилмаган, бу биринчидан, тадқиқотчиларнинг бундан унчалик манфаатдор эмасликларидан (ушбу паразит касаллик чақирмайди), иккинчидан эса, бундай тадқиқотлардаги катта техник қийинчиликлар ва талайгина молиявий харажатлар билан изоҳланади. Фақат айрим нашрлар мавжуд, холос. Чунончи, Ф.Кауфман (1959) ичакдан ажралаётган таёқчани микробиологик баҳолаш мақсадида иккита муаллифнинг динамик кузатувлар олиб борганликларини (афтидан, ўзларида) тасвирлайди. Улар бир йил мобайнида ахлат билан ажраладиган ичак таёқчалари штаммларини ғоят кўп меҳнат талаб қиласидан иммунологик текширишлардан фойдаланиб текширганлар. Муаллифлар бир йилги кузатувлардан кейин ичак таёқчасининг кўпчилик штаммлари организмда кўпи билан бир-икки ҳафта бўлишини, яъни бир мунча жадал эпидемик жараён ўтишини аниқлаганлар, улар битта одам организмида бир хил штаммнинг йил давомида (кузатиш муддати) жуда кам бўлишини аниқлаганлар. Ўтказилган текширишлар одам нисбатан қисқа муддат инфекция манбай бўлиб қолиши мумкинлигини кўрсатди, камдан-кам ҳоллардагина бактерия ташувчилик деб аталадиган ҳодиса бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, бундай хулоса фақат ичак таёқчасига тааллуқли, бирок, биз мазкур мисолда баъзи бир умумий қонуниятларни кузатаётган бўлсак керак. Хусусан, В.К.Нобл (1986) тери қопламаларидағи микроорганизмларга доир кузатувларни умумлаштириб, транзит, **вактинчалик микроорганизмлар** мавжудлигини кўрсатиб, шундай хулоса чиқарди. Транзитор ташувчанлик – бу давомли, бирок бир умр давом қиласидан ҳодиса эмас, лекин бу фикрни узил-кесил тасдиқлаб бўлмайди.

**Шартли-патоген паразитларда**, қўзғатувчи касаллик чақираолмаса инфекция манбаи, нопатоген паразитлар каби баҳоланиши лозим. Борди-ю касаллик ривожланган тақдирда қўзғатувчини патоген паразитлар тарқалишидай тасаввур қилиш мумкин.

**Патоген** паразитлар чақирган эпидемик жараён шаклланишида инфекция манбаи (9.2-расм) – бу касал одам (касалликнинг ҳар хил даражада юзага чиққан шакли) ёки бактерия ташувчидир (мутлоқ патоген қўзғатувчилар чақирадиган қизамиқ ва баъзи юқумли касалликлар бундан мустасно).

Яққол клиник белгилар билан кечадиган шакллари инфекцион жараённинг тез ривожланишидан далолат беради ва инфекциянинг энг хавфли манбаларидан иборат, шу билан бирга касаллик нечоғлик оғир ривожланса ва кечса, хавфлилиги шунчалик ошади. Чунончи, оғир шаклдаги тошмали терлама бўлган bemorlarning қони билан кийим битларини бир марта овқатлантириш 60-80% ҳашоротларга юқишига олиб келган. Енгил шаклдаги bemorlarning қони билан битларни овқатлантиришда турли муаллифларнинг маълумотларига асосан 2-3%дан 30%гача ҳашаротларга юқишига муваффақ бўлинган. Битларнинг инфекцияни юқтириш кўрсаткичларидаги катта тафовут, эхтимол, ўзида битларни озиқлантирган bemorларда касалликнинг клиник кечишидаги тафовутлар билан тушунтирилади.



**9.2-расм. Инфекция манбаларининг турлари**

Урушдан кейинги дастлабки йилларда ичбуруғли bemorлар нажасининг микдорий микробиологик текширишлари ўтказилган эди. Шу материалларга кўра инфекцион жараён қанчалик оғир ривожланса, қўзғатувчининг ахлатдаги сони шунчалик юқори бўлади (1 грамм нажасда  $10^8$  ва ҳатто  $10^9$  гача бактериялар) ва bemorлардан ажралиш даври узоқроқ давом қиласи (Т.А.Авдеева, 1963 й.).

Юқумли касалликларнинг қўпчилигига bemorning энг юқумли пайти клиник белгилар жадал ривожланган даврга, аксарият улар юзага чиқишининг биринчи кунларига (ичбуруғ, вабо, грипп ва б.к.) тўғри келади. Чунончи, гриппда bemorларнинг қўпчилиги касалликнинг дастлабки 3-5-

кунларида юқумли бўлади. Бироқ бу умумий қоида эмас, ҳали продромал давридаёқ (қизамиқ) ва ҳатто яширин даврнинг (Гепатит А вируси) охирги кунларида ҳам юқумлилик айниқса юқори бўлиши мумкин. Бошқа томондан, юқумлилик бир мунча кечроқ намоён бўладиган юқумли касалликлар ҳам учрайди: Чинчечакда бемор касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгандан кейин тахминан 5-6 кун ўтгач юқумли бўлиб қолади, ич терламада – касалликнинг иккинчи-учинчи ҳафтаси бошида.

Софайиш белгилари орта борган сайин беморнинг атрофдагилар учун инфекция манбаи сифатидаги хавфи тобора пасаяди ва софайиши билан хавф бутунлай йўқолади. Бироқ, бу қоида мутлоқ эмас, чунки қатор юқумли касалликларда қўзғатувчи, ҳатто тузалиш (реконвалесценция) даврида ҳам ажралиши мумкин (дифтерия, ич терлама ва б.).

Яққол клиник белгилар билан узлуксиз кечадиган ёки вақти-вақти билан қайталаниш кўринишидаги сурункали инфекцияларда, биринчи ҳодисада юқиши ҳар қандай вақтда, иккинчи ҳодисада – аксарият бирламчи ўткир босқичда ва касалликнинг қайталаниш даврида ёки касалликнинг муайян босқичларида (масалан, захмда) рўй бериши мумкин.

Яққол клиник белгилар билан бирга, инфекциянинг белгиларсиз шаклларини ўтказган кишилардан ҳам касаллик юқиши мумкин.

Бу белгисиз шакллари (соғлом ташувчанлик ёки Л.В.Громашевский таклиф қилган атамага қўра бактерияташувчанлик) ўткир юқумли касалликларда **бирламчи ва иккиламчи**, ташувчанликка бўлиниши мумкин.

**Бирламчи ташувчанлик** – бу паразит билан ҳаётида биринчи марта дуч келадиган кишилардаги ташувчанлик, яъни белгисиз инфекция иммунитетининг ҳимоя қилиш функцияси билан боғлиқ эмас. Афтидан, бундай ҳодиса кўпчилик юқумли касалликларда кузатилади. Хусусан, 1957 йилда ҳарбий жамоаларда ич терлама қўзғатувчиси юқтирилганда (8.1-ва 8.2-жадвалларга к.) ҳақиқатдан ҳам ноиммун кўнгиллиларда A2-грипп вируси ёки замонавий A(H2N2) номенклатура бўйича янги хили чақирган грипп ўчоқларида ўтказилган тажрибалар шундан далолат беради. Бироқ, бирламчи ташувчилик тўғрисида рад қилиб бўлмайдиган кўргина кузатувлар вабо ўчоқларида бу касаллик илгари умуман рўйхатга олинмаган ёки бир неча ўн йиллар муқаддам учраган жойларда ўтказилган. Кўргина эпидемиологик кузатувларга кўра бундай бирламчи ташувчилар, одатда, хавфли эмаслар: улар қўзғатувчиларни ғоят оз миқдорда, қисқа вақт ажратадилар.

**Иккиламчи ташувчанлик** катта эпидемиологик хавф туғдиради. Баъзи бир юқумли касалликларда иммунитет касалликдан ҳимоя қилгани ҳолда қўзғатувчини организмдан тўлиқ йўқотишни таъминлашга қодир эмас. Бундай ҳолларда ташувчилар қўзғатувчини етарли вақт давомида ва катта миқдорларда ажратадилар (ажратмаларда унинг концентрацияси катта рақамларгача етади). Бундай ташувчиларнинг хавфлилиги уларни ёрдамчи эпидемиологик маълумотларсиз ёки маҳсус лаборатория текширишларсиз аниклаб бўлмаслигидадир. Касалликнинг баъзи бир турларида эпидемиологик маълумотлар амалда фақат иккиламчи ташувчилардан (дифтерия, менингококк инфекцияси, ич терлама ва б.) юқиши натижасида

вужудга келишини кўрсатди. Иккиламчи ташувчилик касалликни бошдан кечириш ёки эпидемиялар туфайли ёки эмлаш натижаси бўлиши мумкин.

Касалликни бошдан кечиришдан сўнг ташувчанлик тузалиш босқичи (кўпи билан бир неча ҳафта) билан чегараланиб қолиши, бироқ баъзан у бир неча ойлар (дифтерия) ёки йиллар (ич терламада у тез-тез бўлмасада, умрбод қолиши) давом этиши мумкин.

Кўзғатувчи билан кўп марта дуч келишлар аста-секин етарли даражада яққол иммунитет шаклланишига олиб келади, гарчи бу иммунитет организмга тушган паразитни йўқотишни ҳамма вақт таъминлай олмасада. Мазкур ҳодисада биз бирламчи ташувчиликнинг иккиламчига ўтишини кўрамиз.

Инфекцион жараённинг сурункали, қайталанишлар билан кечишида, қайталанишлар орасида кўпинча перsistенция деб аталадиган ҳолат юзага келади. Перsistенцияда бемор одам юкумли эмас. Баъзи бир сурункали инфекцияларда инфекцион жараён фақат ташувчилик кўринишида ривожланиши эҳтимол (В ва С вирусли гепатитлар), бундай ҳолларда уларнинг потенциал хавфи, афтидан, bemорлардан пайдо бўладиган хавфдан бир мунча кам бўлади.

### **9.2. Юқиши механизми**

**Иккинчи звено – юқишининг эволюцион шаклланган механизми** – паразит жамоада кишиларнинг ҳаёт шароитига нечоғлик мослашган бўлса, унинг популяцияда тарқалиши шунчалик тез таъминланади. Ҳозирги вақтда бу нуқтаи назардан энг аҳамиятлиси юқишининг ҳаво-томчи механизми ҳисобланади, чунки у таъсир этганда, агар эпидемик жараёнга самарали воситаларнинг таъсири бўлмаса касалланиш айниқса юқори бўлади.

### **9.3. Мойил организм**

Юқорида зикр қилинганлардан хулоса шуки, паразит тарқалишида **учинчи звено – ёки мойил организмнинг** аҳамияти катта.

Паразит нақадар кўп ажратилса ва ажратмаларда уларнинг миқдори нечоғлик юқори бўлса, мойил кишиларда инфекцион жараён пайдо бўлиши учун етарли доза олиш эҳтимоли шунча кўп бўлади.


Учинчи звенони шакллантириш эҳтимоли ва тегишлича эпидемик жараённинг ривожланиши паразитнинг юқиши имкониятларига боғлиқлиги жуда кўп қузатувларда тасдиқланган. Чунончи, бошқариб бўлмайдиган (махсус профилактикаси йўқ) ҳаво-томчи инфекцияларидан аҳоли кўп азият чекади, сифатли сув билан таъминланмаган аҳоли ўртасида ичак инфекциялари билан касалланиш юқори ва ҳ.к. Хусусан, иккинчи звенонинг аҳамиятини нафас йўллари инфекцияларининг пайдо бўлиши ва тарқалиши мисолида кузатиш мумкин, уларда инфекцион жараён касаллик кўринишида ҳам, бирламчи ташувчилик кўринишида ҳам кечиши мумкин.

Учинчи звенонинг шаклланиш имконияти аввало касаллик ёки ташувчиликни чақирадиган ҳар хил паразитларга нисбатан турга оид сезувчанлик билан белгиланади. Масалан, ич терламада 50% юқтирган кўнгиллиларда касаллик чақирадиган доза  $10^7$  вирулент штамм микроб

хужайраларига тенг, ичбуруғда –  $0.5 \times 10^3$ - $0.5 \times 10^4$  га тенг, туляремияда кишилар уларга шундай вирулент штаммдан атиги 25-50 микроб хужайралари юборилганда касалланадилар.

Юқумли касалликдан сўнг, маълумки, иммунитет ривожланади. Агар битта элементар катакча шаклланса, факт иккита одам иммунитетли бўлиб қолади (собиқ инфекция манбаи ва ундан юқтирган одам), бироқ эпидемик жараён ривожланган сайин иммунитет кўпчилик кишиларда ривожланади, бунда иммунитетли кишилар сони эпидемик жараён миқёсига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, эпидемик жараён индивидуал эмас, балки популяцион иммунитет ривожланишига олиб келади.

Юқорида айтилганидек, одам, ҳайвонлар паразитлари юқиши натижасида касалланади. Бунинг боиси шундаки, ҳайвонларнинг паразитлари бирон-бир муайян турдаги хўжайнин организмида ҳаётга эволюцияда маҳкамланган қатъий адаптацияга эга эмас, чунки кўпчилик ҳайвонларнинг популяциялари етарлича сийраклашган ва паразитик турларнинг мавжудлиги уларнинг ҳисобига амалда реал эмас. Ҳайвонлар, аввало иссиққонли ҳайвонлар билан биологик ўхшашлик бундай қўзғатувчилардан одамга зиён етиши мумкинлигига олиб келди. Бундай ҳолларда **зоонозлар** тўғрисида сўз юритилади. Зоонозларда эпизоотик жараён, агар қўзғатувчининг циркуляциясига кишилар аралашса, эпидемик жараённи шакллантиради. Бундай трансформация чизмаси 9.3-расмда кўрсатилганидек бўлиши эҳтимол.



**9.3-расм. Зоонозларда эпидемик жараён шаклланиши**

Эпизоотик жараён уй ҳайвонлари орасида (жумладан паррандалар) ривожланган ҳолларда антропургик ўчоқлар тўғрисида гапирилади. Антропургик ўчоқларга синантроп деб номланган ҳайвонлар, яъни хонакилаштирилган, бироқ одамнинг яқинида – унинг уйлари ёки аҳоли пунктларида яшайдиган (каламушлар, уй сичқони, каптарлар, чумчуқлар ва х.к.) ҳайвонлар киритилиши мумкин.

Ёввойи ҳайвонлар орасида эпизоотия борлиги одам учун хавфли бўлган табиий ўчоқли инфекциялар мавжудлигидан далолат беради. Собиқ иттифоқнинг турли минтақалари ва Эрон ҳудудида ўзининг кўп сонли экспедицион тадқиқотларини жамлаб, шунингдек жаҳон фанидаги маълумотларни умумлаштириб, Е.Н.Павловский юқумли касалликларнинг табиий ўчоқлилик назариясини яратган. Бу таълимотга биноан касалликларнинг табиий ўчоқлари ўзлари яшашга мослашган турли-туман ҳайвонлар кемиравчилар ва ҳ.к. ўртасидаги тарихан шаклланган биоционотик ўзаро муносабатлар туфайли, муайян иқлимий ва ландшафт шароитларда касалликларнинг табиий ўчоқлари бўлган (ёввойи ҳайвонлар, жумладан қатор ҳолларда паррандалар, судралиб юрувчилар, ер-сувларда яшовчилар, балиқлар, моллюскалар, бўғимоёқлилар ва б.к.). Кўрсатиб ўтилган биоционотик ўзаро муносабатларга моҳиятан кўрсатиб ўтилган биоционотик алоқаларнинг таркибий қисмларидан бири бўлган ҳар хил паразитик турлар эволюция жараёнида мослашганлар.

Табиий ўчоқли касалликларнинг қўзғатувчилари тарқалишида синантроп (шаҳарда яшовчилар орасида, масалан, япон энцефалити ўчоқларини шакллантирадиган каптарлар, чумчуқлар) ва хонаки (қутуришда итлар) ҳайвонлар, иккиласмчи антропургик ўчоқлар ҳосил қилиши мумкин.

Ҳайвонлар орасида инфекцияларнинг қўзғатувчилари ягона тизим тўғрисидаги умумий қонунга биноан жойлашади – қўзғатувчининг организмда жойлашиши ва юқиш механизми, бироқ паразитнинг битта юқиш механизми ҳисобига мавжуд бўлишининг аксарият иложи йўқлигидан эпизоотик жараён бир неча юқиш механизмлари ҳисобига мавжуд бўлиши мумкин. Бу йиғиндида асосий механизм бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, бироқ, кузатувларнинг кўрсатишича, турли шароитларда асосий ва қўшимча механизмнинг аҳамияти ўзгариб туриши мумкин. Чунончи, туляремия табиий ўчоқларида шубҳасиз трансмиссив юқиш механизми (иксад каналар) ҳисобига мавжуд бўлади, бироқ баъзи бир конкрет шароитларда кемиравчилар ўртасидаги эпизоотик жараёнда қўзғатувчи озиқ-овқат ва сув йўли билан юқиши мумкин.

Одамга юқиш бир хил ҳолларда ҳайвонлар ўртасида табиий шароитларда шаклланган юқиш механизмига биноан амалга оширилганда, бошқаларида у – бошқа йўллар билан рўй бериши мумкин. Чунончи, ҳайвонлардаги куйдирги – бу типик ичак инфекцияси бўлса, кишилардаги куйдирги 98-99% ҳолларда тери шакли кўринишида ривожланади, яъни юқиши аксарият мулоқот йўл билан амалга ошади (ҳайвонларни парваришлар, ҳайвонлар териси, жуни ва б.к.лар билан ишлаш).


Баъзи зооноз инфекцияларда одам аксарият биологик тупик (охирги босқич) бўлиб қолади – паразитнинг кейинги яшашига имкон бўлмай қолади. Бу одамнинг инфекция манбаи сифатида рол ўйнамаслигини, яъни касаллик одамдан одамга юқмаслигини кўрсатади. Жамиятда иш шароитларида, яъни кишилар ўртасидаги мулоқот шароитларида ҳайвонот оламида юзага чиқадиган юқиш механизми рўёбга чиқа олмайди. Нихоят, одам организми

орқали пассаж қилинганда қўзғатувчи вирулентлигининг пасайиши мумкинлиги ҳақидаги фикр кейинги тадқиқотларни талаб этади.

Фақат жуда камдан-кам ҳолларда (9.3-расмда бу боғланган чизиқмас, балки узук-узук қўринишида тасвирланган) одам учун хавф аниқ бўлиб қолади. Бу бъзи бир тропик касалликларда (сариқ иситмада “шахарлар сариқ иситмаси” ва Денге касаллигига) рўй-рост қузатилган. Шунингдек, кишиларнинг Крим геморрагик иситмаси бўлган bemорлардан юқиш ҳоллари кузатилган (касаллик Қора ва Каспий денгизлар ўртасида жойлашган текисликларда, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятларида ва тоғолди жойларда рўйхатга олинган). Кон қуишлилар ва қон оқишилар эҳтимоли бўлган bemорлар қони ўзида вирус сақлади, шунинг учун bemорларни парвариш қилишда ва биринчи ёрдам кўрсатишда, шунингдек, ҳар хил муолажаларида атрофдагилар, хусусан тиббиёт ходимларига юқиши мумкин. Бироқ, бу эпизодлар қўзғатувчиларнинг табиатда сақланиб қолишини таъминлай олмаслиги шубҳасизdir.

Айтиб ўтилганидек, одам факультатив паразитлар юқсанда касалланиб қолиши мумкин, ушбу паразитлар учун асосий яшаш муҳити ташқи муҳит ҳисобланади. Бундай касалликлар сапронозлар деган унчалик лойиқ бўлмаган атама билан юритилади, у муайян узвий бўлмаган танловни акс эттиради, гарчи бу микроорганизмларнинг барчасига овқатланишнинг сапрофитлик усули хос бўлсада (улар тирик бўлмаган органик моддалар ҳисобига яшайдилар), бу белгини асос қилиб олиш унчалик тўлиқ бўлмайди, чунки иккита бошқа гурӯҳлар (антропонозлар, зоонозлар) асосий яшаш жойи бўйича аталган. Бундан ташқари, облигат паразитларнинг бир қанчаси овқатланишнинг сапрофитик усулига эга (кўпгина тери қопламлари ва ичак бўшлиғида яшовчилар).

Сапронозларда эпидемик жараён шаклланишини қуидаги чизма қўринишида тушунтириш мумкин (9.4-расм).



**9.4-расм. Сапронозларда эпидемик жараённинг шаклланиши**

9.4-расмда кўриниб турганидек, кишиларга касаллик қўзғатувчиси ташқи муҳитдан тушганида юқади (масалан, жароҳатга тупроқдан тушадиган газли гангрена ва қоқшол қўзғатувчилари), баъзан одамдан юқиш эҳтимол (стационарда ташқи муҳитда озод яшайдиган қўк йиринглатувчи таёқча чақирган авж олишлар рўйхатга олинади, улар тиббий муолажаларда асептика ва антисептика қоидаларининг бузилиши оқибатида bemорларнинг бир-бирига юқиши натижасидир).

Инфекцияларнинг учта гуруҳини тасвирлашни тамомлаш олдидан адабиётларда аксарият учраб турадиган терминологик узлуксизлик (кетма-кетлик) йўқлигини эслатиб ўтишимиз жоиз. Гап шундаки, зооноз инфекцияларни зооантропонозлар ёки ҳатто антропонозлар деб аташни таклиф қиласидилар, чунки бу касалликлар одам учун хавфли ва аҳоли улар билан касалланади (фақат ҳайвонлар инфекциялари, яъни чин зоонозлардан фарқли равища). Бироқ, эволюцион ёндашув гуруҳларни одамнинг тасодифий зарарланиш белгиси бўйича эмас, балки паразитик турнинг мавжудлигини ва сақланиб қолишини таъминлайдиган асосий хўжайнин бўйича аташни назарда тутади. Агар қиёсий фарқлаш учун тасодифий ҳодисалардан фойдаланилса, тутириқсизликкача бориш мумкин. Чунончи, масалан, тоунни сапрозоантропоноз деб номлашга тўғри келганда, замонавий қарашларга кўра тоун қўзғатувчиси бошқа иерсиниялар каби асосан ташқи муҳитда яшайди, яъни у, афтидан, облигат эмас, балки факультатив паразитларга киритилиши керак бўлади (батафсилоқ “Хусусий эпидемиология” бўлимига қаранг). Ёки, масалан, озиқ-овқат маҳсулотларида кўпайиш ва йиғилиш ҳисобига йирик овқат токсикоинфекцияларни чақириши мумкин бўлган сальмонеллалар зоосaproантропонозлар қўзғатувчилари қаторига киритилиши лозим эди. Бу қоидадан битта мустаснони ажратиш мумкин: қатор биогельминтлар учун (кенг тасмасимон гижжа ва айрим бошқалари) асосий хўжайнин кишилар ва ҳайвонлар (мушуклар ва б.) бўлиши мумкин, яъни паразит эволюцияси одам организмида ҳам, ҳайвонлар организмида ҳам мослашувчанликка олиб келган. Бошқача қилиб айтганда, афтидан, бу ҳақиқий зооантропонозлардир.

## **Назоратсаволлари:**

1. Эпидеми жараён нима.
2. Эпидемиологик текшириш усуллари.
3. Эпидемик жараённинг механизмлари.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Беляков В.Д., Яфаев Р.Х. Эпидемиология. Москва, 1989
2. Громашевский Л.В. Общая эпидемиология. Москва, 1965
3. Громашевский Л.В. Избранные труды. Киев, 1987
4. Даминов Т.О. ВИЧ инфекция. Ташкент, 2010
5. Елкин И.И. Эпидемиология. Москва, 1989
6. Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. Эпидемиология. Санкт-Петербург, 2006
7. Лысенко А.Я., Кондрашин А.В., Ежов М.Н. Маляриология. Копенгаген, 2003
8. Мусабаев И.К. Руководства по кишечным инфекциям. Ташкент, 1980
9. Мусабаев И.К., Мусабаев Э.И. Искусство, методы врачевания и дифференциальная диагностика инфекционных заболеваний. Ташкент, 1999
10. Ниязматов Б.И., Маткаримов Б.Д. Дифтерия. Ташкент, 2003
11. Покровский В.И., Брико Н.И. Руководство к практическим занятиям по эпидемиологии. Москва, 2005
12. Покровский В.И. Инфекционные болезни и Эпидемиология. Москва, 2008

## **Мавзу: Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини ташкиллаштириш масалалари.**

Бугунги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бу соҳада фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш масаласи нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ўйлантирумокда.

Бугунги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бу соҳада фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш масаласи нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ўйлантирумокда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунёда 2 млрд. (26 фоиз) инсон темир моддаси, А витамини каби одам организми учун ўта зарур бўлган органик микроэлементларни талаб даражасида истеъмол қилмайди. Шу туфайли 155 млн. бола (7 фоиз) ўсиш ва ривожланишда орқада қолаётганлиги, 52 млн. бола (2 фоиз) эса сурункали чарчашдан азият чекмоқда.

Мазкур ташкилот Европа минтақаси мамлакатларида ўлим ва ногиронликка сабаб бўлувчи 4 та асосий юқумсиз касалликни аниqlаган.

Булар - юрак-қон томир касалликлари, диабет, саратон касалликларидир. Сурункали касалликларнинг умумий юки 77 фоизни, бу эса эрта ўлимнинг қарийб 86 фоизини ташкил этмоқда. Хусусан, ҳозирги қунда дунёдаги 1,62 млрд. (21 фоиз) инсон организмида темир моддаси етишмаслиги оқибатида турли касалликка чалингани аниқланган. Ушбу касалликлар алоҳида гурухга ажратилиб, бу касалликларнинг келиб чиқиши камҳаракат қилиш, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда мазкур масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга сифатли тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш, оила саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Халқимизнинг соғлом турмуш тарзига, хусусан, миллатимиз тақдирига дахлдор долзарб масалалар юзасидан мамлакатимизда зарур чоралар кўрилиб, ушбу соҳадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам хуқуқий ва ташкилий механизмлари яратилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соғлом овқатланишини ташкил этишга қаратилган қатор норматив-хуқуқий хужжатлари қабул қилинди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳада муҳим хуқуқий асос бўлиб хизмат килмоқда.

Бироқ мамлакатимизда бу соҳада қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, муаммолар тўлиқ ҳал этилмаяпти. Аҳоли орасида ҳали ҳам овқатланиш рационига тўлиқ риоя қилмайдиганлар сони кўплигича қолмоқда.

Халқимиз овқатланиш рационида ёғ ва қанднинг улуши юқори бўлиб, микроэлементлар, айникса, йод ва темир моддаси танқислиги кузатилмоқда.

Юртимизда 18 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолининг 16,4 фоизида жисмоний фаолликнинг камлиги, 25 фоизи тамаки маҳсулотларини, 19 фоизи спиртли ичимликларни истеъмол қилиши ва соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслиги бу борадаги ҳолатни янада ёмонлаштируммоқда. Натижада, мамлакатимизда катта ёшдаги аҳолининг 50 фоизи ортиқча вазндан, 34 фоизи қон босими ошишидан азият чекмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари, бош мия қон айланиши фаолиятининг бузилиши, бўғин касалликлари ва бошқа бир қанча хасталикларнинг ривожланишига олиб келмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, 40 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолининг 34 фоизини қон айланиши тизими касалликлари ривожланиши билан ўн йилдан ортиқ вақт хасталангандар ташкил қиласиди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида саломатликни сақлаш хамда мустаҳкамлашда, кишиларнинг узоқ ва баҳтили умр кўришларида энг муҳим тадбир турмуш тарзи ва уни соғломлаштириш эканлиги ҳам илмий, ҳам амалий томондан исботланди.

Шундан бери соғлик ҳақида гап кетганда, кишиларнинг турмуш тарзини согломлаштириш тўғрисида кўп гапирилади. Ҳаттоқи, бу масала муҳим давлат хужжатлари, Президент фармон ва қонунларида ҳам уз аксини топган. Бу масалага бағишлиб қанчадан-қанча йиғилишлар, муҳокамалар ўтказилиб, мақолалар, эшиттиришлар, кўрсатувлар берилмокда. Лекин, соғлом турмуш тарзи

нима? Унга эришмоқ учун нима қилмок, керак, деган саволларни кўндаланг кўйисангиз, кўпчилик бу масалаларда умумий гапдан бошқа бирон-бир мантиқий

тушунчага эга эмаслар. Шунинг учун соғлом турмуш тарзи нима ва унга эришишнинг талаблари нимадан иборат, деган саволларга жавоб беришга харакат қиласиз. Соғлом ва узоқ умр куриш инсониятнинг азалий орзуси бўлганлигига шубха йўқ. Шу нуқтаи назардан ҳар кандай жамиятнинг олдида турган асосий вазифа инсониятнинг ана шу орзусини руёбга чиқаришдан, яъни кишилар соғлиги ва узок умр кўришлари учун шароит яратишдан иборат. Кишилик жамиятининг

турли даврларида соғлик масаласи турлича ҳал қилинган. Ижтимоий формациялар ривожлантан сайин соғлик хусусийликдан умумийликка, тор доирадаги гурухлар манфаатидан умуминсоний манфаатлар даражасига кўтарилиган. Лекин хамма даврларда ҳам соғлом турмуш тарзи соғликни сақлашнинг асосий талабларидан ҳисобланган. Хозирги замон соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги қарашлар ривожига назар ташлайдиган бўлсак тарихий маълумотлар 1832 йилга — Америкалик тиббиётчи Сильвестер Грехемга (1794—1851) бориб тақалади. Сильвестер Грехем христианликка кучли эътиқоди

бўлганлиги учун Англиядан Америкага қўчиб борган христианларга вегетарианлик бўйича маърузалар ўқиёди. Сабаби, христианликнинг баъзи удумларига кўра, ҳайвонлар гўштини, жумладан, тухумни ҳам истеъмол қилиш гуноҳ ҳисобланар эди. Ўша даврда Американинг Филадельфия штатида вабо касаллиги кенг тарқалиб, кўпчилик бу касалликдан ўлиб кетаётган эди. Грехем кузатиб қўрадики, унинг маслаҳати билан вегетарианликка риоя этаётганлардан ҳеч ким вабо билан оғримайди. Шунда у вегетарианча овқатланиш организмнинг ҳимоя кучларини оширади, деган қарорга келади ва бу фикрни кенг тарғибот, ташвиқот қилишни давом эттиради. Шу зайлда соғлик масаласида ноанъянавий фикрловчи кишилар, аниқроғи, тиббиётчилар кўпайиб, улар ичида соғлом турмуш тарзи соҳасида жаҳоншумул ишлар қилган фидойилар ва олимлар етишиб чиқадилар. Америкада — Говард Хей, Дженнингс, Трол, Тилден, Джексон,

Герберт Шелтон, Поль Брегг, Алиса Чейз, Японияда — Коцудзо Ниши, Жорж Озава, Имамура Мотоо, Германияда — Макс Герзон, Исроилда — Михаэл Горен, Россияда — Юрий Николаев, Александр Микулин, А.Н.Кокосов, Надежда Семенова ва бошқалар. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, соғлом турмуш тарзига утган кишиларнинг кўпчилиги ўзлари оғир дардларга дучор бўлиб, уларнинг айримлари расмий табобат томонидан даволаб бўлмаслиги тан олинган кишилар бўлганлар. Лекин, улар дард олдида тиз чўкиб ўтирмасдан, ўзларининг хаётлари учун ўзлари курашганлар. Масалан, Говард Хей — буйрак шамоллаши (гломерулонефрит), Поль Брегг — ўпка сили, Коцудзо Ниши — ичак сили, Макс Герзон — мигренъ,

Михаэль Горен — буйрак сили, Александр Микулин — юрак инфаркти, Надежда Семенова — полиартрит, Луиза Хей — бачадон раки билан оғриб, факатгина

турмуш тарзларини соғломлаштиришлари ҳисобига оғир дардлардан халос бўлганлар. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг кўпчилиги врач бўлмаганлар. Коцудзо Ниши — метрополитен инженери, Михаэл Горен — ботаник, Надежда Семенова — инженер технолог, Александр Микулин — авиаконструктор, Луиза

Хей — черков ходими булишган. Шу билан бирга, улар уз вақтида анча анъаналашиб бораётган, нуқул дорилар ва жарроҳлик усуллари билан даволашга

асосланган табобатга танқидий қараганлар. Соғликни сақлашни табиийликда, бадан хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турмуш тарзини ташкил этишда, деб билганлар. Улар ўзларининг бу соҳадаги фикрларини жаҳон жамоатчилигига етказиш мақсадида кучли ташкилотчилик ва тарғиботчилик ишларини хам олиб

борганлар. Соғлом турмуш тарзининг бу фидойилари фикр ва қарапшларини расмий табобатнинг энг номдор вакиллари, академиклар Юрий Лисицин, Николай Амосов, Федр Углов, Евгений Чазов, Г. И. Царегородцев, Галина Шаталова ва

шулар сингари кўпгина олимлар кўллаб-куватлаганлар Хамда уларнинг

таклифларини уз турмушларида куллаганлар. Академик Ю. Лисицин узок, йиллардаги илмий изланишлар ҳамда бу соҳадаги мавжуд фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, кишилар соғлиги 50—55% уларнинг турмуш тарзига, 20—25% ирсий омилларга, 15—20% атроф-муҳитга боғлиқ, тиббий хизмат эса кишилар соғли-гини атиги 8—10% гина таъминлай олиши мумкин, деган қарорга келади.

Демак биз қанчалик кўплаб касалхоналар қурсак ҳам, табобат ходимларини тайёрласак ҳам, дори ва тиббий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарсак ҳам, янги ва

янги даволаш усулларини табобат амалиётига татбиқ этсак ҳам, кишилар

соғлигини 8—10% дан ортиқ таъминлай олмас эканмиз. Бундан 5 минг йил мукаддам Миср табобатида соғлом турмуш тарзининг асосий талаблари баданни тозалаш, пархезга риоя қилиш, озодаликни таъминлаш, танани чиниқтириш

тарзида белгиланган. Гиппократ (эрэмиздан олдинги VI аср) ҳам асосан юқоридаги йўналишларни тасдиқлаб, уларни тўғри овқатланиш, жисмоний

фаоллик ва гигиена деб, уларни бироз умумлаштирган. Кейинги кўпгина қарапшлар асосан юқоридаги йўналишлар асосида бўлиб, улар анча кенгайтириб,

тўлдирилган. Чунончи, буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино Гиппократ қарапшларини тўла куллаб-куватлаган ҳолда юқоридагиларга ички тозаланиш ва рухий осойишталиқ, қоматнинг мутаносиблигини сақлаш, кийиниш гигиенаси,

хавонинг тозалиги ҳамда мутьадил уйку ва дам олишни таъминлаш каби талабларини ҳам киритган. Бу масалада, айниқса Поль Бреггнинг дастур ва ғоялари таҳсинга лойиқ. У соғлом турмуш тарзини қуёш нурларидан туғри фойдаланиш, соғ ҳаво, тоза ичимлик суви, табиий овқатлар, вақти-вақти билан очлик ўтказиш ва тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, яхши дам, қоматнинг расолигини таъминлаш ва онгли, мулоҳазали бўлиш кабилардан иборат деса, Кеннет Купер уни маълум бир ритмга бўйсундирилган мусиқага жўр булиб, ракс машқдаридан иборат деб таклиф қиласди. Купер бу харакатни «аэробика» деб атайди. «Аэробика» сузи ўзбек тилида баданни ҳаволатиш, яъни ички аъзоларга кислород етказиб бериш, деган маънени англатади. Аэробика ҳаракати ҳам соғлом турмуш тарзи сифатида анча кенг тарқалган. Шунингдек, бошқа

Америкалик олимлар Беллок ҳамда Бреслоулар саломатликни мустахкамловчи тадбир сифатида куйидагиларни таклиф қиласылар: ҳар куни 7—8 соатлик уйқу; аниқ бир вақттарда кунига 3 маротаба овқатланиш; ҳар куни эрталабки нонушта; вазнни меъерида сақлаш; спиртли ичимликларни күп истеъмол қиласылар; ҳар куни жисмоний машқлар билан шуғулланиш; чекишдан бутунлай воз кечиш. Руслолими В. П. Петренконинг соғлом турмуш тарзи бўйича фикрлари

куйидагилардан иборат: шахсий гигиена; меҳнат қилиш ва дам олиш режими;

жисмоний фаоллик ва чиникиш; тўғри овқатланиш; руҳий гигиена, руҳий профилактика; атроф-муҳит ва саломатлик; ўз-ўзини даволаш ва унинг зарари; ичкиликтозлиларни саломатлик; гиёхваидлик ва токсикомания; жинсий тарбия ва шахвоний саломатлик; ОИТС ва унинг олдини олиш. Энди соғлом турмуш тарзи бўйича иш олиб бораётган расмий ташкилотларнинг дастурларини куриб чиқамиз. Халқаро эксперт Джун Сандерснинг келтириши бўйича, Жаҳон

Соғликни Сақлаш Ташкилоти соғлом турмуш тарзининг йўналишларини куйидагича белгилаган: овқатланиш; кашандаликка чек кўйиш; фаол турмуш тарзи; руҳий саломатлик; тоза сув; атмосферанинг ифлосланмаслиги; самарали санитария; шахсий санитария; овқатни гигиеник тайёрлаш; сарик касаллигининг олдини олиш; сил касаллигининг олдини олиш; уз жонига қасд қилишга йул кўймасылар; ОИТСнинг олдини олиш; ирсий маслаҳатлар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш лойиҳаси, Кирғизистон Республикаси Маориф, Фан, Маданият ва Соғликни сақлаш вазирликлари буюртмаси билан Б. М. Шапиро, Н. Башмакова ва Г. У. Курмановалар томонидан мактаб ўқувчиларига мўлжалланган

«Соғлом турмуш тарзи» дарслик-қўлланмада асосий мавзулар куйидагича белгиланган: ўз-ўзини ҳурмат қилиш; кун тартиби; овқатланиш; жисмоний чиникиш; соғлом муносабатлар; заарли одатлар (тамаки, алкоголизм, наша, афюн); жинсий тизим; ҳомиладорлик, оилани режалаштириш; таносил касалликлари; ҳавфсиз жинсий муомала ва ҳоказо. Қозогистон Республикаси

Соғликни сақлаш вазирлиги ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммолари бўйича миллий марказ томонидан таклиф этилган «Касалликларнинг олдини олиш ва саломатликни мустахкамлаш бўйича аҳоли билиши лозим булган

билимлар мезони (стандарти (буни соғлом турмуш тарзининг асосий йуналишлари деса ҳам бўлади) аҳоли қуйидаги йўналишлар бўйича билимга эга

бўлишлари керак, деб ҳисобланади: гиёхванд моддалар истеъмол қилишнинг олдини олиш; жинсий йўл билан тарқаладиган юқумли касалликларнинг олдини олиш; ОИТС нинг олдин олиш; презервативдан фойдаланиш тартиблари;

репродуктив саломатлик, оилани режалаштириш; силнинг олдини олиш; нафас йўлларининг ўткир юқумли вирусли касалликларнинг олдини олиш; вирусли гепатитларнинг олдини олиш; ўткир юқумли ичак касалликларнинг олдини олиш; соғлом овқатланиш; жароҳатланишнинг олдини олиш. Юқоридагилардан

кўриниб турибдики, бу ерда ҳам баъзи мавзулар касалликларни келтириб чиқарувчи омилларга эмас, балки касалликларнинг ўзларига каратилган. (ОИТС,

сил, юқумли гепатит, юқумли ошқозон-ичак, нафас йўллари ҳамда таносил касалликлари ва ҳоказо) Соғлом турмуш тарзининг йўналишларини аниқлашда биз касалликларга қараб эмас, балки инсониятнинг эволюцион тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, унинг организми ва айрим тизимларининг фаолиятини

таъминловчи омилларга қараб белгилаш керак, деб хисоблаймиз. Сабаби, инсониятнинг тараққиёт йўлини ўрганиш бизга шу бугунги кундаги турмушимизни тўғри ташкил этишда ёрдам беради. Инсониятнинг тараққиёт йўли эса эволюцион

характерга эга. Бунинг учун эволюцион жараённинг қуйидаги иккита муҳим босқичини киска мулҳаза қилишга тўғри келади. Ҳаёт эволюцияси. Асосий мавзуга ўтишдан олдин ерда ҳаётнинг пайдо бўлиш жараёни ҳакида тўхталиб

ўтишга тўғри келади. Бу ҳақдаги карашлар ҳар бир даврнинг тараққиёт даражасига кура турлича бўлган. Лекин бу масалада эволюцион, яъни тирик организмларнинг вақт ўзгариши натижасида оддийдан мураккабликка томон ўзгариб, ривожланиб бориши тўғрисидаги таълимот ҳақиқатга яқинроқ. Кўпгина олимларнинг эътироф этишларича, бундан 4,5—7 миллиард йиллар олдин қуёш тизимида чанг, буғ ва шулар каби жисмларнинг бир марказга тўпланишидан ер пайдо бўлган. Даствори ҳарорати жуда баланд булган. Аста-секин совуш жараёнида оғир элементлар сайёрамизнинг марказига, енгиллари эса унинг атрофларига жойлаша бошлаган. Чунончи, чангдан — ер, сув, буғлардан — денгиз, океанлар пайдо булган. Шу зайлда ернинг қуёш тизимида шаклланиши 2,5—3,5 миллиард йиллар чамаси давом этган. Шундай қилиб, миллион йиллар давом этган ўзгаришлар натижасида кимёвий моддалар аста-секин мураккаблашиб борган. Оқсиллар ва нуклеин кислоталар қуюқ желатинсимон эритмалар ҳосил қилиб, концервантлар деб аталувчи бирикмаларни ҳосил қилган. Бу концервантлар ҳар хил моддаларни ўзига бириктириш хусусиятига эга бўлган.

Кейинчалик уларда модда алмашинувига ўхшаган тирик организмларга хос хусусиятлар пайдо бўлган. Ташқи мухит билан модда алмашиниш хусусиятига эга бўлган бу мураккаб модда — концервантларни бирламчи хужайралар, деб аташ мумкин. Ана шу бирламчи хужайрани барча тирик мавжудотнинг, жумладан, одамнинг ҳам аввалбоши, хамиртуриши, дейиш мумкин. Барча тирик мавжудот, жумладан, одам бадани ҳам хужайралардан ташкил топган. Масалан, ўртача оғирлиқдаги одамнинг танаси 75—80 млрд хужайрадан иборат. Даствори барча ҳаётий жараёнлар аноэроб (хавосиз) шароитда кечган. Чунки ер атмосфераси таркибида ҳали эркин кислород бўлмаган. Ердаги даствори ҳаётнинг вакили — бу сув ўтлари бўлган ва шу зайлда оддий жонзоддарнинг яшаси ва купайишига шароит яратилган. Бу тахминан 3 миллиард йиллар олдинги аҳвол.

Усимликларнинг сув мухитидан куруқлиқда яшашга ўтиши, спора билан кўпайищдан уруғдан қўпайишига ўтиши, ёпиқ уруғлиларнинг келиб чиқиши, умуртқали ҳайвонларда нерв системаси, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш, нафас аъзоларининг мураккаблаша бориши, балиқлар, сувда ҳам куруқлиқда ҳам яшовчилар, судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар синфларининг келиб чиқиши — булар тирик олам тараққиёти (эволюцияси)нинг муҳим босқичларидир. Ушбу эволюцион жараённинг барча босқичларига мослашиб ва такомиллашиб бориши ётади.

Одам эволюцияси. Миллион йиллик эволюцион жараённинг энг ноёб ва бебаҳо махсули — ақл-идрокли одам бўлиб, кейинчалик у жамият тараққиётини белгиловчи ҳамда харакатга келтирувчи асосий куч бўлди. Бизнинг шу бугунги турмушимиз аслида ўтмиш аждодлар турмушининг бевосита давоми хисобланади. Маълумки, организмлар эволюциясидаги асосий омиллардан бири

вақт ҳисобланади. Шунинг учун инсониятнинг тараққиёт жараёни даврини кўз олдига келтириш фойдадан холи бўлмайди. Кўпгина археологик маълумотларга қараганда, Африка одами бундан 4—4,5 миллион йил илгари дунёга келган. Индонезия одамининг дунёга келганига 1,5—2 млн йил, бизнинг ўтмиш авлодимиз — Турон одамининг пайдо бўлганига эса 700—800 минг йил бўлган. Лекин бу одам Африкадан Ўрта Осиёга келган, деб тахмин қилинади. Қандай бўлганда ҳам бизнинг ўтмишдошимиз босиб ўтган тараққиёт йўли камида 4.млн йилни ташкил этади. Аслида ибтидоий одам аждоддарининг одамсимон маймунлар тўдасидан ажралиб, мустақил биологик тур хосил қилганига 25 млн йил бўлган, деб тахмин қилинади. Хозирги кунда бизга маълум бўлган тарихий маълумотларга қараганда, маданиятимиз тарихи ва биринчи давлатнинг пайдо бўлганига узоди билан 7—8 минг йил бўлган. Кишилик жамиятининг биринчи илғор фикрли вакиллари Мусо, Зардушт, Лукмон, Гиппократ, Фалесларнинг ўттанига 3300—2500 йил бўлган. Бу муддат биз юқорида солиштирганимиз 40000 метрлик хаёт чизигини атига 33—25 метрини ташкил этади, холос. Ибтидоий одам билан хозирги замон одами баданининг анатомик тузилиши, физиологик, биологик қонуниятларида деярлик ўзгариш бўлмаган. Чунончи, немис олими Фриедхард Клике: «Тош қуроллар билан ер кавлаб, ов қилган одамнинг мия тузилиши ва катталиги билан кейинчалик самолёт ва мачитлар лойихасини чизган, математика усуллари билан ер ўлчамларини ҳисоблаб, хозирги моддий ва маънавий маданиятни бунёд этган одам мияси ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ», — дейди. Соғлом турмуш тарзининг ҳаётийлигини таъминловчи асосий омиллар.

Соғлом турмуш тарзи ҳам худди шундай яхлит тушунча. Шунинг учун ҳам соғлом турмуш тарзи нима? — деган саволга жавоб бериш унчалик осон иш эмас. Бунинг учун эса, энг аввало, бизнинг кундалик турмушимизни ташкил қиласиган,

унинг ҳаётийлигини таъминловчи асосий омилларни билишимиз ва уларни маълум бир тартибда жойлаштиришимиз керак бўлади. Буларнинг эса асосийлари қуидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз. Овқатланиш омили. Овқатланиш ҳаёт учун кураш шаклларидан бири сифатида жамики жонзоднинг олдида турган асосий масала ҳисобланади. Инсон ҳам бундан истисно эмас. Ибтидоий одамнинг кундалик ташвиши ва асосий мақсади овқат топиш ва қорнини тўйғазиш бўлгани аниқ. Маълумотларга қараганда, уларнинг овқатланишдаги асосий машғулоти термачилик бўлган. Яъни улар иссиқ иқлимли шароитларда, ўрмонларда, тоғ ёнбағирларида, воҳа ва водийларда ўсадиган дарахтларнинг меваларини, илдизларини териб еб кун кечирганлар. Асосий истеъмол қиласиган овқатига

кура ибтидоий одам меваҳўр бўлган. Шубҳасиз, ибтидоий одам овқат махсулотларини ғамлашни билмаган, қорни очганда эса овқат излаб, топилганда қорни тўйгунича еган. Овқат топиш қийин ва мاشақкатли бўлгани учун уни бир неча кунлаб оч юрганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай вақтларда у баданининг ички имкониятлари ҳисобига яшаган. Ва ниҳоят, инсоният нотўғри овқатланиш ва касалликлар ўртасида боғликларни англаб етди. Буни қадимги дунёning Зардушт, Лукмон, Гиппократ каби кўпгина мутафаккирларнинг асарларидан билиш мумкин. Ана шу даврдан бошлаб, овқатликларнинг таркибий мутаносиблиги, энергия мувозанати, микроблар, овқатланиш режими ва тартиби ҳақида илмий қарашлар пайдо бўла бошлиди. Овқатланиш ҳакидаги фан —

диетология шаклланди. Хозирги кунга келиб эса, нотўғри овқатланиш кишилар ўртасида учраётган ошкозон ва ичаклар, юрак ва қон томирлари, ички секреция безлари ҳамда бўғимлар, модда алмашинувининг бузилиши, шунингдек, рак каби касалликларнинг асосий сабабчиси эканлиги илмий равишда исботланди. Ҳатто

Жаҳон Соғликни Сақлаш Ташкилотининг эксперлари П. Ревел ҳамда Ч.

Ревеллар, «Кишилар ўртасида учраётган касалликларнинг 80 фоизи нотўғри овқатланишдан», деган фикрни илгари сурадилар. Шунинг учун ҳам бугунги

кунда овқатланишни туғри ташкил этиш, инсон кундалик турмушининг энг асосий талабларидан бири ва буни соғлом турмуш тарзини ташкил этишда ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ҳаракат омиллари. Ибтидоий одамнинг овқатлик топиш ва корин тўйғазиш зарурати уни ҳаракат килишга, узоқ юришга, югуришга,

даражатларга чиқиб, тоғларга тирмашишга, сув кечиб, қирлардан ошишга, ҳайвонлар билан олишишга мажбур қилган. Ҳар бир луқма овқатлик учун баъзан кунлаб ҳаракат қилишга туғри келган. Фақатгина овқатлик топиш учунгина эмас,

балки йиртқич ҳайвонлардан қочиши, жон сақлаш учун ҳам у кўп югуриши,

ҳаракат қилиши керак бўлган. Кейинчалик унинг бу ҳаракати меҳнат билан алмашган. Ҳудди ана шу турмуш машаққати унинг баданидаги модда алмашиниши

жараёнини тартибга келтирган, ички аъзолар фаолиятини яхшилаган, хужайраларни ва охир оқибатда бутун вужудини модда алмашиниши натижасида

хосил бўлган оралиқ маҳсулотлардан тозалашга, бўлимлар ҳаракатчанлигини таъминлашга, чидамлилик, деган ниҳоятда муҳим бир таянч тизимини вужудга келишига хизмат қилган. Демак, инсоният учун ҳаракат ва унинг турларини ўзининг кундалик турмушига онгли равиша киритиш зарурати пайдо бўлди. Шу

билан бирга, гигиена фани хulosалари бадан мунтазам равиша парваришига мухтож эканлигини ва уни тўғри парвариш қилиш умрни узайтириш билан

бевосита алоқадорлигини ҳам исботлади. Шу нуктаи назардан Ҳаракат ва бадантарбия саломатлик йўлидаги муҳим омил бўлиб, соғлом турмуш тарзининг асосий талабларидан бири бўлиб қолади. Биоритмик омиллар. Инсоннинг

эволюцион ривожланиш жараёнида унинг танаси такомиллашувига,

ҳаётлигини таъминлашга олиб келган яна бир асосий омил бу табиатдаги даврийлик, бетартиблиқ қонунияти. Кеча ва кундуз, йил фаслларининг деярли бир вақтда тақрорланиб туриши, кун, ҳафта, ой, йил давомидаги биологик фаоллик ҳамда сусайишларнинг даврий ўзгаришлари, коинотдаги планеталар жойлашуви

ва айланиши, буюк ёритқич — қуёшнинг ерга нисбатан ўзгариши, магнит майдони ва шу кабилар ердаги жамики жонзод, жумладан, одам баданида ҳам маълум қонуниятларни шакллантирган. Шунингдек, баданимиздаги фаоллик ва сустликнинг ўзгаришлари ҳафта, ой, йил давомида ҳам содир бўлади ва бу ҳодиса биоритмик ҳодисалар, деб юритилади. Олимларнинг таъкидлашларига қараганда, киши баданидаги бундай биоритмик ҳодисалар 300тадан ҳам ортиқроқни ташкил қиласар экан. Шуни яхши англаш лозимки, биоритмлар инсон бадани ва унинг аъзо ҳамда тўқималарини табиат ҳодисаларига мое равиша яшашини таъминлашдан келиб чиқадиган ниҳоятда мураккаб химоя жараё- нининг натижасидир. Шунинг учун ҳам турмуш тарзимизни табиатдаги ритмик ўзгаришларга мослаб ташкил этиш соғлом турмуш тарзининг яна бир муҳим талабларидан ҳисобланади.

Жинсий, ирсий ва оиласвий омиллар. Ҳаётнинг давом этиши насл қолдириш ва

купайиш билан боғлиқ,. Бу биологик ҳодисанинг асосида жинсий муносабат ётади. Инсондан бошқа барча тирик мавжудотда жинсий муомала насл қолдиришнинг асосий талаби хисобланади. Инсонда бу муомала насл қолдириш билан бир қаторда, унинг ҳаёт лаззатини хам таъминлаган. Шунинг учун кишилик жамияти ўзининг узоқ тараққиёти давомида бу масалани оила шаклида қонунлаштирган. Оила эса инсон ҳаётининг асосий талаби бўлиш билан бирга, унинг зурриётлари — фарзандлар дунёга келиб, вояга етиб тарбияланадиган асосий маскан. Лекин оилани ташкил этишда баъзан миллий, ижтимоий, иқтисодий омиллар таъсирида яқин қариндошлардан оила қуриш, келин ва куёв қон гурухларининг мое келмаслиги, оилавий ҳаётга лаёкатсиз ёшларнинг бошини қушиб қўйиш ва шулар каби ирсият қонунларига зид ҳара- катлар насл-насабнинг бузилиб боришига, келгуси авлодлар иқтидорининг пасайишига, касалванд, майиб-мажрух фарзандларнинг туғилишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун бу соҳадаги асосий талаб жинсий жуфт танлашдан тортиб, жинсий аъзолар гигиенасигача, жинсий муносабатлардан тортиб, соғлом оилавий муносабатларгача ўз ичига олади. Ўзаро муносабат омиллари. Инсоният ўз тараккиёти даврида фақатгина биологик мавжудот сифатидагина эмас, балки у ижтимоий маҳсулот сифатида ҳам шаклланди. Ўзаро муносабатларни шартли равиша бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иккита қисмга бўлиш мумкин. Булар оиланинг шаклланиши ва такомиллашуви натижасида вужудга келган оилавий муносабатлар ҳамда жамиятнинг шаклланиши ва такомиллашуви натижасида вужудга келган ижтимоий муносабатлар. Буларнинг ҳар иккалasi ҳам инсон саломатлигига таъсир қилувчи энг катта ва кучли омиллар. У, энг аввало, кишининг руҳиятига таъсир этади. Руҳият эса саломатлик билан бевосита алоқадор. Кишининг руҳияти юқори бўлганда томирлардаги қоннинг ҳаракати, ички аъзоларнинг фаолияти, хужайралардаги модда алма- шиниш каби ҳаётий жараёнлар яхши кечади. Кайфият яхши, ишchanлик юқори булади. Аксинча, руҳий тушкунлик пайтида ички аъзолар ва хужайралардаги ҳаётий жараёнлар сусаяди. Киши кайфиятсиз, воқеа ва ҳодисаларга бефарқ ишга қўли бормайдиган бўлади. Бундай ҳолнинг сурункали давом этиши, касалликларга олиб келади. Демак, бу соҳада олдимизда турган вазифа ўзаро муносабатларни инсон фойдасига ҳал қилиш, хусусан, муомала маданиятини юксалтириш, руҳиятга салбий таъсир этувчи тартиб ва одатларга барҳам беришгacha бўлган ижтимоий ва шахсий тадбирларни уз ичига олади. Орттирилган заарли одатлар омиллари. Тарихий маълумотлар заарли одатларни инсониятнинг азалий хамроҳи бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга яна бир нарса аниқки, кишилик жамияти ривожланган сайин бу заарли одатлар унинг турмушидан қупроқ ўрин ола бошлаган. Пул, бойлик, мол-дунёга хирс кўйган, шайтоннинг измига тушган корчалонлар жамиятни гиёхвандлик, деган ҳавфли жарликка томон етакламоқдалар. Буларнинг оқибатлари эса касалликлар ва насл-насабнинг бузилиши билан боғлиқ шахсий ҳамда оилавий муаммолардан тортиб, жиноятлар, ўзаро муносабатларнинг мураккаблашуви билан боғлиқ ижтимоий муаммолардан иборат. Шунинг учун хозирги кунда бизнинг соғлик йўлидаги ҳаракатимиз ана шу заарли одатларни турмушимиздан буткул чиқариб ташлашга, уларга қарши курашга қаратилган булиши керак. Бу соғлом турмуш тарзининг биринчи галдаги

талаби. Атроф-мухитнинг ифлосланиши билан боғлик, омиллар. Одамларнинг тўда, қабила ва уруғларга бирлашиши уларни қисман кичкина ҳудудларда тўпланиб яшашига олиб келди. Кўпчиликни тўпланиб яшаши эса, улар яшаган жойларнинг ифлосланишига сабаб бўлиши турган гап. Ибтидоий одам ҳам, онгли ва ақл идрокли одам ҳам бу муаммони яшаш ҳудулларини тез-тез ўзгартириш йўли билан ҳал қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳар холда улар кундалик турмушларида ҳосил бўладиган физиологик ва хўйжалик чиқитлари хавфсизлигини таъминлашни ўргангунга қадар узоқ тараққиёт жараёнини бошдан кечирганлар. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши эса, бу муаммони анча чуқурлаштирган. Худди ана шу жараён кўпчилик аҳолининг нисбатан кичкина ҳудудларда тўпланиб яшаши ҳамда уларнинг турмушларида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши оқибатида аҳоли орасида ҳар хил юқумли қасалликлар эпидемия тарзида тарқалиб, улар орасида қасалликлар ва ўлимга сабабчи бўлганлигини биз тарихдан яхши биламиз. Кўриниб турибдики, бу муаммоларни ҳал қилиш учун санитария ва гигиенадан саводхон бўлиш, яъни тозалик ҳамда тозаланиш тадбирларига риоя қилишни соғлом турмуш тарзининг асосий талабларидан бири, деб биламиз. Техника ва турмуш тараққиёти омиллари. Археологларнинг таъкидлашларича, бундан 50—100 минг йил олдин яшаган одамларнинг катта кўпчилиги BOSS ёшгача жиддий шикастланишлар (кўпинча суяқ синишлар) олганлар ва бу ҳол улар ўртасидаги ўлимнинг асосий сабабчиси бўлган. Буни тасаввур қипиш осон. Бу шикастланишларнинг асосий сабабчиси ёввойи ҳайвонларни овлаш ёки йиртқичларга рўбарў келиш бўлган. Булар орасида тоғ қояларидан, дарахтлардан йиқилиш, сув тошқинларида қолиб кетиш, об-ҳаво ноқулайликларининг бўлиши ҳам турган гап. Агарда ҳозирги кундаги кишилар ўртасидаги ўлим ва ногиронлик сабабларини чуқур ўрганадиган бўлсан, бу муаммони ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигини, жароҳатланиш ва бахтсиз ходисалар кишилар соғлигига жиддий хавф колаётганлигини англаш қийин эмас. Жаҳон Соғликни Сақлаш ташкилотининг (2004 йил) илмий хulosаларига қараганда, йўл транспорт ходисаларининг ўзи кишиларга ўлим хавфи бўйича давримизнинг ўта хавфли қасалликлари ОИТС, диарея ва силдан ҳам юқорида — 7-ўринда турари ҳамда муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Тараққиётнинг нохуш оқибатларидан кутулиш ва унинг хавфини камайтириш учун инсон ҳар доим эҳтиёткорликни қўлдан бермаслиги, мавжуд техника ва механизмлардан ҳамда турмуш воситаларидан хавфсиз фойдаланиш усусларини ўзлаштириб олишлари лозим бўлади. Бу ҳам турмуш тарзимизнинг муҳим томони. Соғлик масаласида онгизлиқ, саводсизлик ва малакасизлик омиллари Бир қарашда соғлом турмуш тарзининг асосий талаблари аниқланиб, масала ҳал бўлгандек қўринади. Лекин бу соҳадаги энг муҳим талаб ҳали олдимиизда турибди. Бу талаб, ҳар бир кишининг юқорида биз санаб ўтган йўналишларнинг ҳар бири соҳасида кенг билим ва тушунчага эга бўлиши ва бу билимларни ўзларининг кундалик турмушларида кўллашдан иборат. Агарда юқоридаги соҳаларда ҳар биримизда билим ва тажриба бўлмаса, биз деярли ҳеч нарсани ўзгартира олмаймиз. Киши бадани соғлиги ва уни мустахкамлаш — соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги билим ҳамда малакасизлик ҳам худди шундай. Фақат шу соҳадаги онгизлигимиз, уқувсизлигимиз туфайли

күпчилик вақтларда бошимиз касалдан, танамиз азобдан чиқмай қолади. Айрим ҳолларда азиз умримизни барбод қиласыз. Ўтмишда одамлар узоқ умр күрганлар, хозирги тараққиёт кишиларнинг умрини қисқартияпти, деган гаплар мутлақо

асоссиз. Аксинча, тараққиёт инсонга күпроқ соғлом ва узоқ умр күриш имкониятини беряпти. Бунинг асосий сабаби инсонни табиатнинг ва жамиятнинг ноқулай омилларидан ҳимояланишни ўрганиб бориши ва ўз соғлигини сақлаш борасидаги маълумот ҳамда малаканинг шаклланаётганлигидир. Тараққиётнинг ушбу қонуний жараёнига асосланиб, ҳам иккиланмасдан айтиш мумкинки, XXI аср кишиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш асири бўлади ва бу асрнинг ўрталаридан бошлаб, кишилар камида ўртacha 90—100 йил умр кўрадилар.

Шунинг учун ҳар бир кишининг ўз баданини парвариши ҳакида билим ва малакага эга бўлиши ҳамда буни ўзининг кундалик турмушида қўллаши энг муҳим талаб. Бусиз соғлик ва узоқ умр күриш тўғрисида бирор бир натижага эришиш умуман мумкин эмас. Холоса. Энди биз фикримизни хулосалаш, соғлом турмуш тарзи йўналишларини белгилаш имкониятига эгамиз. Юқоридаги биологик ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда соғлом турмуш тарзининг йўналишларини қўйидагича белгилаш мумкин. Тўғри ва рационал овқатланиш.

Ҳаракатли турмуш ва бадантарбия. Кун ва иш режимини биоритмик қонуниятлар асосида ташкил этиш. Жинсий, ирсий тарбия ва соғлом оила. Узаро муносабатларни меъёrlаштириш. Заарали одатлардан тийилиш. Тозалик ва тозаланиш тадбирларига риоя қилиш. Баҳтсиз ҳодисалар ва жароҳатланишлардан эҳтиёткорлик. Соғлом турмуш тарзи ҳақида билим ва малакага эга бўлиш.

Шубҳасиз, бу йўналишлар умумий характерга эга бўлиб, улар соғлом турмуш тарзи йўлидаги ҳаракат дастурини белгилайди, холос. Аслида ҳар бир киши шу йўналишларнинг ҳар бири бўйича анчагина билим ва малакага эга бўлиши керак.

Масалан: овқатланиш соҳасида; овқатмаҳсулотларнинг таркиби — оқсиллар,

ёғлар, углеводлар, минерал тузлар, микроэлементлар, витаминаларнинг организмдаги вазифалари, ошқозон ва ичаклар тизимишининг физиологияси, организмдаги модда алмашиниш жараёнлари, овқатликлар ҳамда касалликлар ўртасидаги боғланишлар, йил фасллари, кишининг ёши, бажарадиган иши,

баданининг хусусиятлари ва ҳолатлари, ниҳоят, кундалик, ҳафталик овқатланишни ташкил этиш каби масалаларда тушунчага эга бўлиши керак. Худди шунингдек, соғлом турмуш тарзининг биз юқорида келтирган ҳар бир йўналиши бўйича анчагина маълумотли бўлишга ва бу билимларни кундалик турмушда қўллашга тўғри келади. Ҳар бир киши бундай билимларни мустақил олишга, уларни кенгайтириб боришга ҳаракат қилиши керак. Шундай қилиб, юқорида келтирилган эволюцион омилларга асосланиб, соғлом турмуш тарзини қуйидагича таърифлаш мумкин. Соғлом турмуш тарзи, бу - кундалик турмушни биологик ва ижтимоий қонунлар асосида ташкил этиб, саломатликни сақлаш ҳамда мустахкамлашга қаратилган турмуш тарзидир.

## **Мавзу: Давлат санитария назоратини ташкиллаштириш масалалари.**

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасида давлат-эпидемиологик назорат Республика маркази , вилоятларда эса вилоят марказлари, Тошкент шаҳрида-санитар-эпидемиологик назорат шаҳар маркази, республиканинг бошқа туман шаҳарларида туман санитар-эпидимеологик марказларида шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.03.2007 йилдаги №148 бўйруғига асосан санитар назоратни кўчайтириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Госсанэпидназорат Республика Маркази (кейинчалик матнда-ГСЭНРМ), Қорақалпоғистон Республикаси ГСЭНРМ, вилоят ГСЭНРМ, шунингдек Тошкент ГСЭНРМ ва бошқа шаҳар ва туман ГСЭНРМларида даволаш-профилактик муассасаларни назорат қилиш бўлимлари ташкил этилган.

Даволаш-профилактик муассасаларнинг давлат санитар-назорат чора-тадбирлари қўйидаги шаклда ўтказилади:

мониторинг;

режали текширув;

назорат текшируви;

Эпидемик назорат текшируви.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитар назорати ҳақида” ги Конунининг 7 бандида давлат идоралари, корхоналари, муассасалар ва бирлашмалари мулкчилик шаклидан ва шахсидан қаътий назар қўйидагилар мажбурдирлар:

Белгиланган тартибда тасдиқланган санитар нормалар, қоидалар ва гигиеник тартибларга риоя қилиш;

Идораларга, муассасаларга, мансабдор шахсларга давлат санитар назоратини, юз берган авариялар тўғрисидаги холис маълумотлар, санитар-эпидемик, радицион шароитлар тўғрисида ахборотлар бериш.

Мулкчилик шаклидан қаътий назар барча стационарлардаги санитар-гигиеник ва эпидемик режим Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирининг 29.12.2007 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги даволаш-профилактик муассасалардаги санитар-гигиеник. Эпидемияга қарши ва дезинфекцион режимдаги назоратлар ҳақида” ги №600, 2007 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ билан боғлиқ профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкиллаштири тўғрисида”ги №480, шунингдек СанПиннинг “даволаш-профилактик муассасаларнинг санитар нормалари. Қоидалари, лойиҳалаштириш, куриш ва улардан фойдаланиш” № 0231-07, “ Нодавлат секторлардаги даволаш- профилактик муассасаларни

лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш санитар меъёрлари ва қоидалари” тўғрисидаги № 0253-08 бўйруқлари ва бошқалар асосида тартибга солинади.

### **Ўқув-профилактик муассасаларни текшириш.**

Давлат секторларининг ўқув-профилактик муассасаларда ( кейинчалик-ДПМ) режали текширувлар ва режадан ташқаридаги эпед ва бошқа кўрсаткичлар бўйича назорат олиб борилади.

Эпидемик моҳиятдаги даволаш-профилактик муассасалардаги (булар биринчи навбатда хирургик, акушер-гинекологик профилдаги стационарлар, стерилизация марказлаштирилган бўлимлар, қон қуийш вилоят марказлари, қон қуийш бўйича вилоят ва туман станциялари, ДПМ овқатланиш бўлимлари ва бошқалар) режали текширувлар амбулатор-поликникаларда ҳар кварталда, стационар терапевтик профилдаги стационарлар ҳар 6 ойда амалга оширилади.

70% дан кам бўлмаган текширувлар лаборатория-инструментал услуб текширувлари қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Қоида бўйича, ДПМ даги текширувлар комплекс тарзда амалга оширилиб, улар санитар врачлар билан бирга санитар врачлар, бактериологлар ва бошқа манфаатдор мутахассислар билан олиб борилади.

Даволаш-профилактик муассасалар тақвим йилининг бошланишида санитар гигиеник тадбирлар, эпидемияга қарши ва дизенфекция режими масалалари бўйича генерал акт тузадилар. Акт икки намунада амалга оирилиб, улардан бири ДПМ да қолса, иккинчиси РСЭНМ да қолади.

ДПМ даги текширув учун асос РСЭНМ раҳбарларининг бўйруқлари бўлиб, уларда унинг тури, қўлами ва назорат муддати кўрсатилади. Текшириш бошланишидан олдин текширувчи ДПМ раҳбарини буйруқ билан таништириб ўз гувоҳномасини кўрсатиш билан ўз фаолиятини бошлайди.

ДПМ нинг раҳбари текширувчини айнан ўзи кузатади ёки унга мажбурий тарзда ҳамроҳ ташкиллаштиради. Ҳамроҳ-мутахассис ушба муассасада фаолият кўрсатиши ва санитар меъёрларга, қоидалар ва гигиеник тартиблар учун маъсул ходим бўлиши керак.

Биринчи босқичда текширув стационарнинг умумий тасниfinи ўрганади: стационар планировкаси, бўлимлар рўйхати, касалхона хизматлари, санитар-коммунал ободонлаштириш: сув таъминоти, иссиқ сув билан таъминланганлиги, канализация тизими, сувни тозалаш йўллари, санитар ҳолати, худуд ободончилиги, бўлимлар бўйича койкалар миқдори, текширув вақтида касалхонадаги bemorlar миқдори, касалхонада жойлаштириш тартибининг тўғрилиги, ходимлар миқдори ва бошқалар. Текширувчи талаби билан унга текширувга тегишли бўлган барча хужжатлар тақдим этилиши зарур.

Эпидемияга қарши сифатнинг энг муҳим ахборот кўрсаткичлари bemorlar орасидаги госпитал инфекциялардан юзага келадиган касалликлар даражаси, ушбу инфекцияларни ўз вақтида йўқотиш, госпитал инфекциялардаги

касалликлар даражаси ва ходимлар орасидаги ушбу инфекциядан заарланганлар миқдори ҳисобланади.

Текширув ўтказиш жараёнида стационардаги врач-эпидемиолог ички касалликлар инфекцияси касалликлари таҳлилини, уларнинг пайдо бўлиши ва учёти таҳлиллари амалга оширилиб, эпидемияга қарши тадбирлар, бу борадаги тўсиқлар ва стационардаги турли инфекцион касалликларнинг тарқалишига қарши дастурлар ижроси текширилади.

Врач-иммунолог стационардаги иммунопрофилактика ҳолати ва биринчи навбатда акушерлик комплекслари ва амбулатор-поликлиник муассасалар ҳолатини ўрганадилар. Санитар врач эса сув таъминоти, канализация, беморлар озуқасини ўрганади. Бундан ташқари озуқа маҳсулотлари татиб кўрилиб, ташқи муҳит, худудлар ободончилиги, тиббий ва майший чиқиндиларнинг утилизацияси ҳам текширилади.

Врач-бактериологлар бактериологик назоратдаги ташқи муҳит объектлари текширувларини ташкиллаштирадилар. Бактериологик назорат ўтказилишида назорат ўтказиш объектлари қўйидагилар ҳисобланади: ҳаво ўтказиш муҳити, ташқи муҳитнинг турли объектлари, хирургик инструментарийлар, четдан олиб келинган, шов материаллар, операция майдонидаги хирурглар қўли ва терисининг стериалланлик даражаси,

шунингдек ичак таёқчалари гурухидаги бактериалларга ходимлар қўллари ва стафилокклар. Агар ДПМ тизимида ички дорихона бўлса, бундай ҳолатда инфузион эритмалар ва стериалланганлик намуналари текширилади.

Текширув тугатилгандан кейин лаборатория изланишлари бўйича акт тузилади ва зарурият тўғилганда санитар-гигиеник, эпидемияга қарши, дезинфекцион камчиликлар баратараф этилиши керак бўлган муддат билан текшириувчига тақдим этилади. Моддий харажатлар талаб этилувчи тадбирлар даволаш-профилактик муассаса раҳбарлари билан келишилади.

Ички касалликлар инфекцияси топилган тақдирда ёки ДПМ даги инфекцияларнинг юриши ҳолатида муассасадаги маъсул шахс мажбурий тарзда Госсанэпидназорат ҳудудий Марказига хабар бериши керак бўлади.

Бундай ҳолатда режали текширувлардан қаътий назар даволаш муассасаларига касалхона ичida инфекция тарқалиши сабаблари аниқланиши учун мутахассислар юборилади ва эпидемияга қарши тадбирлар тўлиқ белгиланиб, унинг қайта тақрорланмаслик чора-тадбирлари кўрилади.

Санитар-гигиеник, эпидемик ва дезинфекцион режимдаги камчиликлар топилганда, муассаса раҳбарлари, мансабдор шахслар ва бошқа маъсул шахсалар “Давлат санитар назорати тўғрисидаги” 29 Конуннинг 29 бандига мувофиқ дисциплинар ва бошқарув маъсулияти оладилар. Текширув актлари асосида маъсул шахсга, шунингдек ДПМ раҳарига йўл қўйилган камчилик бўйича “Санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши курашиш камчиликлари ҳақида” баённома тузилади.

Баённомада персонал паспорт, маъсул шахс паспорт далиллари ва йўл қўйилган камчиликлар асослари кўрсатилади. Камчиликни йўлга қўйган шахс баённомада юзага келган камчилик сабабини кўрсатиши керак бўлади. Шу билан бирга улар қўтарилигандан камчиликларни рад қилиш ҳукуқига эга.

ДСЭНМ комиссиясининг ДПМ даги текширув акти асосидаги маъмурий ишларни амалга ошириш бўйича ва 15 кун ичида тузилган баённома бўйича Ўзбекистон Республикаси “Бошқарув маъсулияти” кодекси асосида бошқарув ишларини қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Камчилмиклар туридан қаътий назар, Ўзбекистон Республикасининг Кодексидаги 53-55,85-89,95-96 ва 178 моддаларга биноан жарима солиш тўғрисидаги низом киритилади. Бошқариш бўйича ҳукмни қўллаш у чиқарилган вақтдан бошлаб кучга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бошқарув маъсулияти тўғрисида” ги Кодексининг 332 бандида жарима солинган кундан бошлаб 15 кун ичида қонунбузарлар томонидан тўланиши шарт ҳисобланади. Жарима тўланмаган тақдирда судга мажбурий тарзда йўналтирилади.

Жарима солиш бўйича чиқарилган қарор бўйича норозиликлар бўлса, 15 кун ичида давлат санитар назоратини амалга оширувчи юқори ташкилотга мурожаат қилишлари мумкин.

ДСЭНМ раҳбарлари томонидан йўл қўйилган камчилик шаклига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси “Давлат санитар назорати ҳақида”ги давлат қонунининг 27 бандига асосан ДПМ ни ёки бўлимни эксплуатация жараёни юзага чиқарилган санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхталиши мумкин.

Корхона субъектлари фаолиятини тўхтатиш суд тартибида амалга оширилади ва баъзи ҳолатларда фавқулоддаги ҳолатлар, эпидемия ва бошқа аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи ҳақиқий таҳликаларнинг пайдо бўлишини бартараф этиши билан боғлиқ ҳолда 40 кун муддатга фаолияти тўхтатилади.

### **Нодавлат секторларнинг даволаш-профилактик муассасаларидаги текширувнинг ўзига хосликлари**

Нодавлат секторлардаги даволаш профилактика муассасалари ва хусусий амалиёт юритувчи врачлар “Корхона субъектлари текширувни мувофиқлаштириш-назорат

идоралари томонидан ўтказилувчи юридик шахслар тартиби ҳақидаги низом”га асосан мониторинг ўтказилади.

Бунда мониторинг Ўзбекистон Республикаси назорат идораларини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан қўшимча келишувларсиз Госсанэпидназорат Марказларининг буйруқларига мувофиқ тарзда 6 ойда бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда ўтказилади.

ДСЭНМ ходимлари томонидан амалга ошириладиган мониторинг ўтказиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги лицензияси ва рухсат берилган хизматлар кўлами, ходимнинг тиббий дафтарчаси мавжудлиги,

бўлимда марказлаштирилган стерилизация медицина асбоблари ва боғлама материаллар мавжудлиги билан танишадилар.

Мониторинг вақтида акт текширувни тузилмайди, муассаса раҳбари бошқарув ишларига жалб қилинмайди, шунингдек объектнинг фаолият кўрсатишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор киритилмайди.

ДПМ фаолияти лицензиясиз амалга оширилаётган бўлса, стерилизация чора-тадбирлари кўрилмаса, тиббий инструментлар стерилизацияси бўлмаса, бу ҳолатда ДСЭНМ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги нодавлат муассасаларига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш ва лицензиялаш Бошқармасига чора кўриш учун йўналтиради.

**Нодавлат тармоқлардаги ДПМнинг режали текшируви Ўзбекистон Республикаси президентининг “Хўжалик юритиш субъектлари фаолиятининг давлат назорати ҳақида”ги 2005 йил 05.10 даги “Корхона субъектларини текшириш тизимини истиқболда қисқартириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги ПФ-№3665, шунингдек назорат қилинувчи идоралар фаолиятининг координацияси бўйича Республика кенгашлари билан келишилган режа бўйича амалга оширилади.**

Шунга эътибор қаратиш лозимки, текширувчи раҳбарни назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгашидан маълумотнома, раҳбар имзоси мавжуд бўлган ва мувофиқлаштириш режаси асосидаги нашри шаклидаги ДСЭНМ бўйича бўйруқ, шахсий хизмат гувоҳномаси ва вазифаларнинг назоратини йўлга қўйувчи гувоҳномани кўрсатиши зарур. ДСЭНМ бўйруғида мақсад, муддат, фаолиятни амалга оширувчи шахс аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Муассаса раҳбари текширувчи тўлдириб бориши учун текширув журналини тақдим этиши зарур. Журнал йўқ бўлган тақдирда текширувчи белгиланган тартибда текширув актини тузади.

Санитар изоҳлар ва йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш муддатини аниқ кўрсатган ҳолда текширув натижаларини акт билан расмийлаштиради. Санитар изоҳларнинг амалга оширилиши текширув тартибидаги текширувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш билан келишилмаган ҳолда назоратга олинib борилади.

Акт икки намунада тузилади, биринчиси ДПМда қолдирилади, иккинчиси ДСЭНМга жўнатилади.

Санитар гигиеник, эпидемияга қарши қурашиб ва дезинфекцион режимдаги фаолиятда камчиликлар топилган тақдирда раҳбар ёки бошқа маъсул шахслар “Иш юритиш маъсулияти ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси Кодексига биноан маъмурий жавобгарликка тортилади. Бундан ташқари, текширувлар натижаси бўйича материаллар Тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш ва лицензиялаш бошқармасига юборилади. Нодавлат тармоқдаги ДПМ да касалхона ички инфекция тарқалиши юзага келган бўлса, мустақил врачлик фаолияти билан

шуғулланувчи муассаса раҳбари ёки шахс ДСЭНМ га таклиф қилинади ва эпидемияга қарши курашиш комплекс чора –тадбирлари билан таништирилади.

Даволаш-профилактик муассасалар раҳбарлари, санитар –гигиеник фаолиятни, эпидемияга қарши қурашиш ва дезинфекцион режимдаги чора тадбирларни амалга оирсалар объектнинг санитар-гигиеник ва эпидемик ободонлиги таъминланади.

**Хукумат ҳузурида Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси худудий бўлинмалари билан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида эса - Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ташкил этилмоқда (9.09. 2019 йилдаги ПФ-5814-сон Фармонга қаранг).**

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси тугатилмоқда. Қайта ташкил этилаётган Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг лаборатория хизмати негизида янгидан ташкил этилган Агентлик ҳузурида Лаборатория комплекси ташкил этилади.

Давлат инспекцияси, бошқалар қаторида, хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар устидан миллий мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш билан шуғулланади. Агентлик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини (СанҚвАН) ишлаб чиқиш ва жорий этиш, эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва бошқалар билан шуғулланади.

Янги муассасалар раҳбариятига нисбатан қўйидаги қоидалар амал қиласди:

- Давлат инспекцияси - бошлиқ бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Бош давлат санитария инспектори ҳисобланади, Бош вазирнинг тақдимномасига кўра Президент томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади, бошлиқнинг ўринbosари Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади. Мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича тегишинча вазир ва вазир ўринbosарига тенглаштирилади;
- Агентлик - директор бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Бош давлат санитария врачи ҳисобланади, Бош вазирнинг тақдимномасига биноан Президент томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади. Мақоми, майший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича соғлиқни сақлаш вазирининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади.

Колган ходимларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

Давлат инспекцияси ва Агентлик хузурида бюджетдан ташқари моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармалари (юридик шахс ташкил этмасдан) ташкил этилди. Тугатилаётган давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бюджетдан ташқари ҳисобрақамларидаги барча маблағлар Агентлик жамғармасига тўлиқ ўтказилади.

## V.КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-амалий машғулот: Атроф мұхит омилларининг гигиеник меъёрлаштириш мезонлари. Хоналарнинг микроиклим кўрсаткичларини текшириш усуслари.**

1.Кичик гуруҳлар билаш усули гуруҳдаги тингловчиларни 4 кичик гурухга бўлишни қўзда тутади (3 тадан тингловчи), ҳар бир кичик гуруҳ мавзуни мухокамаси ва ўқитувчи томонидан асбоблар билан таништириш ва ишлаш тартиби бўйича тушунтириши тугагандан сўнг шахсий топшириқларни оладилар:

-1 кичик гурух – хонадаги инсоляцион тартибни аниқлаш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-2 кичик гурух – ўқув аудиториясидаги ЁК ўлчаш ва унга баҳо бериш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-3 кичик гурух – ўқув аудиторияси мисолида ТЁК ўлчаш ва баҳолаш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-4 кичик гурух – ўқув аудиторисидаги иккита ишчи нуқтасида ёруғликнинг тушиш бурчагини аниқлашни бажариш (1-чи ва 2-чи қатордаги иш жойлари)

Кичик гуруҳларда амалий ишлар якунлангандан сўнг, ҳарбир гуруҳча ўзларининг текшириш натижаларини тақдим этадилар – текшириш натижалари ва хисоблаш натижаларининг баённомасини ўқийдилар. Сўнгра гуруҳдаги ҳамма тингловчилар барча текшириш натижаларини ўз дафтарларига ёзиб оладилар ва кейин ўқитувчининг маслаҳати билан олинган натижаларга баҳо берадилар (ўқув аудиторияси учун табиий ёритилганлик кўрсаткичларининг гигиеник меъёрлари)

Сунъий ёритилганлик бир қанча омилларга боғлиқ бўлади: хонанинг катталиги (ўлчамлари), фойдаланиладиган чироқларнинг табиати, қуввати ва сонига, уларнинг созлиги, осилиш баландлиги, тозалиги, арматураларнинг тури, хонадаги юзаларнинг нурни қайтариш хусусиятига боғлиқ бўлади. Хоналарнинг сунъий ёритилиш ҳолатини баҳолашда биринчи навбатда юқоридаги ҳамма омилларни тавсифлаш керак бўлади.

Ёритилиш даражасини ва унинг хона бўлаб бир текис тарқалишини баҳолаш учун ўлчашлар хонада кам деганда 3-5 нуқтада амалга оширилиши керак (хонанинг катталигига боғлиқ ҳолда). Ўртacha қиймат ёритилишнинг ўртача даражасини, турли нуқталардаги ёртилиш фарқларининг қиймати эса,

ёритилишнинг бир текис тарқалишини таърифлайди. Ёритилганликни ўлчаш учун люксметр асбобидан фойдаланилади.

Бундан ташқари хоналардаги сунъий ёритилганлик қиймати хисоблаш усули билан ҳам аниқланиши мумкин. Аввал хонага қўйилган ва ишлаш ҳолатидаги чироқларнинг йифинди қуввати хисобланади (А.Вт) ва йифинди қувватни хона майдонига бўлиш орқали, солиштирма қувват хисоблаб топилади (Б, Вт/кв.м). Кейин жадвал бўйича (Амал. машғулотларга қўлланма, Г.И.Румянцев, 88 бет, 13 жадвал) 10 Вт/кв.м (100 люкс) энергия сарфлайдиган турли турдаги ёритгичлар яратадиган ёритилиш қиймати топилади. Ёритилганликнинг яқинлаштирилган қиймати (Х) кўйидаги формула ёрдамида хисобланади:

$$X = (B \times C) : 10 \text{ люкс}$$

**Хисоблаш учун мисол:** 36 м<sup>2</sup> майдонга эга бўлган хонада 3 та лампа иш ҳолатида бўлиб, улар 100 ВТ ли чўғланувчи лампалардир. Лампаларнинг йифинди қуввати  $3 \times 100 = 300$  Вт ни, солиштирма қувват эса  $300 : 36 = 8,3$  Вт / кв.м ташкил қиласи. 13 -чи жадвал бўйича тўғри тушувчи ёргулик учун (чўғланувчи лампалар) 10 Вт/кв.м 42 люкс га жадалликка эга бўлган ёруғлик оқимини яратишини топамиз. Демак, хонадаги таҳминий ёритилиш даражаси қўйидагини ташкил қиласи:

$$X = (8,3 \times 42) : 10 = 35 \text{ люкс}$$

Туар-жой бинолари, жамоат жойлари, болалар ва даволаш муассасаларини лойиҳалашда, ҳамда касалхонадаги функционал хоналардаги ёритилиш даражаси етарлича бўлмаган ҳолатларда, ёритилганликнинг гигиеник меёрларини таъминлаш мақсадида хона учун талаб этиладиган лампалар сонини хисоблаш зарурияти юзага келади. Бундай хисоблашни бажариш учун биринчи навбатда жадвал бўйича (Пивоваров Ю.П., 110 бет, 36 жадвал) лампанинг тури, осилиш баландлиги, хонанинг катталиги ва талаб этиладиган ёритилиш даражасини хисобга олган ҳолда кера бўладиган солиштирма қувват аниқланади. Топилган солиштирма қувватни хона майдонига қўпайтириш орқали талаб этилган йифинди қувват топилади. Топилган қийматни битта лампанинг қуватига бўлиш орқали талаб этиган чироқлар сони топилади.

**Хисоблаш учун мисол:** Боғлов хонасининг баландлиги 3 м ва майдони 30 кв.м, ишчи юзадаги ёритилиш даражаси 100 люксни ташкил этиш учун хонани чўғланма лампалар билан ёритиш лозим (100 Вт ли лампалар). Жадвал буйича берилган шароит учун солиштирма қувват 31 Вт/кв.м эканлигини топамиз. Зарур бўлган солиштирма қувват =  $31 \times 30 = 930$  Вт. Чўғланма лампаларнинг талаб этилагн сони:  $930 : 100 = 9$  лампа бўлади.

Кичик гурухлар билан ишлаш гуруҳдаги тингловчиларни 3 гуруҳчага (хар гуруҳчада 4 та тингловчи) бўлишни кўзда тутади ва машғулот мавзусини

тўлиқ мухокамаси, асбоблар ва жиҳозлар билан танишиш ва ўқитувчининг кўрсатмаларидан сўнг ҳарбир гурухча алоҳида топшириқ олади.

-1 гурухча – хоналарни сунъий ёритиш учун фойдаланиладиган ёритиш асбобларининг турини тавсифлаб бериш (ўқув аудиторияси мисолида)

-2 гурухча – ўқув аудиториясининг 3 тадан кам бўлмаган нуқтасида сунъий ёритилганлик даражасини ўлчашни ўтказиш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

**Фаолият кетма-кетлиги:**

-фильтри фотоэлементни тайёрлаш x10

-иш жойларида кам деганда уч нуқтада ёритилиш даражасини кетма-кет ўлчаш (сунъий ёритилишнинг ёқилган қв ўчирилган вақтада)

-ҳарбир нуқтада иккита ўлчаш ўртасидаги фарқни аниқлаш

-хисоблаш ва ёритилганликнинг ўртача даражасини баҳолаш

-ёритилишнинг бир текис тарқалганлигини баҳолаш

-3 гурухча – ўқув аудиторияси учун керак бўладиган ёритгичлар сонини хисоблашни бажариш

**Фаолият кетма-кетлиги:**

-жадвал бўйича чўғлатма чироқлар учун гигиеник меёрни (100лк), ҳонанинг ҳажми ва унинг баландлигини хисобга олиб керак бўлган солиштирма қувватни жадвал бўйича аниқлаш

-керак бўладиган умумий қувватни хисоблаш

-100 вт бўйича керак бўладиган чироқлар сонини хисоблаш

Кичик гурухларда иш тутатилгандан сўнг, ҳарбир кичик гурух ўзининг иш натижаларини баённомаси ва бажарилган хисоблаш бўйича доклад қиласи. Кейин ҳамма тадабалар бошқа гурухчалар бажарган иш натижаларини ҳам умумлаштириб умумий баённома ёзадилар (ўқув аудиториясининг сунъий ёритилиш кўрсаткичларининг гигиеник меъёрлари) олинган натижалар баҳоланади.

## **2-амалий машғулот: Аҳолининг тўғри овқатланиш баҳолашда инновацион технологиялар**

Машғулотнинг амалий қисми 2-та кичик гурӯхлар билан ишлаш орқали ўтказилади ва уларнинг ҳарбири алоҳида топшириқ оладилар:

1КГ – тавсия этилган сут намунасининг органолептик ва айрим физико-кимёвий текширишларини ўтказиш (ранги, ҳиди, консистенцияси, зичлиги, нордонлиги, аралашмаларнинг бор-йўқлиги – сода, крахмал)

2КГ – тавсия этилган гўшт намунасини қўйидаги кўрсаткичлар бўйича текширишдан ўтказиш: ранги, ҳиди, консистенцияси, аммиакнинг борлиги, гельминтларнинг борлиги

Сутнинг тўла сифатлиигини баҳолаш унинг органолептик, физиковий, кимёвий ва микробиологик кўрсаткичларини текшириш орқали амалга оширилади.

Сутнинг органолептик хоссаларига ранги, ҳиди, консистенцияси, таъми киради. Тўла сифатли сутнинг ранги оўй, бироз сарғиш тусли, ёқимли сут ҳиди, суюқ (аммо сув каби суюқ эмас) консистенцияли, ёқимди ва енгил хушбўй ҳидга эга бўлади.

Физиковий кўрсаткичларига унинг зичлиги (солиширма оғирлиги), ёғнинг миқдори ва механик аралашмаларини киритиш мумкин.

Кимёвий сифат кўрсаткичларига унинг янгилиги ва табиийлиги, ҳамда сутнинг қалбакилаштириш мақсадида қўшилиши мумкин бўлган кимёвий аралашмалари киради (сода, крахмал).

Сутнинг микробиологик кўрсаткичларига микрофлораларнинг миқдори ва уларнинг табиатини киритиш мумкин.

Сутнинг юқорида баён этилган кўрсаткичларини текширишда қўлланадиган асосий усуллар жадвалда келтирилган:

Кўрсаткичлар	Аниқлаш усули	Гиг.меёри
Зичлиги (солиширма оғирлик)	Лактоденсиметр ёрдамида	1,028-1,034 20°C хароратда
Зичлиги паст – суюлтирилган сут, юқори зичлик –сутнинг ёғи олинган		
Ёғнинг миқдори (%)	Бутирометр ёрдамида	2,8-3,7%

Механик аралашмаларнинг борлиги	Тоза дока орқали сузиш ва кейин докали фильтрни кўриш	Механик аралашмалар бўлмаслиги керак
Сутнинг янгилиги: А)нордонлиги  Б)чириш намунаси	0,1н NaOH билан титрлаш усули  Кайнатиш	18-24 <sup>0</sup> Тернера  Чириши мумкин эмас
Сода аралашмаси	Розол кислота билан сифат реакцияси	Розол кислота билан сариқ ранг
Крахмал аралашмаси	Краҳмалга сифат реакцияси	Сариқ ранг
Бактериологик кўрсаткичлар	Овқатли муҳитларга экиш, микроскопик текшириш	Патоген флоралар бўлмаслиги керак

**Гўштнинг тўла сифатлиигини баҳолаш** қуйидаги кўрсаткичлар орқали амалга оширилади: органолептик (ранги, хиди, консистенцияси, шўрвасининг таъми), кимёвий (аммиак, водород сульфид, т кислоталари), микробиологик (гельминтларнинг борлиги). Гўшт кўрсаткичларини баҳолаш 25 балли тизимда амалга оширилади, яъни агар гўштнинг йиғинди баллари 21-25 ни ташкил қиласа, гўшт янги, 10-20 балл бўлса – янгилиги шубҳали, ё 10 баллдан паст бўлса – гўшт янги эмас:

Кўрсаткичлар	Текшириш усуллари	Кўрсаткичларни баҳолаш
Органолептик: -ранги -консистенцияси -хиди	Визуал  Бармоқ билан босиш  Қиздирилган пичоқ намунаси	Оғиш бўлса: -рангида - 2 дан 5 баллгача чегириш; консистенциясида – 2 дан 5 баллгача чегириш; хидда-2 дан 7 баллгача
Кимёвий: -учувчи ёғ кислоталарининг борлиги -аммиакли азотнинг	Мис сульфат намунаси  Несселер реактиви билан	Бор бўлса 4 балл чегириш  Бор бўлса – 2 балл

борлиги	ижобий	чегириш
Микробиологик: финна ва трихи- неллаларнинг борлиги	Эзилган препаратларни микроскопдв кўриш	Бор бўлса – 2 балл чегириш

Кичик гурухларда иш тугагандан сўнг, ҳарбир гуруҳ ўз ишининг натижасини тақдим этади – текшириш баённомалари ўқилади. Ҳамма текшириш натижаларини жамлаб якуний баённомани тузиш, сўнгра ўқитувчи маслаҳати ёрдамида олинган натижалар баҳоланади

### **З-амалий машғулот: Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ўзига хос муаммолари. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолашнинг методологик асослари.**

1.3-4 та тингловчида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари аниқланади (бўйи, вазни, кўкрак қафасининг айланаси, мушаклар кучи, ЎТС –ўпканинг тириклик сифими)

2.2-3 та боланинг жисмоний ривожланишини баҳолашни ўтказиш (вазиятли масалалар) регессия шкаласи бўйича

Қадамба-қадам харакат алгоритми:

- берилган вазиятли масалага мувофиқ шу ёш,жинс, миллат ва яшаш жойи учун регрессия шкаласи кўрсатиш
- бўй кўрсаткичи бўйича ривожланиш даражасини аниқлаш
- тана вазни ва КҚА қийматларини аниқлаш, ҳамда шу бўйга мувофиқ «±δ» қийматини топиш
- тана вазни ва КҚА учун шахсий сигмали оғишни хисоблаш
- хисоблаб топилга оғиш қийматларига боғлиқ ҳолда ривожланишнинг гармоник эканлигини баҳолаш

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ТОПШИРИК**

1. Ўз мутахассислингиз бўйича муаммоли вазиятни шакллантиринг.
2. Унга интернетдан жавоб изланг.
3. Олинган натижаларни таҳлил қилинг ва тушунтириб беринг.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташқил этишнинг шакли ва мазмуни.**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
  - тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
  - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
  - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

Овқатланишнинг адекватлигини ўрганиш ва баҳолаш (шахсий тарзда овқатланиш мисолида)

ДПМларда bemорларнинг овқатланишини ташкил этиш ва унинг назорати.

Ўқувчиларни гигиеник тарбиялаш (мавзу ҳозирги вақтда долзарб бўлган муаммолар бўйича)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг тарқалган нозологик шакллар бўйича касалликларнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикаси.

Халқ саломатлигини сақлашга (мактабларда, талабалар-тураржойларида, академик лицейларда санитар тарғибот ишлари)

Соғлом турмуш тарзининг гигиеник асослари

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги</b>	аҳоли соғлиғининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш мухити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун кулай шарт-шароитлар таъминланади;	a sanitary and epidemiological welfare of the population is the state of health of the population, in which there is no adverse impact of environmental factors on human and provided favorable conditions for its life;
<b>давлат санитария назорати</b>	аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;	a state sanitary supervision is activity on warning, exposure and removal of violations of legislation about sanitary-epidemiology prosperity of population;
<b>инсоннинг яшаш мухити</b>	инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ҳодисалар ва атроф-мухит омиллари мажмуи;	a human environment is a collection of objects, phenomena and environmental factors determining human living conditions;
<b>санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар</b>	юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурӣ, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;	a sanitary-hygienic and anti-epidemic measures are organizational, administrative, engineering, health and other measures aimed at preventing the emergence and spread of infectious and parasitic diseases and their elimination;
<b>санитария-эпидемиологик вазият</b>	аҳоли яшаётган мухитининг ва соғлиғининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;	a sanitary-epidemiological situation is the state of the environment and the health of the population in a certain area at the

		specified time;
<b>санитария-эпидемиология хизмати</b>	аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, ортирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиш марказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавфли инфекцияларни профилактика қилиш марказларини, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;	a sanitary and epidemiological service is a single system, which includes the centers of state sanitary and epidemiological supervision centers for the fight against acquired immunodeficiency syndrome (AIDS), disinfection stations, centers of plague prevention, quarantine and especially dangerous infections, research institutions operating in the sanitary and epidemiological welfare of the population
<b>чекловчи тадбирлар (карантин)</b>	юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;	restrictive measures (quarantine) - administrative, health and other measures aimed at preventing the spread of infectious and parasitic diseases, providing a special regime of economic and other activities, the restriction of movement of people, vehicles, cargoes and (or) goods;
<b>юқумли ва паразитар касалликлар</b>	инсонга у яшаётган мухитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиган инсон касалликлари	infectious and parasitic diseases - human diseases, the occurrence and distribution of which is caused by human exposure to biological environmental factors and the possibility of

		disease transmission from an infected person or animal to a healthy person.
<b>Гигиеник меъёрлар</b>	доимо таъсир кўрсатувчи ва инсон учун керакли омиллар	Hygienic norm - as a rule, are permanent and necessary for human factors.
<b>гигиеник коидалар</b>	табиятда бор бўлган у ёки бу омилга бўлган гигиеник талабларнинг оғзаки таърифи	Hygiene rules - a verbal (verbal) description of hygienic requirements to a particular factor
<b>гигиеник регламентлар</b>	одам организмига негатив таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ўрнатиладиган меъёрлар	Hygienic reglament- are among the factors that can have a negative effect on the body.
<b>Овқат рациони</b>	овқат махсулотларининг таркиби ва микдори	Diet - the number and composition of the food products that are part of the daily human diet
<b>оқилона овқатланиш</b>	физиологик овқатланиш меъёрлари	Proper nutrition - it is a diet that provides the body's need for nutrients and energy, promotes harmonious development, the preservation of high efficiency and the body's resistance, prolongs the active period and the duration of human life.
<b>овқатланишининг физиологик меъёрлари</b>	овқат моддалар ва энергия микдорилари бўлиб, организмнинг ёши, жинси, меҳнат фаолиятининг турига мувофик организмнинг эҳтиёжини қондиради	Physiological norm of power - is the amount of nutrients and energy, designed to meet the physiological needs of the body, depending on the age, sex, nature of work.

<b>алиментар касалликлар</b>	овқатланишнинг физиологик меъёрларини бажармаслик, ҳамда бошқа гигеник талабларга риоя қилмаслик натижасида ривожланган касалликлар	Nutritional Meals disease population that does not match the requirements of a balanced diet, and leads to more widespread diseases, directly or indirectly related to food quality
<b>Мехнат гигиенаси</b>	ишлаб чиқариш муҳитида бўладиган заарли омилларнинг ишчилар организмига таъсир этиш хусусиятларини ўрганиб, унинг асосида ишчилар ўртасида кузатиладиган касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва ҳаётга тадбиқ қиласди	Occupational Hygiene - the science that studies the influence of harmful factors of environment on the body work and develop on this basis, measures aimed at the prevention of diseases of workers, their exhaustion and fatigue, increase in labor productivity.
<b>тиббий- санитария кисми</b>	ишчи ва хизматчиларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий-хизмат кўрсатиш, ҳамда профилактик тадбирларни амалга оширади	Medical care part - has qualified and specialized medical care work, and also carries out preventive measures
<b>ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар</b>	ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар	Factors of production environment - a set of production factors, which may be either indifferent to the body working and have a negative impact on it.
<b>касб касалликлари</b>	ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар таъсирида келиб чиқадиган касалликлар	Occupational diseases - a disease that develops due to the impact specific to the work of the working conditions of factors
<b>Болалар ва ўсмирлар</b>	ўсувчи организмга атроф мухитда бор бўлган турли	Hygiene of children and adolescents - is studying

<b>гиgienаси</b>	омилларнинг таъсирини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида болалар ва ўсмирлар организмига мослаштирилган ҳолда илмий асосланган гигиеник нормативларни, тавсияларни ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб ҳаётга тадбиқ қиласди	the impact of the growing body of environmental factors and developing hygiene guidelines and recreational activities for children and teenagers.
<b>акселерация</b>	Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг олдинги авлод болаларидағи ривожланиш кўрсаткичларига қараганда тезлашиши	Akseleration- process more rapid physical development and its higher performance in contemporary generations compared with previous generations
<b>соғлом турмуш тарзи</b>	атроф мұхитда бор бўлган барча омилларнинг организмга таъсир этиш мүмкинлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш, ва ана шу омиллардан ўзининг саломатлиги учун фойда келтирадиган томонларидан самарали фойдалана олиши	Healthy human life- is a skill that is the ability to perform specific actions (or vice versa, to refuse to perform any), are aimed at preserving and improving the health and disease prevention
<b>Психигигиена</b>	инсонларнинг рухий саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган	Psychohygiene - the science of preservation and promotion of mental health, the prevention of the emergence and development of mental illness
<b>Касалланиш</b>	аҳоли орасида ёки унинг айrim гурухлари ичида тарқалган касалликлар.	diseases which prevalence among population or in some groups of one's
<b>Хавф омиллари</b>	инсон саломатлигига хавф туғдирувчи, касалликларни келиб чиқишига, ривожланишига, ёмон	a risk factor is any attribute, characteristic or exposure of an individual that increases

	<p>оқибатларга олиб келувчи - биологик, генетик экологик, тиббий-ижтимоий ҳарактерга эга бўлган, ташқи муҳит, ишлаб чиқариш шароити, турмуш тарзи билан боғлиқ омиллар гурӯҳидир.</p>	<p>the likelihood of developing a disease or injury. Some examples of the more important risk factors are underweight, unsafe sex, high blood pressure, tobacco and alcohol consumption, and unsafe water, sanitation and hygiene.</p>
<b>PubMed</b>	<p>бу электрон қидирав системаси NLM да ишлаб чиқилган. PubMed ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- MEDLINE (медлайн)</li> <li>- PreMEDLINE</li> <li>- Нашриётлар баёни.</li> </ul>	<p>this electronic search system was developed in the National Library of Medicine (NLM). PubMed includes:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- MEDLINE</li> <li>- PreMEDLINE</li> <li>- Description of publications</li> </ul>
<b>MEDLINE</b>	<p>тиббиёт маълумотларининг базаси, у 1960-йилдан бошлаб 22 миллиондан ортиқ бутун дунё бўйича тиббий маълумотлар нашрларининг библиографик баёнларини ўз ичига олади. Ҳозирда MEDLINE белул интернетдан маълумот қидиришга ёрдам беради.</p>	<p><u>MEDLINE</u> is the National Library of Medicine (NLM) journal citation database. Started in the 1960s, it now provides more than 22 million references to biomedical and life sciences journal articles back to 1946. MEDLINE includes citations from more than 5,600 scholarly journals published around the world.</p>

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008
8. Каримов.И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов.И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, - 2011.
10. Каримов И.А. Она юритимизнинг баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018, 40-бет.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
13. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
14. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

### **Махсус адабиётлар:**

1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2015 йил 26 июндаги 170-сонли Қарори.

3.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.

4. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - T.,2011.

5.Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005

## 6. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

### **Қўшимча адабиётлар:**

- 1.Мельниченко П.И., Архангельский В.И., Козлова Т.А. ва б. “Гигиена с основами экологии человека”, Дарслик. М., 2009. -752б.
2. Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
- 3.Большаков А.М. “Общая гигиена” М. 2009, -736 б
4. Кича Д. И., Дрожжина Н. А., Фомина А. В. “Общая гигиена руководство к лабораторным занятиям”. 2009.-288 б.
5. Демиденко Н.М. таҳрири остида. “Гигиена” Т.2004. -615б.
6. Камилова Р.Т. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун регрессия шкаласи. Т., 1998, -75б.
7. Камилова Р.Т. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун центил шкаласи. Т., 1998, -50б.

### **Интернет ресурслар**

1. [www.minzdrav.uz;](http://www.minzdrav.uz)
2. [www.tma.uz](http://www.tma.uz)
3. [www.Ziyonet;](http://www.Ziyonet)
4. [www.hygiene.uz;](http://www.hygiene.uz)